

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти  
“Тахфизул Қуръон” кафедраси

# ҚУРЪОН ЁДЛАШ ФАЗИЛАТЛАРИ

*Мураттаблик сирлари ва ёдлаш усуллари*



Тошкент 2013

УЎК: 297

КБК: 86.38 - Ислом

Қ 80

Қуръони каримни ёдлаш ва ўрганиш бобида бутун ислом дунёсида самарали иш бериб келаётган машхур китоб асосида яратилган ушбу қўлланмада олимларнинг Аллоҳ каломини ёдлаш ва сўнгра уни “қочириб юбормаслик” йўллари, фазилатлари ҳақидаги ҳикматли сўзлари, бу соҳадаги шахсий тажрибалари, мўътабар услублар, меъёрлар, намунавий амалий-тадбиқий дастурлар баён қилинади. Қуръон ҳофизига уни хотирада янада мукаммал равишда мустаҳкамлаб олиш тавсиялари берилади. Кўплаб ўзаро ўхшаш оятларни чалкаштириб юбормаслик учун уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатлари бой таҳлилий йўсинда алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Қўлланма исломий ўқув юртлари талабалари, Қуръон илмига қизиққан барча учун гоят фойдали бўлиши шубҳасиз.

**Қуръон ёдлаш фазилатлари / таржимонлар:** Ж. Ҳамроқулов, Ж. Неъматов, Ф. Сувонов; масъул муҳаррир: Ҳ. Йўлдошхўжаев. – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2013. – 236 б.

*Масъул муҳаррир:*

Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ,  
*тарих фанлари номзоди*

*Таржимонлар гуруҳи:*


Жалолиддин ҲАМРОҚУЛОВ (*гуруҳ раҳбари*),  
Жаҳонгир НЕЪМАТОВ,  
Фазлиддин СУВОНОВ,  
Зафар МАҲМУДОВ,  
Аҳмадхон РАШИДОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 935-рақамли тавсияси билан chop этилди.

УЎК: 297

КБК: 86.38

ISBN 978-9943-12-227-7



N1 31849  
391

© Жалолиддин ҲАМРОҚУЛОВ  
© «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2013.



## Сўзбоши

**«Дарҳақиқат, Биз Куръонни зикр учун осон қилдик. Бас, эслатма олувчи борми?!»** деган Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбаримиз Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), у зотнинг аҳли байтларига, саҳобаи киромларга ва Куръонни ўқувчи, уни ёдлаб то қиёматгача нақл қилувчи қориларга салоту саломлар бўлсин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқимиз маънавиятини юксалтиришга давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралиши Ислом дини равнақи йўлида кенг имкониятлар эшиги очилишига замин яратди. Эътиқод эркинлиги давлатимизнинг Асосий Қонунида қафолатлаб қўйилди. Мусулмонларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, диний таълим олишлари, оммавий ахборот воситаларидан баҳраманд бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, диний адабиётлар нашр қилинмоқда, Ислом динининг муқаддас китоби бўлган Куръони каримни ўрганишга алоҳида эътибор берилиб, маъноларининг таржимаси она тилимизда бир неча бор нашр этиб келинмоқда. Диёримизда турли хил Куръон мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар дунё мамлакатларидаги халқаро синовларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмоқдалар. Юртбошимиз таъкидлаганларидай: “Диний-маърифий кадрларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш, шу асосда ёш авлодимиз қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш бўйича олиб бораётган ишларимиз жамоатчиликка яхши маълум... Бугунги кунда бизнинг тарихий мерос масаласига катта масъулият билан қараб, олиб бораётган ишларимизнинг амалий тасдиғини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> www.muslim.uz

Истиқлол шарофати билан юртимизда Тошкент Ислон университети, Тошкент Ислон институти ҳамда тўққизта Ислон ўрта махсус билим юрти ва минглаб масжидлар фаолият олиб бормоқда. Улар орасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги, буюк муҳаддис бобокалонимиз Имом Бухорий ҳазратларининг улуғ номлари билан аталган Тошкент Ислон институти 40 йилдан ортиқ тарихи мобайнида нафақат юртимиз, балки дунё тан олган кўплаб олиму уламолар, қорию қурролар, фан ва давлат арбоблари таълим олган илм даргоҳи ҳисобланади. Фахр ва шукроналик ила айтиш мумкинки, Тошкент Ислон маданияти пойтахти деб номланган 2007 йили Ҳазрати Имом мажмуаси янгидан қад ростлади. Шу мажмуанинг бир қисми сифатида Тошкент Ислон институти ҳам муҳтарам Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари ва шахсан раҳнамоликлари ҳамда ғамхўрликлари остида барча шароитлар яратилган, замонавий кўринишдаги янги бинога эга бўлди. Бу даргоҳ нафақат диний, балки дунёвий илмлар ҳам мукамал ўргатиладиган зиё масканига айланди.

2007 йил 23 август куни институт илмий кенгашининг 1-сонли қарори билан очилган, ҳозирги кунда етакчи кафедралардан бири ҳисобланган “Таҳфизул Қуръон” кафедраси республикада Қуръони каримни тўлиқ ёдлатишга ихтисослашган ягона билим даргоҳидир. Кафедра таъсис этилганидан буён юзлаб талаба унинг таҳсилани кўрди. Уларнинг аксарияти Қуръони каримни тўлиқ ёд олишга мушарраф бўлди, битирувчиларнинг деярли ҳаммаси диний-маърифий соҳада диёримиз масжид ва мадрасаларида самарали хизмат қилиб келмоқда.

Ҳозирда ушбу илм даргоҳида элликка яқин талаба таълим олаётган бўлса, улар орасида қориларнинг республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалари иштирокчилари ҳам борлиги диққатга сазовордир. Талабаларимиз қориларнинг юртимизда ўтказиладиган ҳар йилги анъанавий маҳорат ва билим бобидаги беллашувларида қатнашиб, нуфузли ўринларни олишлари билан бирга, турли хорижий мамлакатларда ўтказиладиган ана шундай халқаро синовларда ҳам

иштирок этмоқдалар. Жумладан, Иордания Ҳошимийлар Қироллиги, Саудия Арабистони, Эрон Ислом Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия Федерациясида ўтказиладиган халқаро қорилар мусобақаларига Ўзбекистон муслмонлари идораси тавсияси билан юборилаётган ғолиб қорилар фахрли ўринларни эгаллаб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар.

Мамлакатимизда Ислом динининг асосий манбаи, Аллох таолонинг муқаддас каломи бўлмиш Қуръони каримга азалдан катта эътибор ва ҳурмат билан қаралган. Юртимиздан минглаб Қуръон ҳофизлари етишиб чиққан ва чиқмоқда. Халқимиз қадимдан Каломи шарифни ўқиш, ўрганиш, маъноларини англаш билан биргаликда уни ёд олишга катта эътибор бериб келган. Шунингдек, хориж давлатларидаги ислом олий билим юртларида тажрибадан ўтиб, ижобий самарасини амалда кўрсатиб келаётган «Ал-Жомиъу ват-таркиз лиҳафазотил Китабил Азиз» (Азиз Китобни ёд олувчиларга ёрдам берувчи қўлланма) номли китоб асосида қўлингиздаги ушбу қўлланма яратилди. Китоб Каломуллоҳни ёдлашни мақсад қилганлар учун фойдали бўлишига комил ишонч билан «Таҳфизул Қуръон» кафедраси устозлари томонидан таржима ва тасниф қилинди.

Қўлланмада Қуръони каримни ёд олишда муҳим бўлган қирқта кўрсатма берилган бўлиб, улар алоҳида бобга ажратилган ва икки услуб – умумий ва тафсилий тарзда ёритиб берилган. Шунингдек, китобда икки хил намунавий дастур баён этилган: биринчиси, Қуръонни ёд олишга киришаётган илк босқич талабаси етти қисмдан иборат ушбу дастурга биноан Қуръонни уч йилдан оз муддатда ёдлашга қодир бўлади; иккинчиси – Қуръонни ёдлаб бўлган, лекин уни яна ҳам мустаҳкамлашни мақсад қилган қорилар учун тузилган дастур асосида улар бу мақсадларига бир йилдан камроқ муддатда эришиш имкониятига эга бўладилар. Буларга қўшимча равишда ушбу китобда таҳажжуд намози, Қуръони карим, қорилар ва айрим сураларнинг фазилатлари, Қуръондаги муташобих (ўхшаш) оятлар ҳақида ҳам сўз боради.

Тақдим этилаётган ушбу ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон муслмонлари идораси тасарруфидаги барча таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар, шу билан биргаликда, соҳа мутахассислари ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган. Қуръонни ёдлашга чин дилдан ихлос қилган азиз ўқувчилар ушбу китобда берилган кўрсатмаларга тўла-тўқис риоя қилсалар, Аллоҳ азза ва жалланинг фазли, тавфиқи ила Унинг Каломини қалбларга ҳам, тилларга ҳам бирдек ўрнашган Фотиҳа сурасидек пухта ва равон ёд олишга муяссар бўладилар.

Аллоҳ таоло холис Ўзининг розилигини истаб бошлаган бу ишимиз Қуръонни ёд олувчи ҳофизларга фойдали бўлишини насиб айласин. Омин!

**Жалолиддин ҲАМРОҚУЛОВ,**  
*Тошкент Ислом институти*  
*«Таҳфизул Қуръон» кафедраси мудири*

## КИРИШ

Ойша онамиз (розияллоху анҳо) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам):

«الْمَاهِرُ فِي الْقُرْآنِ مَعَ السَّفَرَةِ الْكِرَامِ الْبَرَّةِ وَالَّذِي يَقْرَأُ وَهُوَ عَلَيْهِ شَاقٌّ  
يَتَتَعَّعَ فِيهِ لَهُ أَجْرَانِ اثْنَانِ»

«Қуръонга моҳир киши улуғ, итоаткор малоикалар билан биргадир. Қуръонни қироат қилишда тутилиб-тутилиб, қийналган кишига икки баробар ажр бор», деганлар (*Имом Муслим*).

Шарҳ:

1. Ушбу ҳадиси шарифда зикри келган «моҳир» сўзида Қуръонни тажвид ва тадаббур билан ўқийдиган «мутқин» – яхши ёд олган қори назарда тутилган.

2. Ҳадис таржимасида «малоика» деб берилган сўз асл матнда «сафаро» шаклида келган бўлиб, у «элчи», яъни малоика маъносини ҳам англатади.

3. Таржимада «итоаткор» деб тушунтирилган сўз асл матнда «барора» шаклида зикр этилган.

4. «Тутилиб-тутилиб» деб таржима қилинган сўз ҳадис матнида «ятатаътаъу» шаклида келган ва «ёдлаш қийин бўлгани учун қайта-қайта ўқувчи» деган маънони англатади.

5. Шунингдек, ҳадис матнида «унга икки баробар ажр бор» деган жумлада машаққат чекиб қироат қилганлик учун берилажак ажрлар назарда тутилган. Бу жумла зоҳирдан қийналиб қироат қилган кишига раво кўриладиган ажр Қуръонга моҳир киши ажридан устун экан, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Чунки Қуръонга моҳир кишининг мақоми малоикалар мақомига тенгдир.

Ким Қуръони каримни ёшлигида ёдласа, у қорининг эти ва қонига сингийди. Кимда-ким Қуръонни ёши ўтганидан кейин ёд олса, ёдидан кўтарилиб кетмаслиги учун уни қай-

та-қайта ўқиб туради ва эвазига у кишига икки баробар ажр берилади<sup>2</sup>. Яъни, катта ёшдаги киши Қуръонни ёдлашга ўзини ўзи мажбур қилса ва бу иш унга оғир келса, Аллоҳ таоло унга икки баробар ажр ёзади. Ёши кичик бола Қуръонни ёд олса, Аллоҳ таоло Қуръонни унинг эти ва қонига сингдиради ва ўша болани малоикаларга дўст деб ёзиб қўяди<sup>3</sup>.

عن أبي هريرة عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: «من تعلم القرآن وهو فتي السن أدخله الله بلحمه ودمه»

«Ким Қуръонни ёши кичиклигида ёд олса, Аллоҳ таоло Қуръонни унинг эти ва қонига сингдиради»<sup>4</sup>.

Ҳадиснинг маъноси: Ким Қуръон таълимини балоғат ёшига етмасидан, кичик ёшида ёдласа, Қуръон унинг эти ва қонига таъсир қилади. Чунки жасади ва ақли ўсаётган пайтда Қуръон боланинг қалбида, яъни у билан бирга бўлади. Шундай пайтда Қуръон унинг қони ва этига сингиб кетади.

Ҳасан Басрий: «Бизнинг олдимизга ёшларингизни олиб келинг! Чунки уларнинг қалблари бўш, эшитган нарсани ёд оладиган бўлади. Аллоҳ таоло кимга бирор нарсани мукамал қилиб бермоқчи бўлса, уни ёшларга беради», деган<sup>5</sup>.

Қуръонни ёд олиш қорининг нажот топиши ва жаннатда даражаси кўтарилишига сабаб бўлади. Олим киши ҳам ёдлаш орқали олимлик мақомига эришади. Қуръонни ёд олиш заковат, фасоҳат, баён ва чиройли хулқларга эга бўлишга олиб келади<sup>6</sup>.

Расулulloҳ (алайҳиссалом) саҳобаларнинг Қуръонни ёд олганларини танлаб олар ва уларни бирор жойга юбораётганларида: «У ерда сизларнинг кўпроқ Қуръон ёдлаганингиз имомликка ўтсин!»<sup>7</sup> деб тайинлар эдилар. Са-

<sup>2</sup> Имом Бухорийнинг «Ат-тарихул кабир»да, Абу Нуъайм «Хуля»да Абу Хурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>3</sup> Ҳазалийнинг «Ал-Комил» асари.

<sup>4</sup> Имом Бухорий «Ат-тарихул кабир» асарида Абу Хурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>5</sup> «Чиройли сўзлар» асарининг 183-бети.

<sup>6</sup> Ўша манбанинг 26–32-бетларига қаранг.

<sup>7</sup> «Саҳиҳи Бухорий»нинг «Мағозий» китоби.



ҳобалардан бўлган шаҳидлар бир жойга йиғилса, қабрга қўйишда ҳам Қуръондан кўпроқ ёдлаганларини олдинга қўяр ва уларни кўмишда ўзлари ҳам қатнашар эдилар<sup>8</sup>. Жобирдан (розияллоҳу анҳу): «Уҳуд куни Расулуллоҳга икки майит баробар келтирилди. У зот: «Уларнинг қай бири кўпроқ Қуръон ёдлаган?» деб сўрадилар. Ўша киши кўрсатилганида уни лаҳадда ҳам олдинга қўйдилар ва: «Мен қиёмат куни уларга гувоҳ бўламан», дедилар. Уларни ювмасдан, қонлари билан кўмишга буюрдилар»<sup>9</sup>.

Юқорида ўтган ҳолатдан Қуръон ҳофизлари азиз ва муқаррам кишилар экани ва ушбу шарафлари сабабли бошқалардан олдинга қўйилишлари маълум бўлади. Бунга сабаб, улар қалбларида Аллоҳ таолонинг Китоби бўлмиш Қуръони каримни кўтариб юришларидир<sup>10</sup>.

Яна у зот эрнинг ёдлаган Қуръонини аёл кишининг маҳри сифатида белгилаган ҳолатлар ҳам бўлган<sup>11</sup>.

---

<sup>8</sup> «Саҳиҳи Бухорий»нинг «Жаноиз» китоби.

<sup>9</sup> Бу ҳадисни Бухорий ва гўрт «Сунан» соҳиблари ривоят қилишган.

<sup>10</sup> «Қуръон ҳофизларининг мартабаси» асарининг 34-бети.

<sup>11</sup> «Саҳиҳи Бухорий»нинг «Никоҳ» китоби.

## БИРИНЧИ БОБ

### ҚУРЪОН ЁДЛАШ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА ОЛИМЛАРНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИ

Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу): «Ким Қуръон ўрганган бўлса ва ўзидан бошқа кишига унга берилган Қуръондан ҳам афзалроқ нарса берилган деб билса, кичик нарсани улуғ санаган ва улуғ нарсани кичик санаган бўлади»<sup>12</sup>, деган.

Имом Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ): «Ким Қуръонни ёд ола, ҳурмати ошади, ҳадис келтирган кишининг ҳужжати қувватли бўлади, фикҳни ўрганган кишининг қадри улуғдир, наҳв илмини ўрганган кишининг таъби нозик бўлади ва ким ўз нафсини ҳимоя қилмаса, илм уни ҳимоя қилмайди»<sup>13</sup>, деган.

### ИЛМНИНГ АВВАЛИ ҚУРЪОН ЁДЛАШ ЭКАНИ, ОЛИМЛАРНИНГ ҚУРЪОН ЁДЛАГАНЛАРИ ХУСУСИДА

Анкабут сурасининг 49-оятида Аллоҳ таоло:

بَلْ هُوَ آيَاتٌ يَبَيِّنُ فِي صُدُورِ الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ

«Йўқ! У (Қуръон) илм берилган зотларнинг дилларидаги аниқ оятлардир», дея марҳамат қилади. Бундан Қуръон ҳофизлари аҳли илмлардан экани маълум бўлади. Чунки илмнинг аввали Аллоҳ таолонинг Китобини ёд олиш ва тушунишдир. Валид ибн Муслим: «Биз Авзой билан бирга ўтириб қолганимизда, у орамизда бирор ёш болани кўриб қолса, унга: «Ҳой бола! Қуръонни ўқидингми?» дер эди. Агар ўша бола «Ҳа», деса, Авзой: Нисо сурасининг 11-ояти:

يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ

<sup>12</sup> Табароний ривояти, Али Қорийнинг «Шотибия» асарига ёзган шарҳи, 7-бет.

<sup>13</sup> Али Қорийнинг «Шотибия» асарига ёзган шарҳи, 8-бет.

«Аллоҳ сизга фарзандларингиз ҳақида тавсия қиладир»ни ўқи», дер эди. Агар ўша бола: «Йўқ», деса, унга: «Илм талаб қилишдан олдин Қуръонни ўрган»<sup>14</sup>, дер эди. Авзойи ўша болани мерос оятларини ўқишга буюришининг сабаби, бу оятлар бир-бирига ўхшаш ва қийин бўлиб, уни ақлли, зеҳнли кишигина пухта ёд ола билар эди».

Яҳё ибн Ямон ҳузурига ҳадис ўрганиш учун ёш бола келса, унга Аъроф ҳамда Юсуф сураларининг бошидан етмиш оятдан ва Ҳадид сурасининг аввалини ўқитиб кўрар эди. Агар у ўша оятларни ўқиб берса, унга ҳадис ўргатар, аксинча бўлса, ўргатмас эди.

Ибн Хузайма: «Мен отамдан Қутайба ҳузурига боришга изн сўраган эдим, у менга: «Аввал Қуръонни ўқи, кейин изн бераман», деди. Мен Қуръонни ёдлаганимда, у: «Энди уни намоз (рамазон)да хатм қил», деди. Мен бу ишни ҳам қилдим. Биз ҳайит байрамини нишонлаётганимизда отам менга изн берди», деган.

Абу Воил Шақиқ ибн Салама Қуръонни икки ой ичида тўла ўрганган.

Имом Бухорий Аллоҳнинг Китобини ўн ёшга етмасидан ёдлаган.

Ибн Ҳажар эса уни тўққиз ёшида ёд олган.

Ханафий мазҳабининг шайхи Тожуддин Абуляман Киндий Қуръонни оқ-қоранинг фарқига борадиган кичик ёшида ёдлаган ва ўн ёшида устозига ўн қироатда ўқиб берган<sup>15</sup>.

## ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Қози Исмоил ибн Исҳоқдан: «Бошқа нозил қилинган китоблар ўзгартирилгани ҳолда, қандай қилиб Қуръони карим аслича сақланиб қолган?» деб сўралганида, шундай жавоб берган: «Қуръондан олдинги китоблар ёдловчиларга топширилган. Бунга Аллоҳ таолонинг Китобидаги Моида сурасининг:

<sup>14</sup> «Қуръони каримни қандай ёдлайсиз?» асарининг 25-бети.

<sup>15</sup> «Чиройли сўзлар» асарининг 44–45 ва 166-бетларига қаранг.

بِمَا أَسْتَحْفِظُوا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ

«Аллоҳнинг Китобидан ёд олдирилган (билимлари)-га биноан» деган (44) ояти далил бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримни сақлашни бирор кишига топширмасдан, Ўз зиммасига олган. Бу ҳақда Хижр сурасининг 9-оятида:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴿٤٤﴾

«Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагувчидирмиз», дейилган.

Шунингдек, Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

لَا يَأْتِيهِ الْبَطْلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ، تَنْزِيلٌ مِنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ ﴿٤٤﴾

«Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил (ноҳақлик) келмас. (У) ҳикмат ва ҳамд эгаси (томони)дан нозил қилингандир» (Фуссилат сураси, 42-оят).

Хижр сурасининг 9-оятида **لَهُ** «уни» олмош **لَحَافِظُونَ** «муҳофаза қилурмиз» сўзидан олдин келтирилиши ҳам Аллоҳ таоло Қуръондан олдин туширилган китобларни эмас, хос-сатан, Қуръонни сақлашни Ўзига хослаб қўйганини ифода этади.

Аллоҳ таолонинг Абу Нуъайм ривоят қилган бир қудсий ҳадиси: «Мен умматинг қалбини саҳифалар қилдим», мазмунига кўра, Қуръони карим қалб ва зехнларда ҳам сақланади.

Имом Муслим ривоятида: «Мен сенга сув ҳам ювиб юбормайдиган, сен уйқу ва уйғоқликда ҳам ўқийдиган Китобни туширурман», дейилган.

Расулulloҳ умматининг сифатлари ҳақида келган ҳадисда: «Уларнинг китоблари қалбларидадир»<sup>16</sup>, дейилган. Бошқа самовий китобларда бу сифат йўқ, чунки улар ёддан эмас, қараб ўқилади.

Саъид ибн Жубайр: «Аллоҳ таолонинг китоблари ичида Қуръондан бошқаси тўлалигича ёддан ўқилмайди», деган.

<sup>16</sup> Ибн Касир «Тафсири», 3-жилд, 432-бет.

Баъзи олимлар: «Бу иш Бани Исроилга хос бўлмаган, яъни Тавротни Мусо, Хорун, Юшаъ ибн Нун ва Узайрдан (алай-ҳимуссалом) бошқа кишилар ёддан ўқимаган»<sup>17</sup>, дейишган.

Ҳасан Басрий: «Ислом умматига ўз китобини ёдлаш ато этилган бўлиб, улардан олдинги халқлар китобларини қараб ўқишган. Агар уларнинг китоблари ёпиб қўйилса, пайгамбарларидан бошқа киши уларни ёддан ўқий олмаган»<sup>18</sup>, деган.

## ҚУРЪОН – ОСОН ЁДЛАНАДИГАН ВА ТЕЗ ЁДДАН КЎТАРИЛАДИГАН КИТОБ

Қуръони карим Аллоҳ таолонинг Китоби бўлиб, бу ҳақда У Зот Раъд сурасининг 31-оятда:

وَلَوْ أَن قُرْءَانَا سُيِّرَتْ بِهِ الْجِبَالُ أَوْ قُطِعَتْ بِهِ الْأَرْضُ أَوْ كَلِمٌ بِهِ الْمَوْتَىٰ

«Бордию, бир Қуръон бўлиб, унинг (кучи) билан тоғлар (жойидан) жилдирилса ёки унинг (кучи) билан Ер ёрилса, ёки унинг (кучи) билан ўликлар тилга киритилганда ҳам (кофирлар имон келтирмайдилар)», деган.

Қуръони каримнинг ёдланиши, тиловати ва тушунилишининг осон бўлиши ҳам Аллоҳ таолодан бандаларига нисбатан икром этиш, раҳмат ва фазилатдир. Аллоҳ таоло Қамар сурасининг 17, 22, 32 ва 40-оятларида:

وَلَقَدْ سَرْنَا الْقُرْءَانَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِنْ مُدَكِّرٍ

«Ҳақиқатан, Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилиб қўйдик. Бас, эслатма олувчи борми?!» дея марҳамат қилганидек, Қуръонни зикр учун осон қилиб қўймаганида, уни тўлиқ ёдлаш, ўрганиш у ёқда турсин, битта ҳарфини ўқишга ҳам бирор кишининг қудрати етмаган бўларди.

Мужоҳид: «Ҳақиқатан, Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилдик», ояти «унинг қироатини энгил қилдик», деган маънони англатишини таъкидлаган. Суддий эса:

<sup>17</sup> Қурғубий «Тафсир»и, 17-жилд, 87–88-бетлар.

<sup>18</sup> Ўша манба, 13-жилд, 235-бет.

«Агар Аллоҳ таоло одамзодга Қуръонни энгил қилмаганида, бирор киши Яратганнинг Каломини гапира олмас эди», деган. Имом Куртубий юқорида ўтган оят тафсирида: «Биз Қуръонни ёдлашга энгил қилдик ва уни ёдламоқчи бўлган кишига ёрдам берурмиз. Уни ёд олувчи киши борми? Унга ёрдам берилади»,<sup>19</sup> деганлар. Қуръони каримни ёдлаш ва ўқишни одатий вазифа қилиб олган киши тез ва энгил ёдлаши, такрорлаш ва қайта ўқишга бепарво бўлган киши зеҳни ва хотирасидан эса у тез кўтарилишига кўра, бошқа китоб ёки гап (зикр, лафз)лардан буткул фарқ қилади. Чунки Аллоҳ таоло бу ҳақда:

وَإِنَّهُ لَكِتَابٌ عَزِيزٌ ﴿١١﴾

«Шубҳасиз, у азиз Китобдир», (Фуссилат сураси, 41-оят) деган.

Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анху) ривоят қилган ҳадисда эса:

«Бу Қуръонга вафо қилинг, Муҳаммаднинг жони измида бўлган Зотга қасам, у тушовидан бўшалган туядан ҳам қаттиқ қочувчидир»,<sup>20</sup> дейилган.

Қуръони каримнинг хусусиятларидан яна бири унинг Рамазон кечаси бўлмиш Қадр кечасида Лавҳул махфүздан дунё осмонидаги Байтулиззага яхлит тарзда туширилиши бўлиб, у кейинчалик Байтулиззадан дунё оламига йигирма уч йил мобайнида тарқоқ ҳолда тушириб турилган. Қуръони каримни Аллоҳ таоло ҳар томонлама асраган. Буруж сурасининг 21–22-оятларида марҳамат қилинади:

«Балки, у (инкор этилган нарса) улуг Қуръондирки, (унинг асл нусхаси) Лавҳул махфүздадир».

Саййидимиз Муҳаммадга (алайҳиссалом) Қуръони каримнинг нозил қилиниши ҳақида Жин сурасининг 27-оятда:


فَإِنَّهُ يَسْلُكُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِ رَصَدًا ﴿٢٧﴾

<sup>19</sup> Куртубий «Тафсир», 17-жилд, 134-бет.

<sup>20</sup> «Чиройли сўзлар» асарининг 36–41 ва 93-бетлари.

«Бас, албатта, У Аллоҳ (ҳар бир пайғамбарнинг) олди-дан ҳам, ортидан ҳам кузатувчи (фаришта) йўллар», дейилган.

Қуръони карим Муҳаммад (алайҳиссалом) қалбида Аллоҳ таолонинг ҳифзи ила сақланган бўлиб, бунга ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло:



«Зеро, у (Қуръон)ни (Сизнинг дилингизда) жамлаш ҳам, (тилингиздаги) қироати ҳам Бизнинг зиммамизда-дир» (Қиёмат сураси, 17-оят), деган.

## ИККИНЧИ БОБ

### ҚУРЪОНИ КАРИМНИ КЕЧАСИ ТАҲАЖЖУД НАМОЗИДА ЎҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

I. Қуръони каримда Қиёмул лайлнинг фазилати хусусида келган оятлар:

مِنَ أَهْلِ الْكِتَابِ أُمَّةٌ قَائِمَةٌ يَتْلُونَ آيَاتِ اللَّهِ آنَاءَ اللَّيْلِ  
وَهُمْ يَسْجُدُونَ ﴿١١٣﴾

«Аҳли китоблар орасида тун билан сажда (ибодат) қиладиган, Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб чиқадиган тўғри жамоа ҳам бор» (Оли Имрон сураси, 113-оят).

وَمِنَ اللَّيْلِ فَتَهَجَّدْ بِهِ، نَافِلَةً لَكَ عَسَىٰ أَنْ يَبْعَثَكَ رَبُّكَ  
مَقَامًا مَّحْمُودًا ﴿٧٩﴾

«Тунда (ярим кечада) уйғониб, ўзингиз учун таҳажжуд (нафл) намозини ўқинг! Шоядки Раббингиз Сизни (Қиёмат кунида) мақтовли (шафоат қиладиган) мақомда тирилтирса» (Исро сураси, 79-оят).

وَالَّذِينَ يَبْتَغُونَ لِرَبِّهِمْ سَجْدًا وَاقِنًا ﴿١١﴾

«Улар яна тунларни Парвардигорга сажда қилган ва тик турган (бедор) ҳолда ўтказадиган кишилардир» (Фурқон сураси, 64-оят).

تَجَافَىٰ جُنُوبَهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَطَمَعًا  
وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ ﴿١٦﴾

«Уларнинг ёнбошлари (ибодат қилиш учун) ўриндиқлардан ажраб турар (оз ухлайдилар). Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилурлар» (Сажда сураси, 16-оят).



أَمِنْ هُوَ قَلْبٌ عَانَاءُ آلِيلٍ سَاجِدًا وَقَائِمًا يَحْذَرُ الْآخِرَةَ  
وَيَرْجُو رَحْمَةَ رَبِّهِ

«Ёки кечалари сажда қилган ва тик турган ҳолда ибодат қилувчи, охиратдан кўрқадиган ва Парвардигорининг раҳматидан умид қиладиган киши (билан бошқалар баробарми?!))» (Зумар сураси, 9-оят).

﴿١٧﴾ كَانُوا قَلِيلًا مِّنَ آلِيلٍ مَا يَهْجَعُونَ

«(Улар) туннинг озгина (қисмидагина) ухлар эдилар» (Зориёт сураси, 17-оят).

﴿٦﴾ إِنَّ نَاشِئَةَ آلِيلٍ هِيَ أَشَدُّ وَطْأًا وَأَقْوَمُ قِيْلًا

«Албатта, кечаси (ибодат учун бедор бўлиб) туриш фаолият жиҳатидан оғирроқдир, (лекин) сўз (сўзлаш, қирот қилиш) жиҳатидан қулайроқдир» (Муззаммил сураси, 6-оят).

﴿٥﴾ إِنَّ رَبَّكَ يَعْلَمُ أَنَّكَ تَقُومُ أَدْنَىٰ مِن ثَلَاثِي آلِيلٍ وَيَصْفَقُهُ وَثَلَاثَةً  
وَطَائِفَةٌ مِّنَ الَّذِينَ مَعَكَ

«(Эй Муҳаммад!) Албатта, Раббингиз Сиз ва Сиз билан бирга бир тоифа (саҳобаларингиз) кечанинг учдан иккисидан озроғида, баъзида унинг ярмида ва (гоҳо) учдан бирида (бедор бўлиб, намозда) туришларингизни билур» (Муззаммил сураси, 20-оят).

II. Кечаси туришни осонлаштирувчи омиллар саккизтадир: тўртта зоҳирий ва тўртта ботиний.

Зоҳирий омиллар: а) ейиш-ичишни кўпайтирмаслик. Чунки у уйқуни чақиради ва туришни оғирлаштиради; б) кундузи асаб ва бадан аъзоларини чарчатадиган ишлар билан ўзини қийнамаслик; чунки бу ҳам уйқуни чақиради; в) кундузи озгина ухлаб олишни, яъни қайлүлани тарк қилмаслик; чунки у кечада қоим бўлишга ёрдам бермаган суннатдир. г) кундузлари гуноҳ қилмаслик; чунки бу қалбни қотиради ва унинг билан раҳмат орасида тусиқ бўлади.

Ботиний омиллар: а) қалбнинг мусулмонлардан бирор-тасига нисбатан гинадан, бидъатдан ва дунё ғамидан саломат бўлиши; б) орзу-ҳавасни камайтириб, кўпроқ охи-рат кўрқинчлари билан қалбни ҳозирлаш. Товус бу ҳақда: «Жаҳаннамни эслаш обидлар уйқусини ўчиради», деганлар; в) кечаси таҳажжуднинг фазилати ҳақидаги оят ва ҳадислар-ни кўп тинглаш, токи унинг савобидан умид ва завқ ҳосил бўлсин; г) бу Аллоҳ таолога муҳаббат бўлиб, энг муҳимидир. Зеро, ким Аллоҳ таолога муҳаббат қилса, У билан ёлғиз қо-либ, хилватда Ҳабибига муножот қилишдан лаззат олади.

III. Қуръон билан Қиёмул лайл қилишнинг фазилати ҳа-қида келган айрим ҳадис ва ривоятлар:

Улуғ инсонларнинг айримлари шундай деганлар: «Шуб-ҳасиз, Қуръоннинг қалби Ёсин, кечанинг қалби – саҳар чоғи, инсоннинг қалби маълум. Бас, ким Ёсин сурасини саҳар вақтида хоҳ намозда, хоҳ бошқада бўлсин, ўқиса, бир пайт-нинг ўзида учта қалб жамланади ва Аллоҳ таоло дуосини ижобат қилади».

1. «Банда қачон мисвок қилиб, сўнг намозга турса, фа-ришта унинг ортида туриб, қироатини тинглайди ва шу даражада яқинлашадикки, ҳатто оғзини оғзига қўяди. Нати-жада қорининг оғзидан чиқаётган нарса фариштанинг ичи-га кириди. Шундай экан, оғизларингизни Қуръон учун пок-ланглар!»<sup>21</sup>.

2. «Кечани лозим тутинглар. Зеро, у сизлардан олдинги солиҳларнинг одати, Парвардигорингизга яқинлаштирувчи, гуноҳларни ўчирувчи ва гуноҳдан тиювчидир»<sup>22</sup>.

3. «Мўминнинг шарафи кечаси қоим бўлишида ва азиз-лиги одамлардан беҳожатлигидадир»<sup>23</sup>.

4. «Ким Аллоҳ таоло қиёмат куни Унинг ҳузурида ту-ришини осонлаштиришини истаса, охирадан кўрқиб, раҳ-матни умид қилиб, қоронғи кечада Аллоҳ таолога қиём ва саждани кўпайтирсин»<sup>24</sup> (Ибн Аббос).

<sup>21</sup> «Муснадул Баззор»да Алидан (розияллоху анху) ривоят қилинган.

<sup>22</sup> Термизий Абу Умоадан ривоят қилган.

<sup>23</sup> Табароний ва бошқалар Саҳл ибн Саъддан ривоят қилган.

<sup>24</sup> Қуртубийнинг «Тафсири», 15/156.

5. «Кеча аҳлининг кечада оладиган лаззати ўйин аҳлининг ўйиндан оладиган лаззатидан ҳам аълороқ. Агар кеча бўлмаганида, дунёда қолишни хохламас эдим» (Абу Сулаймон Дороний).

6. «Агар жаннат аҳли биз кечада бўлганимиздек бўлса, улар яхши ҳаётда эканлар» (Айрим солиҳлар).

7. «Оз бўлса-да, кечада Қуръон ўқингиз» (Иброҳим Наҳай).

8. «Саҳар пайти Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидларига кетаверишдаги қайси уйнинг олдидан ўтмайлик, у ердан қорининг овози келар эди. Биз ёш бола эдик. Тунда бир ҳожат билан чиқсак, “қорилар уйғоқ жойда учрашамиз”, дер эдик» (Абуз Зинод Тобеъий).

9. Абу Исҳоқ: «Кексайиб, фақат Бақара ва Оли Имрон сураларинигина зам қилишга ярайдиган бўлиб қолдим», деганлар.

10. Умму Мусо айтади: «Ҳасан ибн Али вазифасини кечанинг аввалги қисмида, Ҳусайн ибн Али кечанинг охириги қисмида ўқир эди».

11. Абу Абдуллоҳ ибн Бишр Қаттон: «Қуръон оятларини хоҳлаган жойидан айтиб беришда Абу Саҳл ибн Зайёддан гўзалроқ одамни кўрмадим. У бизнинг қўшнимиз эди. У кечки намоз ва Қуръон тиловати ҳамда дарс беришда шу даражада мунтазам эдики, Қуръон унинг кўз ўнгида тургандек бўлиб қолган эди», дейди.

12. «Рўзанинг энг афзали Рамазон ойидан кейин Аллоҳнинг ойи бўлмиш Муҳаррам ойи(да тутилган рўза)дир, намознинг афзали фарз намозидан кейин тунда ўқилган намоздир»<sup>25</sup>.

13. «Эй инсонлар, саломни ёйинглар, таом улашинглар, қариндошлик алоқаларини боғланглар ва кечалари, инсонлар ухлаб ётганларида намоз ўқинглар. Шунда жаннатга соғ-саломат кирасизлар!»<sup>26</sup>.

14. «Ойша (розияллоҳу анҳо) Абдуллоҳ ибн Қайсга дедилар: “Киёмул лайлни тарк қилма. Пайғамбар (соллаллоҳу

<sup>25</sup> Муслим, Абу Довуд ва бошқалар Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху) ривоят қилган.

<sup>26</sup> Термизий ва Ибн Можа Абдуллоҳ ибн Саломдан ривоят қилган.

алайҳи ва саллам) уни ҳеч ҳам тарк қилмаганлар. Касал бўлиб қолсалар, ўтириб ўқир эдилар»<sup>27</sup>.

15. Лукмон ўғлига: «Эй ўғилчам! Хўроз сендан зийракроқ бўлмасин, саҳарда қичқирганида ухлаб ётган бўлмагин», деб насиҳат қилган.

16. «Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида кечаси билан, тонг отгунча ухлаган бир киши ҳақида сўз борди, шунда Пайғамбар (алайҳиссалом): “У кишининг қулоғига шайтон бавл қилибди”, дедилар»<sup>28</sup>.

17. Бир киши Суфён Саврийга: «Кечаси тура олмаяпман, менга бир чорасини айтгин», деди. Шунда у зот: «Кундузи гуноҳ қилмагин, зеро, тунда Аллоҳнинг ҳузурида турасан», деб жавоб бердилар.

18. Ҳасан Басрий бир куни бозорга кириб, ундаги ғала-ғовур, шовқин-суронларни кўрдилар ва: «Буларнинг кечаси энг ёмон кеча бўлса керак деб ўйлайман», дедилар.

19. «Қиёмул лайл учун қайлула қилиш рўза учун саҳарлик қилиш кабидир».

20. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) тунда хоҳлаганча намоз ўқир эдилар ва туннинг ярми бўлгач, оиласини уйғотиб: «Намоз! Намоз!» дер ва **«Аҳлингизни намоз (ўқиш) га буюринг ва (ўзингиз ҳам) унга (намозга) бардошли бўлинг! Сиздан ризқ сўрамаймиз, (аксинча), Биз сизга ризқ берурмиз. Оқибат (яхшилиги) тақво (аҳли)гадир»** (*Тоҳо сураси, 132*) оятини ўқир эдилар.

21. Абу Жаъфар Язийд ибн Қоъқоъ вафот этгач, бир киши у зотни тушида чиройли бир суратда кўрди. У зот туш кўрган кишига: «Асҳобларимга ва менинг қироатимда ўқиган барча инсонларга Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини кечиргани ва уларнинг ҳақиқа қилган дуоларимни ижобат қилгани тўғрисида хушхабар бер ҳамда уларни кечанинг ўртасида қодир бўлгунларича намоз ўқишларига буюргин», дедилар.

<sup>27</sup> Абу Довуд, Ибн Хузайма ривоят қилганлар.

<sup>28</sup> Бухорий, Муслим, Насойлар Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган.

## УЧИНЧИ БОБ

### ҚУРЪОНИ КАРИМ, УНИНГ АҲЛИ, УНИ ЁДЛАШ, АЙРИМ СУРА ВА ОЯТЛАРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

I. Қуръон ва унинг аҳли фазилатлари ҳақида Қуръонда келган ояти карималардан намуналар:

1. Суфён ибн Уяйна: «Кимга Қуръон берилса-ю, у қўзини Қуръон арзимас деб санаган нарсага тикса, Қуръонга хилоф иш қилган бўлади. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Хижр сурасида шундай дейди:

وَلَقَدْ آتَيْنَاكَ سَبْعًا مِّنَ الْمَثَانِي وَالْقُرْآنَ الْعَظِيمَ ﴿٨٧﴾

«Биз Сизга етти такрорланувчини (етти оятли «Фотиҳа» сурасини) ва улуғ Қуръонни ато этдик» (87-оят).

لَا تَمُدَّنَّ عَيْنَيْكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِ أَزْوَاجًا مِنْهُمْ وَلَا تَحْزَنَ عَلَيْهِمْ  
وَآخِضْ جَنَاحَكَ لِلْمُؤْمِنِينَ ﴿٨٨﴾

«Кўзларингизни Биз у (кофирлардан айрим) тоифаларни баҳраманд қилган нарсаларга (уларнинг бойликларига) тикманг! Уларнинг (имонсизликлари) устида ғамгин ҳам бўлманг! Мўминлар учун қанотингизни қуйи тутинг (камтар бўлинг)!» (88-оят).

Шунингдек,

وَلَا تَمُدَّنَّ عَيْنَيْكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِ أَزْوَاجًا مِنْهُمْ زَهْرَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا  
لِنَفْتِنَهُمْ فِيهِ وَرِزْقُ رَبِّكَ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ ﴿١٣١﴾

«Сиз (кофирлардан айрим) тоифаларни синашимиз учун баҳраманд қилган дунё ҳаёти гўзалликларидан иборат нарсаларга кўзларингизни термилтирманг! Раббингизнинг ризқи яхшироқ ва боқийроқдир» (Тоҳо сураси, 131-оят).

Ва яна:

تَجَافَى جُنُوبَهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَطَمَعًا  
 وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿١٦﴾  
 وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ ﴿١٧﴾

«Уларнинг ёнбошлари (ибодат қилиш учун) ўриндиқлардан ажраб турар (оз ухлайдилар). Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилурлар» (Сажда сураси, 16-оят) деди.

قُلْ بِفَضْلِ اللَّهِ وَبِرَحْمَتِهِ فَبِذَلِكَ فَلِيفْرِحُوا هُوَ خَيْرٌ  
 مِمَّا يَجْمَعُونَ ﴿٥٨﴾

«Айтинг: “Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан, бас, (албатта), шулар сабабли (мўминлар) шодлансинлар! У тўплаган нарса (бойлик)ларидан яхшироқдир”» (Юнус сураси, 58-оят).

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтади: «Аллоҳнинг фазли – Илом, раҳмати – сизларни Қуръон аҳлидан қилганидир».

3. Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): «Ким Қуръон ўқиса, илгари билган нарсаларининг ҳеч бирини билмай қоладиган энг тубан умр<sup>29</sup>га (кексайиб, заиф ҳолатга) қайтарилмайди. Зеро, Аллоҳ таоло:

ثُمَّ رَدَدْنَاهُ أَسْفَلَ سَافِلِينَ ﴿٥﴾ إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ  
 فَلَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٦﴾

«Сўнгра (қариган сари), уни асфаласофилинга (қомати хам бўлишга) қайтардик. Илло, имон келтирган ва яхши амалларни қилганларга...» (Тин сураси, 5–6-оятлар) дегани “Илло, Қуръон ўқиганлар” деганидир<sup>30</sup>.

<sup>29</sup> «Арзалул-умр» – бу энг тубан умр, қариялик даври. У неча ёшдан бошланади, деган масалада турли тафсирилар бор: бирида 60 ёшдан дейилса, бошқасида 75 ёшдан, яна бир ривоятда 80 ёшдан, бошқасида 90 ёшдан кейин бошланади, дейилади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) дуоларида Аллоҳдан мазкур «тубан умр»ни бермаслигини сўрар эдилар.

<sup>30</sup> Ҳоким ривояти.

4. Ибн Асокир Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Қори ақлдан озмайди, алаҳламайди».

5. Абдулмалик ибн Умайр айтади: «Инсонларнинг энг ақли жойидаси қорилардир».

6. Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтади: «Аллоҳ таоло: “Дарҳақиқат, сизларга Китоб (Қуръон) нозил қилдик. Унда сизларнинг зикрингиз бордир...”, яъни “шарафнингиз бордир”, деган» (Анбиё сураси, 10-оят).

**II. Қуръони карим ва унинг аҳли фазилатлари ҳақида келган ҳадис ва ривоятлар:**

Қуръон ва унинг аҳли:

1. «Умматимнинг энг шарафлиси ҳомилул Қуръон ва кечаси қоим бўлувчиларидир»<sup>31</sup>.

2. «Қуръон бойлиқдир, ундан сўнг фақирлик йўқ, ундан бошқа бойлик ҳам йўқ»<sup>32</sup>.

3. «Қуръон қиёмат куни ўз соҳибини шафоат қилади...»<sup>33</sup>.

4. «Қуръон қиёмат куни қабр ёрилганда, ўз соҳибига юзи оппоқ киши каби йўлиқиб: «Мени танидингми?» дейди. У: «Йўқ», деб жавоб беради. Қуръон: «Мен кундузлари чанқатган, тунларингни бедор қилган ҳамроҳинг Қуръонман. Ҳар бир тижоратчи ўз тижорати ортидадир. Мен эса бугун сенинг ортингдаман», дейди. Сўнг унга мулк ўнг томонидан, абадийлик чап томонидан берилиб, бошига виқор тожи кийдирилади ва ота-онасига бу дунёнинг бутун қиймати тенг келмайдиган кийим кийдирилади. Улар: «Буни нима сабабдан кийдик?» деб ҳайрон бўлганларида, уларга: «Фарзандингиз Қуръонни қўлга киритгани учун», дейилади. Сўнг унга (қорига): «Ўқи ва жаннат даражалари ва боғларида кўтарил», дейилади. У тез ўқийдими, секин ўқийдими, модомики ўқир экан, юксалиб бораверади»<sup>34</sup>.

5. «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Инсонлар ичида Аллоҳнинг хос бандалари бор», дедилар. «Улар кимлар?» деб сўрадилар. У зот: «Қуръон аҳли – Аллоҳнинг аҳли ва хос бандаларидир», деб жавоб бердилар»<sup>35</sup>.

<sup>31</sup> Табароний ва Байҳақий Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган.

<sup>32</sup> Абу Яъло ва Табароний Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган.

<sup>33</sup> Ибн Абу Шайба Мужоҳиддан ривоят қилган.

<sup>34</sup> Аҳмад «Муснад»ида Бурайдадан ривоят қилган.

<sup>35</sup> Насоий, Ибн Можа ва Ҳоким Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган.

Мунавий: «Қуръон аҳли» Қуръонни тадаббур қилиб, унга амал қилишни лозим тутганлардир», деган.

6. «Мусулмон қарияни, маъсият билан ҳаддидан ошмаган ҳомилул Қуръон (қори)ни ва одил султонни хурмат қилиш Аллоҳни улуғлашдандир»<sup>36</sup>.

Бу ерда «ҳаддидан ошмаган» тажвид ва ҳарфларни адо қилишдан ёки айрим бидъатчилар каби маъносини ботил таъвил этишдан, тиловатдан ва қироатини пухта қилиб, маъноларига тушунган ҳолда амал қилишдан юз ўгирмаган, деганидир.

7. «Осмон эшиклари беш нарса учун очилади: Қуръон қироати, ҳужум қилганларга қарши туриш, ёмғир ёғиши, мазлумнинг дуоси ва азон учун.

8. Беш нарса ибодатдандир: Мусҳафга назар солиш, Каъбага назар солиш, ота-онага назар солиш, замзамга назар солиш – булар хатоларни ўчиради – ва олимнинг юзига назар солиш»<sup>37</sup>.

9. «Сизларнинг энг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, уни ўргатганларингиздир»<sup>38</sup>.

Изоҳ: Агар «Буларга кўра, муқрий (Қуръон ўргатувчи) оламнинг фозили бўлмиш фақиҳдан афзал экан-да», дейилса, биз айтамызки: «Йўқ, чунки бу ердаги мухотаб (тингловчилар) фақиҳ бўлганлардир. Улар тилида бўлгани учун Қуръон маъноларини шундоқ ҳам тушунганлар. Фиқҳ уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Ким ўшалардек бўлса, улар жумласига қиради. Аммо фақат қори ёки Қуръон ўқитувчи бўлиб, ўқиётган нарсасининг маъносидан ҳеч нарсани тушунмаса, бундай эмас.

10. Абу Заррдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: «Мен: “Ё Расулуллоҳ, менга насиҳат қилинг”, дедим. У зот: “Тақво қилгин. Чунки у барча ишларнинг бошидир”, дедилар. Мен: “Яна қўшимча қилинг”, дедим. У зот: “Қуръон тиловатини лозим тут. Чунки у ерда нур, осмонда сен учун захирадир”, дедилар»<sup>39</sup>.

<sup>36</sup> Абу Довуд Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилган.

<sup>37</sup> Доракутний Жобирдан (розияллоҳу анху) ривоят қилган.

<sup>38</sup> Бухорий ривояти.

<sup>39</sup> Ибн Ҳиббон ривояти.



## Тузатиш

25-бетдаги 11-рақамли ҳадис “Ким Аллоҳни ва Расулини яхши кўришини билмоқчи бўлса, қарасин, агар Қуръонни яхши кўрса, демак, Аллоҳни ва Расулини ҳам яхши кўради”, деб тўғрилаб ўқилсин.

11. «Ким Аллоҳ ва Расули яхши кўришини хоҳласа, қарасин, агар Қуръонни яхши кўрса, демак, Аллоҳ ва Расули ҳам уни яхши кўради»<sup>40</sup>.

12. «Ким фарзандига Қуръонга қараб ўқишни ўргатса, аввалу охир қилган гуноҳлари кечирилади. Ким унга ёдлатса, қиёмат куни Аллоҳ таоло уни тўлин ой суратида тирилтиради ва фарзандига: “Ўқи”, дейди. Ҳар бир оятни ўқигани сайин, то ёдлаган жойининг охирига етгунича, Аллоҳ азза ва жалла отасининг даражасини кўтараверади»<sup>41</sup>.

13. «Қуръонни ёдлаб, ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром деб билса, Аллоҳ уни жаннатга киритади ва оиласидан дўзахга ҳукм қилинган ўн нафари шафоат қилинишига имкон беради»<sup>42</sup>.

14. «Ким Қуръон ўқиса, у ўз ичида нубувват илмини ҳосил қилган (яъни, нубувват хислати ва илмини қамраб олган) бўлади, фақат унга ваҳий қилинмаган, холос. Қуръон соҳиби (қори) ичида Аллоҳнинг каломи бўла туриб, ўзига ўхшаган (соҳиби Қуръон) билан уришмаслиги ва жоҳил билан жоҳиллик қилмаслиги лозим. Балки у гўзал ва комил бўлиб юриши лозим. Чунки унинг ичи ва қалбида Аллоҳ таолонинг каломи жо бўлган»<sup>43</sup>.

15. «Эй Али, Қуръонни ўрганиб, уни ўргатгин. Шунда вафот қилсанг, худди инсонлар Аллоҳнинг Байтини тавоф қилганлари каби, фаришталар қабринг атрофини тавоф қиладилар»<sup>44</sup>.

16. «Соҳиби Қуръонга: “Ўқи ва кўтарил, дунёда ўқиганинг каби ўқи! Сенинг манзилинг охириги оятни ўқиган жойингдир”, дейилади»<sup>45</sup>.

Изоҳ: Ҳофиз Ибн Ҳажар: «Бу хабар Қуръонни ёдлаган қориларга хос, Мусҳафдан ўқийдиганлар учун эмас. Шунинг учун уларнинг жаннатдаги даражалари ёдлаганлари турлича экани билан фарқ қилади», деганлар.

<sup>40</sup> Табароний Ибн Масъуддан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>41</sup> Табароний Анасдан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>42</sup> Аҳмад ва Термизий Алидан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>43</sup> Ҳоким Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>44</sup> Абу Нуъайм Алидан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>45</sup> Абу Довуд ва Термизий Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоху анху) ривоят қилган.

Ойша (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Жаннат даражаларининг сони Қуръони карим оятларининг ададичадир»<sup>46</sup>. Ким тўла ёдласа, жаннатнинг энг баланд даражасига эришади. Ким бир бўлагини ёдласа, даражаси шунга яраша бўлади, шу шарт биланки, ўқиган нарсасига амал қилувчи ва тадаббур айлагувчи бўлсин.

Суютий айтадилар: «Қуръони каримнинг жаннатда ўқиши Қуръони каримнинг хусусиятларидандир. Зеро, бошқа китоблар хусусида бунга ўхшаш ривоятлар ворид бўлмаган».

Бу даражалар Қуръонга амал қилган қорилар учундир. Чунки у кунда ҳеч ким бир оят ҳам тиловат қилишга қодир бўлмайди, амал қилган бўлса, мустасно.

**III. Қуръони каримдаги айрим сура ва оятларнинг фазилатлари ҳақида**

#### «Басмала»

Ким жаҳаннам соқчиларидан бўлган ўн тўққиз нафар «забония»дан Аллоҳ нажот беришини истаса,



«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим»ни ўқисин. Аллоҳ таоло (унинг) ҳар бир ҳарфини уларнинг ҳар бирига қарши қўрғон қилади. «Басмала» ўн тўққиз ҳарфдан иборат. Аллоҳ таоло жаҳаннам соқчилари ҳақида ҳам: «**Унинг устида ўн тўққизта (фаришта) бор**» (*Муддассир сураси, 30-оят*) деган. Яъни, дўзах фаришталарининг ададича. Саҳобалар ҳар бир ишини «Басмала» билан бошлар эдилар. Уларнинг кучлари ҳам мана шундан ибтидо ва қувват олар эди<sup>47</sup>.

#### Фотиҳа сураси

Саъид ибн Жубайрдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): **“Ва, батаҳқиқ, сенга етти такрорланувчи (етти оятли Фотиҳа сураси)ни ва Буюк**

<sup>46</sup> Суютий «Жомийус сағир»да ва Байҳақий «Шуъбул имон»да ривоят қилган.

<sup>47</sup> Куртубий «Тафсир»ида Ибн Масъуддан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган.

Қуръонни бердик” ояти ҳақида сўрадим. “У Қуръоннинг онаси. Аллоҳ азза ва жалла Муҳаммаддан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уммати учун хослаб, улар учун сақлаб қўйган ва уларга берган. Муҳаммаддан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдин ҳеч кимга бермаган” деди у»<sup>48</sup>.

### Бақара ва Оли Имрон суралари

1. Бақара Қуръоннинг чўққисидир, унинг ҳар бир ояти билан саксонта фаришта тушган. Бақара сурасининг 255-ояти

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ

Арш остидан чиқарилиб, сурага қўшилган»<sup>49</sup>.

2. «Ким еттита узун сурани ёдласа, у олимдир»<sup>50</sup>.

3. Язид ибн Асвад айтади: «Кимки Бақара ва Оли Имрон сураларини кундузи ўқиса, то кечгача мунофиқликдан омондадир, ким у иккисини кечаси ўқиса, тонг отгунча мунофиқликдан омон бўлади»<sup>51</sup>.

«Ким Оли Имрон сурасини ўқиса, у бойдир»<sup>52</sup>.

«Киши кечанинг охирида ўқийдиган Оли Имрон сураси охири (яъни, 190–200 оятлар) камбағалнинг қандай ҳам яхши хазинасидир»<sup>53</sup>.

«Қуръон ўқинглар, чунки у қиёмат куни соҳибларига шафоатчи бўлиб келади. «Заҳровайн» (икки гул) – Бақара ва Оли Имронни ўқинглар, чунки у иккиси қиёмат куни гўё икки булутдек, ёхуд икки соябондек, ёки сафланган қушларнинг икки галасидек бўлиб, соҳиблари ҳақида ҳужжат талашади (бу шафоат қилинишнинг муболағали ифодасидир). Бақара сурасини ўқинглар, чунки уни олиш барака, тарк

<sup>48</sup> Ибн Жарир Табарий, Ибн Мунзир ва Ҳоким ривоят қилган.

<sup>49</sup> Имом Аҳмад «Муснад»ларида Маъқал ибн Ясордан (розияллоҳу анху) ривоят қилган.

<sup>50</sup> Имом Аҳмад ва имом Ҳокимнинг «Муснад»ларида Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинган.

<sup>51</sup> Саъид ибн Мансур, Байҳақий ва Абу Убайд ривоят қилган.

<sup>52</sup> Доримий ва Абу Убайд Ибн Масъуддан (розияллоҳу анху) ривоят қилган.

<sup>53</sup> Доримий, Абу Убайд ва Байҳақий Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анху) мавқуф ҳолатда ривоят қилган.

қилиш эса, надоматдир, унга сеҳргарлар қодир бўлмади (яъни, ўқувчисига зарар етказишга ожиздир)»<sup>54</sup>.

«Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) элчиларни жўнатдилар, улар бир неча нафар эди. Улардан Қуръон ўқишларини сўрадилар, улардан ҳар бири ўзи ёдлаган Қуръонини ўқиди, навбат ёши улуғлардан бир кишига келди. “Қуръондан қанча ёдлагансан?” деб сўрадилар. У: “Фалон, фалон ва Бақара сурасини ёдлаганман”, деди. “Бақара сурасини ёдлаганмисан?” дедилар. У: “Ҳа”, деди. “Бор, сен уларнинг бошлиғисан”, дедилар».

Улуғлардан бўлган бир киши: «Аллоҳга қасам, Бақара сурасини (таҳажжуд намозида) у билан қоим бўла олмай қолишимдан қўрққаним учунгина ўрганмадим, ё Расулulloҳ”, деди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Қуръонни ўрганглар, уни ўқинглар ва ўқитинглар. Чунки уни ўрганган, ўқиган ва у билан қоим бўлган учун Қуръон мисоли мушк тўлдирилган қопдир. Ҳидини ҳамма жойга таратади (яъни қорининг кўкси қоп каби, ундаги Қуръон мушк кабидир. Агар Қуръонни ўқиса, унинг баракоти уйига ва эшитувчиларга етади). Ва Қуръонни ўрганиб, қалбида жо қилган ҳолатда ётган одам мисоли мушк солиниб, оғзи ёпиб қўйилган қопга ўхшайди”»<sup>55</sup>.

«Набийга (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Кеча Собит ибн Қайс ибн Шумоснинг уйи чироқлар билан ярқираб турганини кўрмадингизми?” дейилган эди, Набий (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Балки у Бақара сурасини ўқигандир», дедилар. Собитдан сўралган эди, Бақара сурасини ўқидим”, деди»<sup>56</sup>.

Абу Муниб амакисидан ривоят қилади: «Бир киши Бақара ва Оли Имронни ўқиди. Намозини тугатганидан кейин Каъб унга: “Бақара ва Оли Имронни ўқидингми?”, деди. У: “Ҳа”, деди. Каъб: “Нафсим измида бўлган Зотга қасам, албатта, агар улар билан дуо қилинса, иккаласида

<sup>54</sup> Имом Муслим, Имом Термизий ва бошқалар Абу Умома Бохилийдан марфуъ ҳолатда ривоят қилган.

<sup>55</sup> Имом Термизий Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анху) ривоят қилган.

<sup>56</sup> Ибн Касир ва бошқаларнинг «Тафсир»ларида келган, Абу Довуд мурсал йўл билан ривоят қилган.

Аллоҳнинг ижобат бўладиган исми бор”, деди. У киши: “Менга унинг хабарини беринг”, деди. Каъб: “Йўқ, Аллоҳга қасам, сенга унинг хабарини бермайман. Агар хабарини берсам, у билан мен ҳам, сен ҳам ҳалок бўладиган бир дуони қилишинг мумкин”, деди<sup>57</sup>».

Сулайм ибн Омирдан ривоят қилинади: «У Абу Умома-нинг “Биродарингизга тушида тоғдаги узун, нотекис ёрик оралиғида инсонлар кетаётгани, тоғ тепасида иккита яшил дарахт: “Орангизда Бақара сурасини ўқиган борми? Орангизда Оли Имрон сурасини ўқиган борми?” деб нидо қилаётгани, агар бир киши “ҳа” деса, то осилгунича унга яшил шохлари билан яқинлашиб, уни тоғдан ўтказиб қўяётгани кўринди”, деяётганини эшитди<sup>58</sup>».

Абу Имрондан ривоят қилинади. У Умму Дардонинг шундай деяётганини эшитди: «Қуръон ёдлаганлардан бўлган бир киши... ўлди. ...Қуръон ундан сурама-сура чиқиб кета бошлади, Бақара ва Оли Имрон суралари тўлалигича қолди. Сўнгра Оли Имрон ундан чиқиб кетди ва Бақара сурасининг ўзи тўлалигича қолди. Унга:

مَا يَبْدُلُ الْقَوْلَ لَدَىَّ وَمَا أَنَا بِظَالِمٍ لِلْعَبِيدِ

“Менинг хузуримда сўз ўзгармас ва Мен бандларга зулм қилувчи эмасман” (Қоф сураси, 29-оят) дейилди. У (Бақара сураси) гўё улкан булутдек бўлиб чиқиб кетди».

Абу Убайд айтади: «Ўйлайманки, Бақара ва Оли Имрон суралари уни муҳофаза қилиб ва унга улфат бўлиб, қабрида бирга қолди. Ва иккаласи у билан қолган Қуръон сураларининг охиргилари бўлди»<sup>59</sup>.

### Оятул Курсий

1. «Ойларнинг саййиди Муҳаррам, кунларнинг саййиди жума, сўзларнинг саййиди Қуръон, Қуръоннинг саййиди эса

<sup>57</sup> Абу Убайд. «Фазоилул Қуръон», 126-бет.

<sup>58</sup> Абу Убайд. «Фазоилул Қуръон», 126-бет.

<sup>59</sup> Ўша манба, 127-бет.

Оятул Курсийдир. Оятул Курсийда элликта калима бўлиб, ҳар бир калимада элликта барака бордир»<sup>60</sup>.

2. «Аллоҳ таоло Бақара сурасидаги

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ

(Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Ҳайй ва Қайюмдир) оятидан улуғроқ осмонни ҳам, ерни ҳам, жаннатни ҳам, дўзахни ҳам яратмаган»<sup>61</sup>.

Фойда: Суфён ибн Уяйна айтади: «Чунки Оятул Курсий Аллоҳнинг каломидир, Аллоҳнинг каломи эса махлуқ эмасдир. Ва Аллоҳнинг каломи Аллоҳнинг осмон ва ердан иборат махлуқотларидан улуғдир»<sup>62</sup>.

3. «Муҳаммаднинг нафси измида бўлган Зотга қасам, албатта, бу оятнинг – Оятул Курсийнинг тили ва иккита лаби бор, Аршнинг пойида Аллоҳ таолони улуғлайди»<sup>63</sup>.

4. Муҳаммад ибн Ҳанафийядан шундай дегани ривоят қилинади: «Оятул Курсий нозил бўлганида, дунёдаги барча санамлар қулади, шунингдек, дунёдаги барча подшоҳлар йиқилиб, бошларидаги тожлари ерга тушди. Шайтонлар бир-бирига урилиб, қочиб, иблис олдига бориб, бунинг хабарини берган эди, у уларга сабабини қидиришни буюрди. Мадинага келишганида, уларга Оятул Курсий нозил бўлганининг хабари етди». Навф Бакколийдан: «Оятул Курсий Тавротда “Валийуллоҳ” деб номланади», дегани ривоят қилинади<sup>64</sup>.

5. Абдурроҳман ибн Авф уйига кирганида, унинг тўрт бурчагида Оятул Курсийни ўқир эди. Бунинг маъноси – гўёки Оятул Курсий у кишининг тўртала томонида қўриқчи бўлиб, уйининг бурчакларида туриб, шайтонларни ҳайдашини хоҳларди. Ибн Аббос (розияллоҳу анху): «Қуръондаги энг улуғ оят Оятул Курсийдир», деганлар. Баъзи уламолар: «Чунки Оятул Курсийда Аллоҳнинг исми

<sup>60</sup> Дайлабий «Муснадул Фирдавс»да Алидан (розияллоҳу анху) ривоят қилган.

<sup>61</sup> Абу Убайд ва Ҳоким Ибн Масъуддан (розияллоҳу анху) ривоят қилган.

<sup>62</sup> Имом Термизий «Қуръон фазилатлари»да зикр қилган.

<sup>63</sup> Имом Муслим ва Абу Довуд Убай ибн Каъбдан ривоят қилган.

<sup>64</sup> Навф Бакколий уни ўқиган киши осмонлару ер мулкида «Азиз» деб қақирлишини айтган.

замир (олмошлар шаклида) ва зоҳир исм кўринишида ўн саккиз марта зикр қилинган», деганлар (*Буларнинг барчаси Қуртубий «Тафсири»нинг 2-жуз, 185–186-саҳифаларидан олинган*).

### **Исро сураси**

Кимки тонгда ёки кечқурун:

قُلْ اَدْعُوا اللّٰهَ اَوْ اَدْعُوا الرَّحْمٰنَ

(«Аллоҳга дуо қилинганлар ёки Раҳмонга дуо қилинганлар») оятидан (*Исро сураси, 110-оят*) суранинг охиригача ўқиса, ўша куни ҳам, ўша кечаси ҳам унинг қалби ўлмайди<sup>65</sup>.

Маъноси: «(Эй Мухаммад!) Айтинг: «Аллоҳ, деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорласангиз ҳам (жоиздир). Зеро, Унинг гўзал исмлари бордир». (Эй Мухаммад!) Сиз намозингизни жуда жаҳрий (баланд овозда, ошкора) ҳам қилиб юборманг (токи мушриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қилмасинлар) ва ўта махфий ҳам қилиб юборманг (токи саҳобаларингиз тинглаб, фойдалансинлар). Шуларнинг (жаҳрийлик билан махфийлик) ўртасидаги йўлни истанг!»

### **Каҳф сураси**

1. Каҳф сураси Тавротда «Тўсувчи» деб номланади, яъни, ўқувчиси билан дўзах ўртасига тўсиқ бўлади»<sup>66</sup>.

2. «Ким Каҳф сурасини жума кечаси ўқиса, унга ўзи ва Байтул атиқ (Каъба) ўртасидаги масофани нур билан ёритади»<sup>67</sup>.

### **Тоҳо ва Ёсин суралари**

«Жаннат аҳлидан Қуръон кўтарилади, фақат Тоҳо ва Ёсин мустасно»<sup>68</sup>

<sup>65</sup> Дайлабий Абу Мусодан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>66</sup> Байҳақий «Шуъабул имон»да Ибн Аббосдан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>67</sup> Абу Мухаммад Доримий Абу Саъид Худрийдан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>68</sup> Ибн Мардавайх Абу Умомадан.



Бошқа бир ривоятда: «Жаннат аҳли (жаннатда) Қуръондан фақат Тоҳо ва Ёсин сурасини ўқийди»<sup>69</sup>, дейилади.

### Муъминун сураси

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоху анху) ривоят қилинишича, у киши касал одамнинг қулоғига ўқиган эди, у соғайиб кетди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ундан: «Қулоғига нимани ўқидинг?» деб сўрадилар. У киши:

أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَاكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ ﴿١١٥﴾

“Ўки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда яратдиг-у, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизми?!” оятини охиригача ўқидим», деди. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Жоним Унинг измида бўлган Зотга қасам, агар киши аниқ ишонч билан буни тоққа ўқийдиган бўлса, тоғ йўқ бўлиб кетади», дедилар.

### Ёсин сураси

Бурайдадан ривоят қилинади: «Қайси бир бемор ўлим тўшагида ётганида Ёсин сурасини ўқиса, токи жаннат қўриқчиси жаннатдан ичимлик келтириб, тўшакда ётган ҳолида унга ичирмагунича, ўлим фариштаси унинг жонини олмайди. Шунда у чанқоқ билмай жон беради ва фаришталар ҳавзига эҳтиёж сезмайди ҳамда чанқамаган ҳолда жаннатга киради».

Яҳё ибн Абу Касирдан ривоят қилинади: «Ким Ёсин сурасини тонг отганда ўқиса, кеч киргунича хурсандликда давом этади, ким кеч кирганида ўқиса, тонгни хурсандликда оттиради».

Хатиб Алидан (розияллоху анху) ривоят қилади: «Ким Ёсинни ёзиб, сўнг (эзиб) ичса, ичига минг ишонч, минг нур, минг барака ва минг ризқ киради ҳамда ундан барча ғам ва дардни суғуриб олади».

<sup>69</sup> Ибн Мардавайх Убай ибн Каъб ҳадисидан марфуъ ҳолда ривоят қилган.

Мулла Али Қорий «Ал-Асрор ал-Марфуъа»да ажойиб бир воқеани ҳикоя қилади: «Шиа мазҳабидаги бир одам аҳли сунна мазҳабида бўлган бир шайхга етти қироатни ўқиб берди ва ўз юртига сафар қилди. Унга: «Қандай яхши иш қилдинг, агар айбинг бўлмаганида, шайхинг сени юқорига кўтарган бўларди», дейилди. У: «Ҳечқиси йўқ. Мен асалини еб, идишини ташлаб юбордим, холос», деди. Унинг ушбу сўзи шайхга етиб боргач, шайх барча қори шогирдларини чақириб, асални қайтариб олгунча Ёсинни ўқидилар. Тугатиб бўлишгач, шиа мазҳабидаги ҳалиги одамнинг қалбидан барча қироатлар ўчиб кетди. Шундан сўнг у дарҳол шайх олдига келиб, бидъатидан тавба қилиб, ғафлатидан халос бўлди ва Аллоҳ унга Ўз раҳматини муяссар қилди».

### **«Оли Ҳо, Мим» («Ҳо, Мим» суралари)**

«Ҳо, Мим»лар еттитадир. Жаҳаннам дарвозалари ҳам еттита. «Ҳо, Мим»нинг ҳар бири ушбу дарвозалар олдига туриб: «Ё Аллоҳ, ким менга имон келтириб, мени ўқиган бўлса, бу дарвозадан киргизмагин», дейди»<sup>70</sup>.

### **Ар-Роҳман, Воқеа, Ҳадид суралари**

Байҳақий ва Дайлабий Фотима онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: «Ҳадид, Воқеа ва Ар-Роҳманни ўқувчи еру осмон фаришталари ичида “Фирдавсда яшовчи” деб чақирилади».

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) бетоб бўлди. Уни кўриш учун Усмон (розияллоҳу анҳу) келди ва: «Нима шикоятинг бор?» деб кўнгил сўради. Абдуллоҳ: «Гуноҳимдан шикоят қиламан», деди. Усмон: «Нима истайсан?» деб сўради. Абдуллоҳ: «Раббимнинг раҳматини», деди. Усмон: «Табиб чақиртирайми?» деб сўради. Абдуллоҳ: «Табибнинг Ўзи мени бемор қилди», деди. Усмон: «Нима келтиришларини буюрайинми?» деди. Абдуллоҳ: «Ҳеч нарса керакмас», деди. Усмон: «Ҳеч бўлмаса, сендан кейин қизларингга...» деди. Абдуллоҳ: «Қизларимнинг

<sup>70</sup> Байҳақий Халил ибн Муррадан мурсал ҳолда ривоят қилган.

факир бўлиб қолишларидан хавотир оляпсанми? Мен унга ҳар куни кечқурун Воқеа сурасини ўқиб туришлари буюрдим. Мен Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи саллам) “Ким Воқеа сурасини ҳар кеча ўқиса, унга ҳеч қачон йўқчилик етмайди”, деганларини эшитганман”, деди».

«Агар нафсингда бирор васвасани сезсанг,

هُوَ الْأَوَّلُ وَالْآخِرُ وَالظَّاهِرُ وَالْبَاطِنُ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢﴾

«У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботиндир. У барча нарсани билгувчидир», (*Ҳадид сураси, 3-оят*) дегин»<sup>71</sup>.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади: «Пайғамбарга (алайҳиссалом) ўқиб бердим ва ушбу:

لَو أَنزَلْنَا هَذَا الْقُرْآنَ عَلَى جَبَلٍ ...

«Агар биз ушбу Куръонни бирор тоғ узра нозил қилганимизда эди...» (*Ҳашр сураси, 21-оят*) оятига етганимда: «Қўлингни бошингга қўй! Чунки Жаброил (алайҳиссалом) буни олиб тушганида менга: “Қўлингни бошингга қўй, зеро, бу ўлимдан бошқа ҳар қандай дардга шифодир”, деган”, дедилар».

### Мулк сураси

Вафот қилган киши маййити атрофига оловлар ёқилди ва агар маййитнинг ўзи билан олов ўртасига тўсиқ бўладиган амаллари бўлмаса, ҳар қайси олов бир четдан уни «ея» бошлайди. Агар Куръондан ўттиз оятли сура (Мулк сураси)дан бошқа ҳеч нарса ўқимаган киши вафот қилса, бу сура унинг бош тарафидан келиб: “Бу мени ўқир эди”, сўнг оёқлари тарафидан келиб: “Бу мени қоим қилар эди”, сўнг қорни тарафидан келиб: “Бу мени ёдлаган эди”, дейди ва нажот беради<sup>72</sup>.

<sup>71</sup> Абу Довуд Ибн Аббосдан (розияллоҳу анху) мавқуф ҳолда ривоят қилган.

<sup>72</sup> Абу Убайд ва Ибн Зурайс Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анху) мавқуф ҳолда ривоят қилган.

## Баййина сураси

Шубҳасиз, Аллоҳ таоло

لَمْ يَكُنِ الَّذِينَ كَفَرُوا

«Лам якуниллазийна кафару»нинг қироатини эшитади ва: «Бандам, хурсанд бўл! Иззатимга қасам, дунё ва охира-да ҳар қандай ҳолатда ҳам сени унутмайман ва сен учун рози бўлгунингча жаннатдан жой тайёрлайман», дейди<sup>73</sup>.

## Ихлос сураси

Жаброил (алайҳиссалом) Табукда тушиб: «Ё Расулуллоҳ, Муовия Музаний Мадинада вафот этди. Унга намоз ўқи-шингиз учун ерни букиб берайми?» деди. Расулуллоҳ (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа”, дедилар. Шунда Жаброил (алайҳиссалом) икки қаноти билан ерга ва тоғ чўққиларига урган эдилар, ер итоат қилди ва унинг тобути кўрсатилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга намоз ўқиди-лар. Ортларида фаришталар икки сафга тизилишди, ҳар бир сафда етмиш минг фаришта бор эди. Ўқиб бўлиб, “Таржиъ”ни (Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун) айтдилар. Сўнг: “Бу даражага нима сабабли эришди?” деб сўрадилар. Жаброил (алайҳиссалом):

قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ

“Қул ҳуваллоҳу аҳад”ни яхши кўргани ва уни келганда ҳам, кетганда ҳам, турганда ҳам, ўтирганда ҳам – ҳар бир ҳо-латда ўқигани учун”, дедилар<sup>74</sup>.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким уч нар-сани имон билан адо этса: қотилни афв қилса, махфий равиш-да бировнинг қарзини тўласа ва ҳар фарз намозидан сўнг “Қул ҳуваллоҳу аҳад”ни ўн марта ўқиса, жаннатнинг хоҳла-ган эшигидан киради ва хоҳлаган ҳурга уйланади», дедилар.

<sup>73</sup> Абу Мусо Мадиний ва Ибн Асирлар Матор Музнийдан ривоят қилган.

<sup>74</sup> Табароний Анасдан (розияллоҳу анху) ривоят қилган.

Шунда Абу Бакр (розияллоху анху): “Биттасини қилса-чи, эй Аллоҳнинг Расули?” деб сўрадилар. У зот: “Биттасини қилса ҳам”, дедилар»<sup>75</sup>.

Бир киши Набийнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, камбағаллиги ва ночорлигидан шикоят қилди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) унга: «Қачон манзилингга кирсанг, одам бўлса-бўлмаса, салом бергин, сўнг менга салом йўллагин ва “Кул ҳуваллоху аҳад”ни бир марта ўқигин», дедилар. Ҳалиги киши шундай қилди. Натижада, Аллоҳ таоло унга шу даражада ризқ бердики, ҳатто қўшниларию қариндошларига ҳам мўл-кўлчилик ёғилди<sup>76</sup>.

«Ким “Кул ҳуваллоху аҳад”ни ҳар куни эллик марта ўқиса, қиёмат куни: “Тур, эй Аллоҳни мақтовчи! Жаннатга кир!” дейилади»<sup>77</sup>.

«Ким вафот билан ниҳоя топадиган касаллигида “Кул ҳуваллоху аҳад”ни ўқиса, қабрида фитналанмайди, қабр сиқшидан омонда бўлади ва фаришталар уни қўлидан тутиб, Сирот кўпригидан жаннатга олиб ўтади»<sup>78</sup>.

«Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Тўпланинглари! Мен сизларга Қуръоннинг учдан бирини ўқиб бераман”, дедилар. Тўпланадиганлар тўпланди, сўнг Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) чиқиб, “Кул ҳуваллоху аҳад”ни ўқидилар-да, кириб кетдилар. Шунда ҳаммамиз бир-биримизга: “Бу самодан келган хабар бўлса керак, шунинг учун кириб кетдилар”, дедик»<sup>79</sup>.

– Айрим уламолар: «Бу Қуръоннинг учдан бирига тенглигига сабаб унда Аллоҳнинг *الْفَاكِدَة* Сомад исми борлигидир, чунки бошқа сураларда бу исм топилмайди», дейдилар. Шунингдек, *أَكْرَأ* “аҳад” борлиги учундир.

– Баъзилар: «Қуръоннинг ўзи учга бўлингани учун: учдан бири ҳукмлар, учдан бири ваъда ва ваъидлар (қайтариқлар), яна учдан бири исм ва сифатлардир.

<sup>75</sup> Абу Яъло Муъсилиий Жобирдан (розияллоху анху) ривоят қилган.

<sup>76</sup> Ҳофиз Абу Мусо Мадиний Саҳл ибн Саъддан ривоят қилган.

<sup>77</sup> Табароний Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган.

<sup>78</sup> Табароний ва Абу Нуъайм Абдуллоҳ ибн Шиххирдан ривоят қилган.

<sup>79</sup> Муслим Абу Хурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилган.

“Қул ҳуваллоҳу аҳад” шу уч бўлакнинг бири, яъни исм ва сифатлар бўлагидир. Шу маънода бу сура Ихлос деб номланади», дейдилар.

### *Ихлос ва Муаввизатайн суралари*

«Ким жума намозидан кейин имом салом берган пайтда гапирмай туриб, “Қул ҳуваллоҳу аҳад” ва “Муаввизатайн”ни<sup>80</sup> ўқиса, шу жумадан келгуси жумагача ўзига, молига ва болаларига Аллоҳ кафил бўлади»<sup>81</sup>.

---

<sup>80</sup> Муаввизатайн – Фалак ва Нос суралари.

<sup>81</sup> Абу Убайд ва Суютий Ибн Шихобдан ривоят қилган.

## ТҮҮРТИНЧИ БОБ

### ҚУРЪОН ЁДЛАШДА АҲАМИЯТ БЕРИЛАДИГАН ЖИҲАТЛААР

Қуръони каримни тез ва осон ёдлашда аҳамият берилладиган асосий жиҳатларни шу соҳанинг етук олимлари ўз асарларида ёзиб қолдирганлар.

1. Қуръон ёдлашда ёшнинг муҳимлиги: Олимлар тақрибан беш ёшдан йигирма уч ёшгача давр ёдлаш ниҳоятда осон, ёддан чиқариш эса секин бўладиган ёш эканини ҳисобга олиб, «Қуръон ёдлашда олтин давр» деб номлаганлар. Аммо йигирма уч ёшдан кейин инсонда ёдлаш қобилияти сусайиб, тушуниш малакаси ортганлигидан, бу ёшда ёдлаш жуда суст, унутиш эса жуда тез бўлар экан. Шунинг учун юқорида зикр қилинган ёшлик дамларидан унумли фойдаланиб қолиш зарур экан. Лекин бу йигирма уч ёшдан кейин ёдлай олмайди, дегани эмас, балки бундан мақсад киши қанчалик ёш бўлса, ёдлаш қобилияти шунчалик кучли ва мустаҳкам бўлишини таъкидлашдир.

Имом Абу Ҳанифа қироат илмини Имом Осимда ўқиб ўрганди. У кишининг ўзларига хос қироатлари йўқ эди, яъни Имом Осим қироатида ўқир эдилар. Кейинчалик Имом Абу Ҳанифа катта ёшга кириб, фикҳ илмида пешқадам бўлганларида Имом Осим Абу Ҳанифа ҳузурларига фикҳни ўрганигани келиб: «Сиз бизнинг олдимизга ёшлигингизда келган эдингиз, биз эса сизнинг ҳузурингизга қариганда келдик», деган эканлар <sup>82</sup>.

2. Қуръон ёдлаш учун муносиб вақт: Олимлардан бири: «Ёдлаш учун энг муносиб вақт сахар, баҳс учун мос пайт тонг отган вақт, китобат учун мос пайт куннинг ўртаси, мутолаа ва музокара учун эса кечаси», деган эди <sup>83</sup>.

3. Қуръон ёд олиш учун жой тайёрлаш: Қуръони каримни энгил ёд олишга ёрдамчи бўлган омиллар қуйидагилар: таҳоратли бўлиш; қиблага қараб хушуъ-хузуъ, виқор ва суку-

<sup>82</sup> Абу Убайднинг «Қуръон фазилатлари» номли асарининг ҳошиясида битилган. 216-бет.

<sup>83</sup> «Чиройли сўзлар» асарининг 186-бети.

нат билан ўтириш; ўтирган жой кўзга ташланмайдиган бўлиши, нақшинкор, зийнатланган ва чалғитадиган нарсалар билан жиҳозланган бўлмаслиги; тоза, боҳаво бўлиши; жуда кенг, дарахтзор, боғ бўлмаслиги ва тинч бўлиши мақсадга мувофиқдир.

4. Такрорлаш ва қайта ўқиш: Бир оятни такрорлаш ва қайта ўқиш ўша оятни чиройли адо қилиш ва яхши ёдлашнинг асоси ҳисобланади. Бишр ибн Суррий: «Оят бамисоли хурмодир: қанча кўп чайналса, шунча мазаси чиқади», деган эди. Бу гап Абу Сулаймонга айтиб берилганида, у: «Ровий тўғри гапирибди, сизлардан айримлар бир сурани бошласа, уни охирига етказишни хоҳлайди», деган эди <sup>84</sup>.

Қуръони каримни ёдлашда оятларни такрорлаш асосий омил ҳисобланади. Чунки такрорланган нарса яхши ёдда қолади.

Қуръон ёдлашда фақат оятларни тушунишга таянибгина қолмасдан, балки ўша оятларни қайта такрорлаш керак бўлади. Чунки тил оятларни такрорлашга ўрганса, ёдланган оятлар зеҳн панд берган пайтда ҳам ўз-ўзидан тилга кела бошлайди <sup>85</sup>.

Ҳар бир нарсани ёдлаш учун уни кўп-кўп такрорлаш керак. Ўртача зеҳнли талаба бир оятни уч мартадан ўн мартагача такрорлашда ёд олса, ўткир зеҳнли талаба ўша оятни икки мартада ёдлаши мумкин. Шунингдек, зеҳни паст талаба эса, бир оятни ўн мартадан ўттиз мартагача такрорлаш орқали ёд олади.

Булардан ташқари, оятларни такрорлаш натижасида кўплаб яхшиликларга эришилади. Чунки Аллоҳ таоло Қуръоннинг бир оятига ўнлаб ва ҳатто беҳисоб ажрлар берилишини ваъда қилган. Шундай экан, бир оятни ёдлаш, хатоларни тўғрилаш, қайта такрорлаш ва устозга ўқиб бериш асносида қанча марта такрор ўқилса, шунча савоб берилади. Демак, Қуръон оятларини такрорлаганда, яхшиликларни битувчи фаришталар ўша савобларни қорининг номаи аъмолига битиб борадилар, Аллоҳ таоло ҳузурида унинг исмини зикр қиладилар. Қуръон оятларини такрорлаш билан

<sup>84</sup> «Бурҳон фи улумил Қуръон» асарининг 1/471-бети.

<sup>85</sup> «Чиройли сўзлар» асарининг 89–90-бетлари.



қори жаннат неъматларига эришади ва олий даражаларга кўтарилади.

5. Қуръон ёдлаш вақтида қироатни ошкор ва овозни баланд қилишнинг афзаллиги:

Қуръон ёдлашни хоҳловчи киши ёдлаётган нарсасини такрор ўқиётганида овозини баландлатиб ўқиши лозим. Чунки бунда кўпроқ ҳиссиёт аъзолари иштирок этади ва ёдлаш ҳам мустаҳкам бўлади. Зеро, эшитиш аъзоси бўлмиш кулоқ кўриш аъзоси бўлган кўздан кўра қалбга кучлироқ таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам кўр кишиларнинг ёдлаши бошқаларга нисбатан тезроқ, мустаҳкамроқ ва афзалроқ бўлади. Абу Ҳомид Ғаззолий ўз дўстларига қарата: «Агар дарс қилсангиз, овозларингизни баландлатинг, чунки бу мустаҳкам ёдлашда ва уйқуни қочиришда муҳимдир», дер эдилар. Шунингдек, у киши: «Паст овозда ўқиш тушунишда, баланд овозда ўқиш эса, ёдлашда муҳим»,<sup>86</sup> деганлар.

6. Ҳайз кўрган аёлнинг Қуръонни эшитиши, кўриши ва қалб билан такрорлаш услуби: Агар аёл киши ҳайз кўрган бўлса, Қуръонни ёдидан чиқариб қўймаслиги учун уни эшитиши, шунингдек, қалбидан ўтказиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, Мусхафга уни ушламасдан ва сўзларини талаффуз этмасдан ҳам қараши жоиздир. Тўрт мазҳаб имомлари наздида, ҳайз ва нифос кўрган ва жунуб кишига Мусхафни ушлаш ножоиз ҳисобланади. Аммо Абу Ҳанифа, Шофиъий ва Имом Аҳмаднинг (раҳматуллоҳи алайҳилар) наздида, ҳайз ва нифос кўрган аёлга мусхафни ўқиш мумкин эмас. Имом Молик эса бундай кишиларга шайтон ва жинлардан ҳимояланиш мақсадида Қуръондан озгинасини ўқишни жоиз, деб билган.

7. Қуръонни яхши ёдлаган устоздан оғзаки ўрганиш: Қуръони каримни ёдлаш жараёнидаги асосий руқнлардан бири уни фақатгина ёдлаш билан кифояланмасдан, балки бир устоздан ўрганишдир. Агар шундай қилинмаса, ўқувчининг хато қилиш эҳтимоли бор. Бу эса ушбу соҳанинг мутахассис олимлари айтган: «Илмни “сухуфий” – фақат китоб кўрган кишидан ва Қуръонни “мусхафий” – Қуръонни бирор

<sup>86</sup> «Чиройли сўзлар» асарининг 74–75-бетлари.

устозга мурожаат қилмасдан, Мусхафдан ўрганган кишидан ўрганмагин!» деган ҳикматли сўзнинг айна маъносидир. Бу, сен илмни фақат китоблардан, Қуръони каримни эса яхши ўзлаштирган бирор қоридан ўтказмасдан, ўзича ўрганган кишидан ўрганмагин, деган мазмундадир.

8. Нафл ибодатларда махфий ва қалбдан тиловат қилиш: Қори нафл ва тарових намозларида Қуръонга қараб тиловат қилиш ножоиз деб эътиқод қилмоғи лозим. Ҳанафий мазҳабига кўра, махфий ва қалбдан қироат қилиш керак бўлади.

9. Қуръон ёдлашда сабоқ оз бўлса ҳам, давомийликка эътибор қаратиш: Қуръон ёдлашда энг муҳим саналган ишлардан бири – уни ҳар куни ўқишни қанда қилмасликдир. Қори қаттиқ касал бўлганида ҳам, ҳатто энг яқин кишилари оламдан ўтган кунларда ҳам бу режага вақт ажратиши керак. Чунки Қуръон ўқилмасдан ўтган бир кун бир неча куннинг баракаси кетишига сабаб бўлади.

Шунингдек, қорининг кунлик Қуръон ёдлашида тартиб, сабр, сабот ва доимийликнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) бир ҳадисларида: «Аллоҳ таолога амалларнинг энг маҳбуброғи, гарчи оз бўлса ҳам, давомлироғидир», деганлар.

Инсонда мавжуд иқтидорлардан бири ёд олиш бўлиб, агар киши бу қобилиятни ёдлаш ва маълумотларни қайта ишлашга йўналтирмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйса, иш фаолияти сусайиб, дангаса бўлиб қолади.

## БЕШИНЧИ БОБ

### ҚУРЪОНИ КАРИМНИ ЁДЛАШГА ОИД ҚИРҚТА ҚОИДА ВА КЎРСАТМА

Қуръони каримни ёдлашда фойда берадиган қоидаларни юқоридаги тавсияларимизда турли ўринларда умумий ҳолда шарҳлаб ўтдик. Энди уларни тартиб билан санаб чиқамиз.

Ушбу қоида ва кўрсатмалар икки қисмдан иборат:

Биринчи қисм: Қуръони каримни ва барча илмларни ёдлаш амали мутлақ, умумий, асосий 6 қоидадан иборат:

1. Илтижо. 2. Ихлос. 3. Тақво. 4. Аллоҳдан кўрқиш. 5. Аллоҳнинг Китобига амал қилиш. 6. Беш вақт намозга риоя қилиш.

Иккинчи қисм: Қуръони каримни ёдлашга хос 34 қоида ва усул. Улар орасида қилиниши лозим бўлган рукн ва вожиботлар ҳам, қўшимча қилинса яхши бўладиган ёрдамчи вазифалар ҳам бор.

Қирқта қоида ва кўрсатмалар қуйидагилардан иборат:

Таҳажжуд намози пайтида Аллоҳ азза ва жаллага илтижо қилиб ёлвориш.

Ҳифз амалиётига хос дафтар тутиш.

Ҳиммат ва ғайратни қўзғатиш.

Моҳир устозни танлаб, Қуръонни ундан оғизма-оғиз ўрганиш ва Мусҳафнинг ўзи билангина чекланмаслик.

Ёдлаш учун муносиб жой танлаш.

Амалда Аллоҳ таолога ихлосли бўлиш ва холис ният қилиш, у ҳам бўлса, Аллоҳ таолонинг розилигини иштадир.

Устозга ҳам, Мусҳафга ҳам бирдек одоб ва эҳтиромда бўлиш.

Қуръони каримни ёдлагандан кейин унутиш тўғрисида келган қаттиқ ваъидларни ҳис қилиш.

Қуръонни ёдлагандан кейин эсдан чиқариш гуноҳи кабиралардандир, деб эътиқод қилиш.

Хато қилинган ўринларни белгилаб қўйиш.

Ёдлаш учун энг афзал ёш – 5 ёшдан 23 ёшгача эканини эътиборга олиш.

Битта нусхадаги Мусҳаф билан чекланиш.

Ҳар йили таровиҳ намозида хатм қилишни ва (кундалик) намозларда ўқишни лозим тутиш.

Кундалик вазифани тайёрлаш.

Кундалик такрорлашни йўлга қўйиш.

Бир-бирига ўхшаш оятларни жамлаш.

Юз марта такрорлаш билан хатони тузатиш.

Ёдлаш амалиётидаги атамалар билан танишиш.

Ёдлаш учун муносиб вақтни танлаб, ўзгармас, собит вақтни белгилаб олиш.

Тақво қилиш ва маъсиятлардан четланиш.

Такрорлаш ёдлашнинг асосидир, қанчалик кўп такрорланса, хотирада шунчалик мустаҳкамланади.

Нафл намозларда ёддан ўқиш. Нафл ва таровиҳ намозларида Мусҳафга қараб ўқиш жоиз эмаслигига эътиқод қилиш.

Вақтни тартибга солиш.

Ўтириш ҳолати.

Қуръонни ёдлаётган вақтда овозни кўтариб, жаҳрий қироат қилиш.

Тартибли силсила ва гарчи оз бўлса-да, узмасдан, давомли тайёрлаб бориш.

Кундалик янги дарсни белгиланган услубда Фотиҳа сура-си каби мустаҳкам ёдлаш.

Махфий ва ошкор ҳолда ҳам Аллоҳ таолодан қўрқиш.

Қуръон ёдлаш дуосини эсдан чиқармай, такрорлаб туриш.

Аниқлаб олинган хато ўринларда умр давомида яна хато қилиш эҳтимоли эшигини ёпиш.

Куннинг камида саккиз соатини ёд олишга сарфлаш.

Ҳайз кўрган аёл мурожаъа (такрорлаш)ни эшитиш, қўриш ва қалбдан ўтказиш воситаси ила бажариши.

Ёд олиш жараёнида устозни алмаштирмаслик.

Аллоҳ таолонинг Китобига амал қилиш.

Қуръонни ёдлаш осон, айни пайтда тез «қочиб кетувчи» эканини унутмаслик.

Ҳар кеча Бақара сурасининг ўнта оятини қироат қилиш.

Кундузги вирд-вазифаларни тунда таҳажжуд намозида ўқиш.

Беш вақт фарз намозларини биринчи такбирга етишиш билан масжидда жамоат бўлиб ўқишни тарк қилмаслик.

Кунлик шахсий тиловат вирди (вазифаси)да бардавом бўлиш.

Ёдлаш амалиётида ва овозни гўзаллаштиришда ёрдам берадиган неъматларни истеъмол қилиш.

Ушбу қирқта қонданинг тафсилотлари қуйидагича:

**Биринчи қоида: таҳажжуд намози пайтида Аллоҳ азза ва жаллага илтижо қилиб ёлвориш.** Ёдлаш машаққатлари арзимас даражада бўлишининг асосий сири ва йўли Аллоҳ таолога ёлвориш, тазарру қилишдир. Аллоҳ таолога ёрдам сўраб, суяниб дуо, зикр билан илтижо қилиш ҳар қандай қийинчиликни осонлаштиради. Ёдлаш оғирлик қилса, нафсда малоллик, бешиш, заифлик сезилса, Аллоҳга илтижо қилинсин, сахар вақтлари йўл очишини умид қилган ҳолда тазарру билан, йиғлаб, ёрдам сўралсин. Ана шунда Аллоҳ таоло Қуръони каримни ёдлашда янги ғайрат беради.

**Иккинчи қоида: ҳифз амалиётига хос дафтар тутиш.** Қуръонни ёдлаш асносида хос дафтар тутилиб, унга ҳар кун дарс, дарсия, мурожаъа (такрорлаш) ва шахсий вирд (вазифа) кун-санаси билан батафсил қайд қилиб борилади<sup>87</sup>.

**Учинчи қоида: ҳиммат ва ғайратни қўзғатиш.** Ҳиммат ва ғайратни, интилишни кучайтириш, ёдлашга ҳақиқий рағбат қилиш Қуръон ва бошқа илмларни ёд олиш шартларидан ҳисобланади. Мусулмонни Қуръонни ёдлашга ғайратлантириб юборадиган омиллар қайсилар? Шубҳасиз, устознинг шогирдини шижоатлантириб ва тақдирлаб туриши унинг ёдлашга бўлган иштиёқини оширади. Мусулмонни Аллоҳнинг ризолигига эриштирадиган энг улуғ восита эса Қуръони каримдир. Қуръон ёдловчи одамга Аллоҳ таоло тайёрлаб қўйган ажру савоблар, шу билан бирга, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам бериладиган олий даражаю ҳасанотлар мусулмон киши учун сир эмас. Мана шунинг ўзи ёшу қари Қуръонни ёдлашга рағбат қилишига етарлидир. Аҳли Қуръон учун ваъда қилинган улуғ ажр, буюк фазлни ҳис қила олишдан иборат омиллар инсонни ҳамма машаққатларни енгиб ўтган ҳолда уни

---

<sup>87</sup> Кейинги бобда бу ҳақида батафсил маълумот берилади.

ёдлашга интиладиган қилиб қўяди. Ёдлашга бўлган иштиёқ бир маромда давом этмайди, балки кундан-кунга зиёда бўлиб бораверади. Натижада, ёд олиш борган сари осонлашади, ёдлаш силсиласи узилмасдан ниҳоясига етади. Хуллас, ёдлашга киришган инсонда бу ишга рағбат ва иштиёқ, фикрий ва маънавий завқ, қалбнинг Қуръон билан доимий алоқаси олий бўлмоғи лозим. Ана шунда Қуръони каримни ёдлаш жуда осон кечади.

Ҳимматни уйғотадиган услублардан яна бири фазилатли ишларга далолат қилувчи ҳадисларни билиш, Қуръонни ёдлаш борасидаги ҳикоя ва қиссаларни мутолаа қилиб туришдир.

**Тўртинчи қоида: моҳир устозни танлаб, Қуръонни ундан оғизма-оғиз ўрганиш ва Мусҳафнинг ўзи билангина чекланмаслик.** Қуръони каримни ёдлаш амалиётидаги асосий рунлардан бири талабани ёдлашдаги энг мақбул йўлга йўллаб, қироатини тажвид қоидалари асосида тузатиб турадиган устоз билан боғланишдир. Чунки Қуръон эшитиш ва оғизма-оғиз ўрганишга суянади. Мустақил равишда ёдлашдан сақланиш лозим. Акс ҳолда, устоз назоратсиз қироатда хато қилмасликка қафолат йўқ. Танланган устозда куйидаги тўртта шарт топилиши зарур:

Қуръони каримни тўла ёдлаган ҳофиз бўлиши.

Ҳифз ва тажвид қоидаларида мутқин (пухта) бўлиши.

Ижозат олган, яъни шайхи томонидан берилган шаҳодати ва ижозати бўлмоғи.

Устозда Қуръон устозлар силсиласи орқали, уларнинг йўллари билан етиб келаётган, Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муттасил боғланадиган санад бўлмоғи.

Зарнужий айтади: «Ҳаким талабасидан бирига йўл кўрсатиб, шундай дебди: «Агар Бухорога борсанг, устоз танлашга шошилмагин. Икки ой туриб, яхшилаб фикр қил-да, кейин бир устозни танла. Чунки, агар бир олимнинг олдида дарров борсанг-у, кейинчалик унинг дарси сенга маъқул келмай, уни тарк қилиб, бошқасига борсанг, сен учун таълим олиш баракотли бўлмайди. Шунинг учун устоз танлашда икки ой муддатда фикр қилгин».

**Бешинчи қоида: ёдлаш учун муносиб жой танлаш.** Ёдлашнинг ўз ўрни бор, Қуръони каримни ёд олувчи уни ло-

зим тутиши керак бўлади. Ёдлаш учун энг яхши жой: паст бўлмаган, баландроқ жойлар; чалғитувчи нарсалардан узоқ хар қандай жой. Кўкаламзор ёки денгиз бўйларида ёхуд келди-кетди кўп бўладиган жойларда ёдлаш яхши эмас. Чунки бундай жойлар кўп ҳолларда қалб хотиржамлиги ва қалб софлигини ман қиладиган нарсалардан холи бўлмайди.

Ибн Жавзий айтади: «Денгиз бўйи ва кўкаламзорда ёдламасин. Зеро, у жойлар қалбни машғул қилади». Шунингдек, шовқин-сурондан узоқ, тинч, осуда жой танланиши лозим.

**Олтинчи қоида:** амалда Аллоҳ таолога ихлосли бўлиш ва холис ният қилиш, у ҳам бўлса, Аллоҳ таолонинг розилигини иштадир.

1. Ихлос – Аллоҳ таоло тарафидан бўлган ички тавфиқ ва қалбни очиш. Қуръонни ёдлашда Аллоҳ таолонинг розилигидан бошқа ҳеч нарса қасд қилинмайди. Мана шу ҳақиқий ниятнинг баракоти билан Қуръон ёдлашнинг ажри, гарчи ёдлаш асносида вафот этиб қолса ҳам, мукамал қилиб берилади. Фақат битта шарт бор, жон бераётган вақтда ёдлаш узилмасдан, мунтазам равишда давом этаётган бўлиши лозим.

2. Солиҳ бир инсон ҳақида ҳикоя: У зот шундай деди: «Бир куни тунда саҳар вақтига яқин йўл бўйидаги хонамда Тоҳо сурасини ўқир эдим. Тугатиб бўлгач, энгил мудроқ босди. Шунда осмондан бир инсон тушди, қўлида бир саҳифа. У кўзим олдида саҳифани очган эди, қарасам, Тоҳо сураси. Ундаги битта калимадан бошқа ҳамма калима остига ўнта ҳасанот битиб қўйилган. Мен ўша битта калима ости ўчирилганини, унинг остида ҳеч нарса йўқлигини кўриб: “Аллоҳга қасамки, бу калимани ҳам ўқидим, нега савобини кўрмаяпман?” дедим. Шунда у инсон: «Тўғри, сен ўқидинг, биз савоб ёзган эдик. Бироқ Арш томонидан бир нидо қилувчининг “Унинг савобини ўчиринглар!” деган нидосини эшитиб, уни ўчирдик», деди. Мен уйқумда йиғлаб: «Нега бундай қилдингиз?» деб сўрадим. “Бир киши ўтиб кетаётган эди, у сабабли ушбу калимада овозингни кўтардинг, натижада савоби кетди”, деб жавоб берди».

3. «Қуръонни уч тоифа инсон ўрғанади: а) у туфайли олқиш оладиган; б) у билан тирикчилик қиладиган; в) уни Аллоҳнинг розилиги учун ўқийдиган»<sup>88</sup>.

4. «Қуръонни уч тоифа ўқийди: мўмин, мунофиқ, фожир». Ривоят қилаётган Башир деди: «Валиддан: “Бу уч тоифани қандай тушунамиз?” деб сўрадим. Шунда Валид: “Мунофиқ Қуръонга ишонмайди; фожир у билан тирикчилик қилади; мўмин унга иймон келтиради”, деди»<sup>89</sup>.

5. «Айюб Сахтиёний қачон ҳадис айтса, қалби эриб, кўзидан ёш оқар ва бурнини тортиб: “Жуда қаттиқ шамоллабман”, дер эди. Билсак, у йиғисини яшириш учун “шамоллагани”ни баҳона қилар экан».

6. Довуд ибн Абу Ҳинд қирқ йил рўза тутган, лекин оила-си билмаган. У косиб бўлиб, нонуштасини ўзи билан бирга олиб кетиб, йўлда садақа қилиб юборар ва Шомда уйга қайтиб, ифтор қилар эди.

7. Ҳасан Басрий Ҳарамда катта бир мажлис аҳлига ҳадис ёздираётган Товуснинг ёнидан ўта туриб, унинг қулоғига: «Агар нафсингда фахрни ҳис қиладиган бўлсанг, бу мажлисдан тур!» деган эди, у дарҳол туриб кетди.

8. Аллоҳ таоло: «**Бас, кимки Парвардигори билан мулоқотда бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда эзгу амал қилсин ва Парвардигорига ибодат қилишда ҳеч кимни (Унга) шерик қилмасин**»<sup>90</sup>, деган. Бу амал қабул бўлишининг икки шартидир. Шу икки шарт тўла топилмагунча, амал қабул қилинмайди. Биринчиси: “солиҳ амал қилсин”. Амал Набийнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларига эргашиш ва динга бидъат аралаштирмастик билангина солиҳ бўлади. Иккинчиси: “Рабби ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин”, яъни, амални фақат Аллоҳнинг розилиги учун қилиш ихлос бўлади.

9. «Ким охират ишини дунё учун қилса, охиратда унга насиба йўқ»<sup>91</sup>.

10. Фузайл ибн Йёз айтади: «Одамлар сабабли бир ишни тарк қилиш риёдир. Одамлар сабабли бир ишни қилиш ширк-

<sup>88</sup> Абу Саъид Худрийдан (розияллоҳу анху) марфуъ.

<sup>89</sup> Аҳмад. «Муснад», Саҳл ибн Саъддан (розияллоҳу анху).

<sup>90</sup> Қаҳф сураси, 110-оят.

<sup>91</sup> Аҳмад ва Ҳоким Убай ибн Каъбдан (розияллоҳу анху) ривоят қилган.



дир. Ихлос эса, Аллоҳ таоло сени бу икковидан сақлашидир. Агар инсон ўзига одамларнинг мулоҳазалари, гумонлари йўлидан эҳтиёт бўлиш эшигини очса, унга бу дунёнинг яхшилик эшиклари ёпилмайди. Бироқ ўзининг дини учун муҳим катта нарсани йўқотган бўлади. Бу солиҳлар дини ҳам, уларнинг йўли ҳам эмас.

11. Қачон ихлос бир амал билан аралашса, у Аллоҳ наздида ҳам, одамлар наздида ҳам мақбул бўлади.

12. Имом Шофиъий айтади: «Қанийди, одамлар бу илм (яъни у кишининг илми)ни олсалар-у, ундан бирорта ҳарфни ҳам менга нисбат бермасалар».

13. Суфён ибн Уяйна: «“Ҳар қандай олимнинг дарс мажлиси кенгайиб кетса, ўзида фахр ҳис қилади”, дер эди. У мажлисни уч томонга бўлиб қўяр эди. Бир куни бўлишни унутибди, қараса, мажлис катта бўлиб кетибди. Шунда қўрққанидан, ўрнидан даст туриб: “Ўзимиз сезмаган ҳолда Аллоҳ бизни олибди (жазолабди)”», деди.

14. Юсуф ибн Асбот айтади: «Аллоҳ таоло пайғамбарларидан бирига ваҳий қилиб: “Қавминга айт, ўз амалларини инсонлардан яширсинлар, Мен уларнинг ҳолларини ошкор қилиб қўяман”, деди».

15. Иброҳим Таймий айтади: «Мухлис киши ўз яхшиликларини худди ёмонликларини яширгандек яширади».

16. Бишр Хофий айтади: «Биз кабиларга солиҳ амалларимизни ошкор қилиш тўғри бўлмайди. Риё аралашган амал қандай амал бўлиши мумкин?! Биз кабилар амалларимизни яширганимиз яхшироқдир».

17. Бишр Хофий айтади: «Исодан (алайҳиссалом) бизга етиб келишича, у киши ҳаворийларига: “Агар сизлардан бирортангиз рўза тутган бўлса, боши ва соқолига ёғ суртсин ва лабига ҳам суртиб олсин, кўрганлар рўзадор деб ўйламасинлар”, дер эди».

18. Абу Умома саждада йиғлаётган бир кишининг олдидан ўтаётиб, унга: «Мана шу ишинг уйда, инсонлар кўрмайдиган тарзда бўлганида, қандай яхши бўлар эди!» деди.

**Еттинчи қоида: устозга ҳам, Мусхафга ҳам бирдек одоб ва эҳтиромда бўлиш.** 1. Устозга нисбатан одобли бў-

лиш, уни тақдирлаш ва ҳурмат кўрсатиш ниҳоятда муҳимдир. Унга нисбатан одоблилик илмнинг баракали бўлишига ва ёдлаш қобилияти ўсишига сабабдир. Шунингдек, Қуръони карим нусхасини ҳам улуғлаш лозим. Одобда камчиликка йўл қўйиш илм ҳосил қилишдаги камчиликка сабаб бўлади. Аллоҳ Ўз каломини ёдлашга Мусҳафни ва устозни чин ихлос билан ҳурматлаш миқдорича файз беради. У Зот қалбдаги нарсаларни билиб турувчидир. Агар ҳар иккисига нисбатан ҳурмат фақат тилда ва юзаки бўлса, буни ҳам Аллоҳ таоло билади, У Зотни ҳеч қачон алдаб бўлмайди. Аллоҳ Ўзи сақласин.

رَبِّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا فِي نُفُوسِكُمْ إِنْ تَكُونُوا صَالِحِينَ  
فَإِنَّهُ كَانَ لِلْأَوَّابِينَ غُفُورًا

«Роббингиз дилларингиздаги нарса (сир)ларингизни яхши билувчидир. Агар сизлар солиҳ бўлсангиз, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир» (*Исро сураси, 25-оят*).

2. Айтадилар: “Талаба олимнинг илмидан уни ҳурмат қилгани миқдорича истифода қилади”. Тариқат аҳлининг улуғлари айтадилар: “Ким устозининг хатосини ўзининг тўғри ишидан яхши деб билмаса, манфаат олмайди”. Улар устозлари ҳузурига боришса: “Аллоҳим, устозимнинг айбини мендан беркит ва илмининг баракасини мендан кетказмагин”, деб дуо қилишар эди. Робийъ (раҳматуллоҳи алайх) айтадилар: “Аллоҳга қасамки, имом Шофиъий (раҳматуллоҳи алайх) менга қараб турганида, у кишининг ҳайбатидан бир ҳўплам сув ичишга журъат қила олмасдим”. Муғййра (раҳматуллоҳи алайх) айтадилар: “Биз Иброҳимдан (раҳматуллоҳи алайх) худди амирдан ҳайбат қилинганидек ҳайбат қилар эдик”.

3. Абу Убайд Қосим ибн Салом илм талаб қилиш одобини бундай баён этади: «Мен ҳеч қачон бирор муҳаддис ёки олимнинг эшигини изн сўраш учун тақиллатиб турмаганман. Балки ўзлари чиққунларича сабр қилганман. Аллоҳ таолонинг

وَأَن تَأْتِيَهُمْ صَبْرًا حَتَّىٰ تَخْرُجَ إِلَيْهِمْ لَكَانَ خَيْرًا لَّهُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٥﴾

– «Агар улар то (Сиз ўзингиз) уларнинг олдига чиққунингизча сабр қилганларида, албатта, ўзлари учун яхши бўлур эди. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир»<sup>92</sup> оятини шунга таъвил қилганман».

4. Бу умматнинг илм денгизи Абдуллоҳ ибн Аббос (розиаллоху анху) Зайд ибн Собитга (розиаллоху анху) кўрсатган гўзал одоб шогирднинг устозига эҳтироми намунасидир. У киши шамол юзларини тупроққа белаб ташлашига қарамасдан, Зайднинг (розиаллоху анху) эшиклари олдида у кишини кутиб турар эдилар. Зайд (розиаллоху анху) чиқиб: «Эй Расулуллоҳ амакисининг ўғли, менга одам жўнатганингизда, ўзим борар эдим», десалар, Ибн Аббос (розиаллоху анху): «Илмга борилади!» дер эдилар. Зайд ибн Собит уловга чиқмоқчи бўлсалар, Ибн Аббос ёрдам бериб юборардилар. Зайд ибн Собит (розиаллоху анху): «Нима қияпсиз, эй Расулуллоҳ амакисининг ўғли?» десалар, Ибн Аббос (розиаллоху анху): «Қориларимизга нисбатан шундай қилишга буюрилганмиз», дер эдилар. Зайд ибн Собит (розиаллоху анху) у кишининг қўлларини ўпиб: «Расулуллоҳнинг аҳли байтларига нисбатан шундай қилишга буюрилганмиз», дея жавоб қилардилар.

5. Устозга нисбатан одобсизлик ва ҳурматсизлик, одобда камчиликка йўл қўйиш илмни ҳосил қилишдаги камчиликка сабаб бўлади. Одоби лозим тутиш илм баракасига ва ёдлаш қобилияти ўсишига омилдир.

6. Қуръони каримни пухта ёдлашга халал берувчи сабаблардан яна бири мусхафга нисбатан одобсизлик, яъни уни таҳоратсиз кўтариш ёки ушлаш, устига бошқа нарса қўйиш ёки Мусхафнинг ўзини ерга қўйиш кабилардир. Умар ибн Абдулазиздан ривоят қилинган мурсал ҳадисда бундай дейилади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) Мусхафнинг ерда ётган бир варағи ёнидан ўтдилар ва: «Бу ишни қилган кишини Аллоҳ лаънатласин, Аллоҳ таолонинг Китобини ҳар доим ўз ўрнига қўйинглар», деганлар. Ушбу ҳадисни Ҳаким Термизий “Наводирул усул” номли китобларида, шунингдек, “Канзул уммол”нинг муаллифи ўз ки-

<sup>92</sup> Ҳужурот сураси, 5-оят.

тобларида келтирганлар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна: «Аллоҳнинг Китобини оёқларингиз билан босманглар», деганлар. Бу ривоятни Абу Наср Сижиззий ҳам “Ибона” номли асарида келтирган бўлиб, унда: «Бу ҳадис Муоздан (розияллоҳу анҳу) ғариб ҳолда ривоят қилинган ва у “Канзул уммол” асарида ҳам келтирилган», дейилган.

**Саккизинчи қоида:** Қуръони каримни ёдлагандан кейин унутиш тўғрисида келган қаттиқ ваъидларни ҳис қилиш. Ҳадиси шарифда «Ким Қуръонни ёд олса-ю, сўнг унутса, қиёмат куни Аллоҳ таолога мохов ҳолида йўлиқадди», дейилган<sup>93</sup>. Ибн Қутайба ва Ибн Аллонлар айтадилар: Бу ерда “мохов” деб зикр қилинган кишидан мурод ҳамма аъзолари йўқ бўлган кишидир. Шунингдек, “мохов киши” деб, ўша дард туфайли аввал гўштлири қизариб, кейин қорайиб, узилиб, титилиб кетган кишига ҳам айтилади.

Яна бир ривоятга кўра, “мохов” сўзининг маъноси ҳақида Зоида ибн Қудоманинг “Қиёмат куни мохов ҳолатда келади”, деган ривояти далолат қилганидек, “Мохов бўлиб, ҳақиқатдан қўл-оёқлари кесилган ҳолда тирилади”, дейилган. Бошқа бир ривоятда “Тишлари тўкилган ҳолда”, дейилган бўлса, яна бир ривоятда «Қуръонни унутгани учун ҳужжати йўқ бўлиб, яъни тилсиз ва тишсиз тирилтирилади», дейилган. Шу каби бошқа бир ривоятга кўра эса, “У қўлсиз бўлади”, яъни ҳужжатсиз бўлади. Мохов – “гўштлири титилиб кетган одам” деганидир<sup>94</sup>.

Ибн Аллон “Ал-Азкор” шарҳида: “Мохов”нинг маъноси ҳадис зоҳирида қандай бўлса, шундай бўлади», деган. Бу жазо Қуръонни унутган кишига уқубат сифатида берилади. Чунки Қуръон билан нафс роҳатланади, кишининг қалби ва кўзи қувнайди. Демак, мана шундай нурни тарқ қилиб, унга қарши чиқиб, бепарво бўлган киши иқоб (жазо)га учрайди. У дарднинг ёмонлигидан хавф қилганлари учун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадисларида: «Моховдан худди шердан қочгандек қочгин», деганлар. Ибн Қутайба: «Бу

<sup>93</sup> Бу ривоятни Имом Аҳмад «Муснад» асарида келтирган. Уни Абу Довуд Саъд ибн Убодадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган.

<sup>94</sup> Ушбу ҳадисни Абу Довуд «Ал-Витр» асарида, Имом Аҳмад 5/282-ҳадисида, Доримий «Ал-Фазоил» китобида, Ибн Абу Шайба 478-ҳадисда келтирган.

ерда “мохов” деб, нафақат Қуръонни унутгани учун азобланган кишининг қўли, балки аъзоларининг ҳаммаси йўқ бўлган кишига нисбатан айтилади». «Унутиш»дан мурод эсдан чиққунича бепарво бўлишдир, кексалик ёки бирор сабабдан унутиш эмас.

4. Қуръонни унутишнинг хатарли эканига Исро кечаси гувоҳи бўлинган Қуръон ўқишни ва фарз намозини тарк қилгани учун қорининг бошига тош билан уриб азобланиши ҳақидаги Самура ибн Жундубнинг ҳадиси далолат қилади: «Бир чалқанча ётган одамнинг олдига келдик, бошқа одам унинг устида тош ушлаб турарди. Ётган одамнинг бошига тош билан урганда бош майдаланиб, ҳар ёққа сочилиб кетарди. Бошқа тошни оларди ва боши аввалги ҳолига қайтгунича кутиб, сўнгра яна биринчи ҳолда қилган ишини такрорларди. У киши Қуръонни ёдлаган ва унутган, шунингдек, фарз намозидан ухлаб қолган»<sup>95</sup>.

5. Кимки Қуръонни ўқиса, сўнг уни унутса, қиёмат куни Аллоҳга аъзолари йўқ ҳолда йўлиқади <sup>96</sup>.

6. Ким Қуръонни ўрганса-ю, сўнг уни илиб қўйса, у билан аҳдлашмаса ва унга қарамаса, қиёмат куни Қуръонга осилган ҳолда келади. Қуръон айтади: «Эй бутун оламлар Роббиси, бу банданг мени тарк қилди, мен билан унинг орасида ҳукм қил!».

7. Икрима ва Мужоҳид айтадилар: “Агар киши Қуръонни ўрганса, сўнг эсидан чиқарса, қиёмат куни келганда Қуръон айтади: “Агар мени сақлаганингда, сени юқори мақомга кўтарган бўлардим, лекин сен мени сақламадинг, мен ҳам сени сақламайман”.

8. Бир киши “Қуръонни унутдим”, дейиши қандай ҳам ёмон, балки у унуттирилди. Қуръонни қайтаринглар, чунки унинг инсонлар қалбидан кўтарилиши ҳайвоннинг арқондан бўшалишидан ҳам тезроқдир <sup>97</sup>.

9. Қози Иёз: “Қуръонни унутдим” дейиши қандай ҳам ёмон»нинг маъноси ҳолатнинг ёмонлигидир, сўзнинг ёмон-

<sup>95</sup> Бухорий «Субҳ намозидан кейинги тушнинг таъбири» бобида ривоят қилганлар.

<sup>96</sup> Абу Довуд ва Доримий Саъд ибн Убодадан марфуъ ҳолда зикр қилганлар.

<sup>97</sup> Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган.

лиги эмас, яъни Қуръонни ёдлаб, эсдан чиқариб юборгунча гафлатда бўлиш ҳолати қандай ҳам ёмон.

10. Заҳҳок ибн Музоҳим айтади: Бир кишининг Қуръонни ўрганиши, сўнг эсидан чиқариши қилган гуноҳи сабаблидир, чунки Аллоҳ таоло айтади: «Сизга қайси бир мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир...»<sup>98</sup>. Қуръонни эсдан чиқариш энг катта мусибатлардан саналади.

Молик ибн Динор Қуръонни энг яхши ёд олган киши бўлиб, у ҳар куни бир пора ўқиб, хатм қилар эди. Агар Қуръондан бир ҳарфни тушириб қолдирса, «Бу иш гуноҳим сабабли бўлди, Аллоҳ таоло бандаларига золим эмас», дер эди<sup>99</sup>.

11. Қуртубий: «Унуттирилди»нинг маъноси – Қуръонни такрорлаш ва унга вафо қилишга имконияти бўла туриб, зое кетказганлиги учун унутиш билан азобланади», деган.

12. Бағавий айтади: «Унуттирилди» сўзи гуноҳ қилгани ёки такрорлашни тарк қилиб, Қуръон билан ёмон аҳдлашгани учун унуттириш билан азобланишини англатади.

Абу Убайд айтади: «Балки бу Қуръон тиловатини тарк қилувчи ҳақида бўлиб, ундан Қуръон йироқлашади. Буни Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидаги сўзлари баён қилади: «Қуръонни такрор қилинглар».

13. Жаҳаннамда бир водий борки, жаҳаннам шу водийнинг ёмонлигидан ҳар куни етти марта паноҳ сўрайди. Бу водийда бир қудук бўлиб, жаҳаннам ва водий бу қудукнинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрайди. Қудукда бир илон бўлиб, жаҳаннам, водий ва қудук шу илоннинг ёмонлигидан етти марта Аллоҳдан паноҳ сўрайди. Аллоҳ уни Қуръон ёдлаб, ўзига осийлик қилувчи бахтсизларга тайёрлаб қўйган<sup>100</sup>.

14. Қуръон соҳибининг мисоли боғланган туянинг мисолига ўхшайди, агар у билан аҳдлашса, ушлаб қолади, қўйиб юборса, ғойиб бўлади<sup>101</sup>. Бу ҳадисда Қуръон мажозий маънода ақлан ҳайвонларнинг энг тез бўшалиб кетадигани бўлган туяга ўхшатишмоқда. Бас, Қуръон билан аҳди давомли бўлса, гўёки туянинг боғланиши – сақланиши давомли

<sup>98</sup> Шўро сураси, 30-оят.

<sup>99</sup> «Табакотул-қурроъ» асарининг 2-жуз, 36-саҳифаси.

<sup>100</sup> Қуртубий Асад ибн Мусонинг китобидан марфуъ ҳолда ривоят қилган.

<sup>101</sup> Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қиладилар.

бўлганидек, (Қуръон соҳибининг) ҳифзи ҳам давомли бўлади.

**Тўққизинчи қоида:** Қуръонни ёд олгандан кейин эсдан чиқариш гуноҳи кабиралардандир деб эътиқод қилмоқ.

1. «Менга умматимнинг савоблари, ҳатто киши масжиддан чиқариб ташлаган чангнинг ажри ҳам кўрсатилди. Шунингдек, менга умматимнинг гуноҳлари ҳам кўрсатилди. Мен Қуръондан бир сура ёки бир оят ёдлаб, сўнг уни ёддан чиқарган кишининг гуноҳидан каттароқ гуноҳни кўрмадим»<sup>102</sup>.

2. Баъзи муфассирлар Қуръони каримнинг Тоҳо сураси 124-оятда зикр қилинган иқоб Қуръонни унутувчига қаратилган, дейдилар: «Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, албатта, унга тор ҳаёт бўлур ва қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтирурмиз».

3. Хофиз Имодуддин ибн Касир айтади: «Юқоридаги оятда назарда тутилганлардан бири Қуръонни унутишдир. Чунки Қуръон тиловатидан юз ўгириш, унутишгача бориш, унга эътибор қилмаслик катта бепарволик бўлиб, қаттиқ зое қилишдир. Ундан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз».

4. «Қиёмат куни умматларим қилган гуноҳи кабиралар ичида тўлиқ жазоланадигани улардан бирига Аллоҳнинг Китобидан бир сура берилиб, кейин уни унутганидир»<sup>103</sup>.

5. Абул Олия айтади: «Кишининг Қуръонни ўрганганидан сўнг эсдан чиққунича уни ўқимай, ухлаб ётишини катта гуноҳлардан деб санардик»<sup>104</sup>.

6. «Менга умматимнинг гуноҳлари кўрсатилди. Кишининг Қуръонни ёдлаб, уни тарк қилишидан кўра каттароқ гуноҳни кўрмадим»<sup>105</sup>.

7. Имом Рофиғий, имом Нававий ва улардан бошқа кўпгина аҳли илмлар Қуръонни унутишни гуноҳи кабиралардан санаганлар. Нававий айтадилар: «Қуръонни унутишни гу-

<sup>102</sup> Абу Довуд ва Термизий Анас ибн Моликдан ривоят қилганлар. Ибн Ҳажар: «Иснодида занфлик бўлиб, лекин унинг шохидлари бор», деганлар.

<sup>103</sup> Анасдан (розияллоҳу анху) марфуъ ҳолда ривоят қилинган.

<sup>104</sup> Ибн Абу Довуд.

<sup>105</sup> Ибн Абу Довуд Анасдан (розияллоҳу анху) марфуъ ҳолда ривоят қилган.

ноҳи кабиралардан деб ихтиёр қилишимга сабаб, бу ҳақида ҳадис бор».

8. Ушбу ҳадисда: «Қуръонни унутиш, агар баъзисини бўлса ҳам, гуноҳи кабиралардандир», дейилган. Уни Абу Довуд ва Термизий Анасдан (розияллоҳу анҳу) заиф санад билан ривоят қилган.

Куртубий: «Ҳадис собит эмас. Ибн Мадиний Анасдан (розияллоҳу анҳу) эшитилганини инкор қилган», дедилар. Ибн Ҳажар: «Иснодида заифлик мавжуд, бироқ унинг шоҳидлари бор», деганлар. Зайнул Ироқий айтади: «Бухорий уни ғариб санаган, лекин Абу Довуд унга сукут қилган. Бу хабарга зид келмайди. Чунки бу ерда кўзланган нарса гуноҳ бўлиб, у Қуръон билан аҳдлашиш ва ўқигандан кейин уни зое кетказишдир».

9. Абу Шомма (Нававийнинг шайхи ва Ибн Салоҳнинг шогирди) Қуръонни эсдан чиқариш мазамматидаги ҳадисни унга амал қилишни тарк этишга олиб борган. Чунки Қуръонни унутиш уни тарк қилишдир. Аллоҳ таоло қуйидаги оятда марҳамат қилади: «**Биз илгари Одам билан (жаннатдаги бир дарахтга яқинлашмаслиги ҳақида) аҳдлашган эдик. У (аҳдни) унутди ва Биз унда (Одамда) қатъиятни кўрмадик**»<sup>106</sup>. Бу Қуръонга бепарволик қилиб, тиловатини эсдан чиқариб юборган кимсага ҳам тегишли бўлиб, Қуръон Аллоҳ ҳузурида унга қарши шикоят қилиши эҳтимолдан йироқ эмас.

**Ўнинчи қоида: хато қилинган ўринларни белгилаб қўйиш.** Агар дарс, дарсия, мурожаъа (такрорлаш) ёки вирд (тиловат вазифаси) пайтида бирор ўринда хато қилинса, қора қаламда енгилгина белгилаб қўйиш тавсия этилади. Бунга бепарво бўлмаслик керак, акс ҳолда Қуръонни Фотиҳа сураси каби ёдлашда ютуққа эришилмайди.

**Ўн биринчи қоида: ёдлаш учун энг афзал ёш – 5 ёшдан 23 ёшгача эканини эътиборга олиш.**

1. «Ёш боланинг ёдлаши тошдаги нақш каби, ёши улғайган кишининг ёдлаши сувдаги ёзув кабидир»<sup>107</sup>.

<sup>106</sup> Тоҳо сураси, 115-оят.

<sup>107</sup> Хатиб Бағдодий «Жомъ»сида Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу), Доримий «Фирдавс муснади»да ривоят қилганлар.



2. «Ким Куръонни гўдаклик чоғида ўрганса, Аллоҳ уни гўшти ва қони билан аралаштириб юборади»<sup>108</sup>.

**Ўн иккинчи қоида: битта нусхадаги Мусҳаф билан чекланиш.** Ёдлаш тақвими(режаси)да ҳарфлари аниқ, бетлари тўлиқ оят билан тугаган яхши битта босмали нусха билан чекланиш лозим бўлади. Ёдлаш учун олинган ҳар кунлик дарс бир хил бўлиши учун шундай нусха зарурдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уни ўзгартирмай, доимо ўша босмадан ўқиб, ёдлаб, ҳеч қачон бошқа босмали нусхадан ўқимаслик тавсия қилинади. Бунинг сабаби шуки, доимо битта нусхага қаралса, бу Мусҳафнинг оятлари, калималарнинг ўринлари ва кўринишлари зеҳнга ўрнашиб, нақш каби ёзилиб қолади. Куръонни ёддан қайтарган вақтда ўша кўриниш ва ўринлар Мусҳафда тартибланганидек ёдловчи кўз олдига келади. Агар бир неча йилдан кейин ҳам бирор оятдан сўралса, камида унинг ўрни тасаввур қилиниб, саҳифанинг ўнг ёки чап тарафида эканини эслай олади. Ёдланган нусхадан бошқасидан ўқилса, бу кўринишлар кейингисига аралашиб, Куръон ёдлашда қийинчилик туғдиради. Бунда Мадина Мусҳафи афзал саналади. Бу Мусҳафда саҳифанинг аввали оятнинг боши билан бошланган бўлиб, саҳифанинг охири оятнинг охири билан тугайди. Шу маънода у чиройли тақсим қилингандир.

**Ўн учинчи қоида: ҳар йили таровиҳ намозида хатм қилишни ва (кундалик) намозларда ўқишни лозим тутиш.** Куръони каримнинг ҳифзи мукаммал бўлгач, ҳар йили муборак Рамазон ойидаги таровиҳ намозида уни ўқиб беришни лозим тутиш ва ушбу олтин силсилани ҳеч қачон тўхтатмаслик лозим. Чунки меҳробда туриб ўқиш ҳифзни кучайтиради ва мустаҳкамлайди. Хусусан, Куръонни жаҳрий, фарз намозларда қуръоний тартибга мувофиқ ўзлаштириб, тадқиқ қилиб ўқиш Куръон ҳифзи назорат қилиниши ва мукаммал бўлишининг энг тўғри йўлидир.

**Ўн тўртинчи қоида: кундалик вазифани тайёрлаш.** Вазифани тайёрлаш, уни ўқиб бериш ва хато қилинган ҳар бир ўринни тўғрилаб, кунда юз мартадан ўқиш лозим.

<sup>108</sup> Бухорийнинг «Катта тарих» китобида Абу Ҳурайрадан марфуъ ҳолда ривоят қилинган.

**Ўн бешинчи қоида:** кундалик такрорлашни йўлга қўйиш. Қуръонни кундалик такрорлашни йўлга қўйиш, уни ўқиб бериш ва хато қилинган ўринларни кунда юз марта тўғрилаб ўқиш Қуръони карим ҳифзининг вазифаларидандир. Чунки ёд олиш жараёнининг муҳимлигидан ёдланган нарсани такрорлаб туришнинг аҳамияти камайиб қолмайди, балки ёд олиш босқичидан кўра такрорлаш босқичи муҳимроқдир. Жаъфар Содиқ айтадилар: «Қалб тупроқдир, илм унинг экини, такрорлаш эса, унинг сувидир. Агар тупроққа сув келиши тўхтаса, унинг экини қуриб қолади».

Айтилган сўз қандай гўзал:

فَادِمٌ لِلْعِلْمِ مَذَاكِرَةٌ فِدْوَامِ الْعِلْمِ مَذَاكِرَتُهُ

«Илмни эслаб туриш билан давомли қилгин, илмнинг давомийлиги эслаб туриш биландир».

**Ўн олтинчи қоида:** бир-бирига ўхшаш оятларни жамлаш. Қуръони каримнинг баъзи оятлари бир-бирига ўхшашдир. Масалан:

فَأَصْبَحُوا فِي دَارِهِمْ جَنِينًا ۝ ۷۸

(«Фа асбахуу фий даариҳим жаасимийн». Аъроф сураси, 78 ва 91-оятлар),

فَأَصْبَحُوا فِي دِيَارِهِمْ جَنِينًا ۝ ۷۷

(«Фа асбахуу фий дийаариҳим жаасимийн». Худ сураси, 67 ва 94-оятлар).

وَيَقْتُلُونَ النَّبِيَّاتِ بِغَيْرِ الْحَقِّ ۝

(«Ва яқтулуунан набийийина биғойрил ҳаққ». Бақара сураси, 61-оят),

وَيَقْتُلُونَ الْأَنْبِيَاءَ بِغَيْرِ حَقِّ ۝

(«Ва яқтулуунал амбийаа'а биғойри ҳаққ». Оли Имрон сураси, 112-оят).

Қуръон ёдламоқчи бўлган талаба ушбу ўхшаш жойларга етганида ҳайрон бўлади ва уларни бир-бирига чалкаштириб юборади. Ушбу қийинчиликни енгиб ўтишнинг энг яхши йўли, албатта, ўша оятлар фарқини солиштириб, тартибга келтиргандан кейин қайта-қайта такрорлашга киришишдир, чунки улар ҳифзини назорат қилиш ёдлашни бошлаш ва такрорлаш асносида унга эътибор бериш билан бўлади. Бу эса ҳифздаги чалкашликни кетказадиган йўлдир<sup>109</sup>.

**Ўн еттинчи қоида: юз марта такрорлаш билан хатони тузатиш.** Агар хато қилинган жойлар аниқланса, улар тўғриланиб, олдинги ва кейинги калималарни қўшиб, юз марта такрорланади. Шундай қилинса, ўша жойларда умр давомида бошқа хатога йўл қўйилмайди. Бунга эътиборсиз бўлманг! Чунки такрорлаш мукамаллик бобида асосий омилдир, ҳатто у зехндан ҳам муҳимроқдир. Қайта-қайта такрорламасдан туриб, Қуръонни мукамал ёд олиш мутлақо мумкин эмас.

Юз марта такрорлаш билан хатони тўғрилашнинг кўриниши: Мисол учун, қори Бақара сурасининг 58-оятида хато қилиб,

وَإِذْ قُلْنَا ادْخُلُوا هَذِهِ الْقَرْيَةَ فَكُلُوا مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ

(«Ва из қулнадхулуу ҳаазиҳил қорята факулув минҳаа ҳайсу шиътум») жумласидаги فَكُلُوا «факулуу»ни وَكُلُوا «вакулуу» дея «вов» билан ўқиди. Бу хатони тузатиш учун ушбу лафзни ўзидан олдинги икки ва ўзидан кейинги уч калима билан боғлаб, такрор қилади. Шунда қуйидагича:

هَذِهِ الْقَرْيَةَ فَكُلُوا مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ

(«ҳаазиҳил қорйата факулуу минҳаа ҳайсу шиътум»)

هَذِهِ الْقَرْيَةَ فَكُلُوا مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ

<sup>109</sup> Ушбу мавзу ниҳоятда аҳамиятли бўлгани учун қўлланмамизда унга оид бир боб ажратилди. «Муташоҳих оятлар» деб номланган бу бобда бир-бирига ўхшаш оятларни жамлашдаги асосий маълумотлар ва ишора-белгилар хусусида сўз юритилади (саккизинчи бобга қаралсин).

## هَذِهِ الْقَرْيَةَ فَكُلُوا مِنْهَا حَيْثُ شِئْتُمْ

кўринишида юз мартага етгунча такрор-такрор қайтаради. Бошқа ҳолатлар ҳам худди шу тарзда тузатилади.

**Ўн саккизинчи қоида:** ёдлаш амалиётидаги атамалар билан танишиш.

1- *الدرسية* (дарсия): Кунлик ёдланаётган дарснинг тўрт кунлиги.

2- *المراجعة* (муружаъа) – такрорлаш: Дарсдан ташқари ёдланган жойлардан ҳар куни бошқа кишига ўқиб бериладиган маълум бир миқдор номи.

3- *ورد التلاوة* (тунги шахсий тиловат вазифаси – вирди): Ҳар куни ёдланганлардан маълум бир миқдорини кечанинг тунги қисмида ёддан ўқишни белгилаб қўйиш (шахсий вазифа).

**Ўн тўққизинчи қоида:** ёдлаш учун муносиб вақтни танлаб, ўзгармас, собит вақтни белгилаб олиш.

1. Қуръонни ёдлаш учун аниқ ва доимий бир вақтни белгилаш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун аввал бошдан бу тартибга бепарво бўлмай, каттиқ риоя қилиш лозим. Энг аввало, маълум бир вақтни аниқлаштириб қўйиш, уни ўзгартирмаслик керак, зеро, кунлар ўтиши билан қори ва ўша белгиланган вақт орасида зеҳни уйғотишга, фикрни йўналтиришга таъсир этувчи муносабат пайдо бўлади. Натижада эса, ёдлаш жараёни тезлашади. Агар қори ўз шароитига кўра турли кунларда, ҳар хил вақтларда ёдласа, бунинг акси бўлиб, хотирани бир мақсадга йўналтириш заифлашади ва зеҳннинг қуввати сусаяди.

2. Эрта тонг дарс ёдланадиган вақтларнинг энг афзали экани аниқланган. Яна шомдан хуфтонгача бўлган палла, бомдод намозидан олдинги саҳар пайти ҳам ёдлаш учун ниҳоятда яхши вақт ҳисобланади.

3. Тажрибалар асносида саҳар пайти ва бомдоддан кейинги вақт ҳам ёдлаш амалиёти учун энг яхши фурсат экани маълум бўлди. Чунки бу чоғда зеҳн мусаффо ва жасад хотир-жам бўлади.

4. Хатиб Бағдодий: «Шуни билингки, албатта, ёдлаш учун бир нечта вақт бор, ёдлашни хоҳлаган киши уларга риоя

қилиши лозим бўлади», деб, саҳар пайтини зикр қилиб ўтдилар.

5. Олимларнинг баъзисидан: “Илмни қандай топдингиз?” деб сўралганда, бирлари: “Чироқ ёқиб, (китоб ўқиб) тонггача ўтириш билан”, яна бирлари эса: “(Илм излаб) сафар қилиш, бедорлик ва барвақт туриш билан”, дедилар.

6. Исмоил ибн Абу Увайс айтадилар: “Бирор нарсани ёдлашни хоҳласангиз, ухланг, сўнг саҳар чоғида туринг-да, ёдланг ва уни назорат қилинг. Зеро, Аллоҳ хоҳласа, кейинчалик уни эсдан чиқармайсиз».

**Йигирманчи қоида: тақво қилиш ва маъсиятлардан четланиш.**

1. Албатта, Қуръон Аллоҳнинг каломи ва нуридир. Гуноҳлар эса зулматдир. Зеро, нур ва зулмат жамланиши мумкин бўлмаганидек, Қуръон ва гуноҳлар ҳам жамланмайди.

2. Имом Шофиъий айтадилар:

شكوت إلي وكيع سوء حفظي فأرشدني إلى ترك المعاصي  
وأخبرني بأن العلم نور ونور الله لا يهدي لعاصي

«(Устозим) Вакиъга ёдлашим сустигидан шикоят қилган эдим, у менга маъсиятларни тарк қилишга йўл кўрсатди ва хабар бердики, бу илм нурдир, Аллоҳнинг нури осийга ҳидоят бўла олмайди».

3. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Мен илмни хато ўрганиш ва хато ўргатиш уни эсдан чиқаришнинг сабаби деб ҳисоблайман».

4. Суфён ибн Уяйнадан: «Банда ўзига етган гуноҳ сабабли илмдан маҳрум қилинадими?» деб сўралганда, у киши дедилар: «Аллоҳ таолонинг ушбу “Ўз аҳдларини бузганлари сабабли уларни лаънатладик ва қалбларини бешафқат (меҳрсиз) қилиб қўйдик. Сўзларнинг ўринларини ўзгартирадилар, уларга эслатилган нарсадан бир (катта) қисмини унутдилар” (Моидда сураси, 13-оят) деган сўзини эшитмадингизми? У Аллоҳнинг Китоби ва илмнинг энг улуғидир. Бу ўзлари учун улкан насибалар эди, у(ни эсларидан чиқардилар, натижада) ўзларининг зарарига хужжат бўлди».

5. Моликдан: “Ёдлаш учун бирор нарса зарурми?” деб сўралганда, у киши: “Агар бирор нарса зарур бўлса, албатта, у гуноҳни тарк қилишдир”, дедилар.

6. Али ибн Хашрам Вакийъ ибн Жарроҳга: “Мен эси паст одамман, эсимда сақлаб қола олмайман, менга ёдлаш учун бирон-бир давони ўргатинг”, деди. Шунда Вакийъ: “Эй болажоним, Аллоҳга қасамки, ёдлаш учун гуноҳни тарк қилишдек давони топмадим”, дедилар.

**Йигирма биринчи қоида: такрорлаш ёдлашнинг асосидир. Қанчалик кўп такрорланса, хотирада шунчалик мустаҳкамланади.**

1. Оятларни ёдлашда биргина зеҳнга суянмай, балки асосий пойдевор бўлмиш такрорлашга катта эътибор бериш лозим. Гарчи зеҳн гоҳида маънодан чалғиса-да, бу такрорлаш тил ўқишда эркин бўлгунича давом этади.

2. Қайси нарсани ёдлаш зарур бўлса, унинг такрори кўп бўлсин. Чунки ўртача зеҳнга эга талаба бир оятни 3 мартадан 10 мартагача такрор қилиш билан ёдлайди. Зеҳни ўткир талаба бир оятни 2 марта ўқигандаёқ ёдлаб олади. Зеҳни пастроқ киши эса 10 мартадан 50 мартагача такрор қилиш билан ёдлайди.

**Йигирма иккинчи қоида: нафл намозларда ёддан ўқиш, нафл ва таровиқ намозларида Мусҳафга қараб ўқиш жоиз эмаслигига эътиқод қилиш.** Албатта, нафл ва таровиқ намозларида Қуръонни Мусҳафга қараб ўқиш жоиз эмас, балки, Ханафий мазҳабида бўлганидек, қироатни қалбдан махфий қилиш лозим.

**Йигирма учинчи қоида: вақтни тартибга солиш.** Шароит тақозосига кўра, икки порага етгунча ҳифз машғулоти учун ажратиладиган вақтларни тартибга келтириш лозим. Икки пора ёдланганидан сўнг вақтлар тартиби қуйидагича бўлади:

Пешиндан кейин: ўтган дарсларни такрорлаш;

Асрдан кейин: ўша такрор қилинганни ўқиб бериш;

Шомдан кейин: янги дарсни ёдлаш;

Хуфтондан кейин: ушбу дарсни мукамал қилиш, сўнгра асрдан кейин ўқиб берилган такрорда хатолар бўлса, тўғри-лаш.

Бомдоддан кейин: ўша дарс такрорини ўн беш мартадан элликтага етказиш, сўнгра келгуси белгиланган дарсни тайёрлаш ва ўқиб берганда аниқланган хатоларни тўғри-лаб, яна ўқиб бериш. Кейин одатий вазифа сифатида қуйида белгиланган услубда шахсий тиловатни лозим тутиш. Ушбу тиловатни ниҳоялагандан кейин ундаги хатоларни тўғри-лаш. Сўнгра дам олиш ёки ўзининг иши (машғулоти) билан шуғулланиш.

Айнан шу низом бўлиши шарт эмас, лекин узоқ ўйлаб, обдон мулоҳаза қилгандан кейин бир низомни қабул қилсангиз (бир қарорга келсангиз), кейин ҳеч қачон уни ўзгартирманг. Шунга таъкидлаш лозимки, вақтни тартибга солиш ва ушбу тартибга амал қилиш аввалига қийин кечади. Лекин унга мунтазам риоя қилиш билан осонликка эришилади. Тартиб-қоидалар алмаштирилиб, ўзгартирилаверса, ўйинга айланиб қолади. Агар Қуръон «қочса», унинг ҳифзига қандай қилиб эришилади?

**Йигирма тўртинчи қоида: ўтириш ҳолати.** Мукаммал (қалби, бадани ва либоси) пок бўлиши, хушуъ, хузуъ ва виқор билан қиблага юзланиб ўтириш Қуръони каримнинг ҳифзи осон бўлишига ёрдам берувчи омиллардандир.

**Йигирма бешинчи қоида: Қуръонни ёдлаётган вақтда овозни кўтариб, жаҳрий қироат қилиш.**

1. Ҳар қандай нарсани ёдлашда овозни кўтариб такрор қилиш яхши самара беради, хусусан, Қуръон ёдлашда ҳам. Чунки қулоқ орқали эшитилган нарса кўз билан кўрилган нарсадан кўра қалбга тезроқ ўрнашади.

2. Зубайр ибн Баккор айтади: «Убай менинг олдимга кирганида, мен бир дафтарга қараб, овоз чиқармай, ўзимча ўқиб ўтирган эдим. Шунда менга: «Бу (ўқиётган) ривоятингни кўзинг қалбингга етказа олмайди. Агар уни (тушунишни) хоҳласанг, унга қараб, овозингни чиқар, чунки (жаҳрий ўқишда) кўзинг қалбингга етказган нарса билан эшитишинг қалбингга етказган нарса мужассам бўлади».

3. Абу Ҳилол Аскарый айтади: «Ўқувчи дарс қилаётганида овозини ўзи эшитгунича кўтариши лозим бўлади. Чунки қулоқ эшитган нарсасини қалбга жойлайди, шунинг учун ин-

сон ўқиганидан кўра эшитганини кўпроқ ёдда тутлади. Агар берилаётган дарс фасоҳат йўлини кенгайтириш (очиқ бериш) дан иборат бўлиб, сабоқ берувчи буни овозини кўтарган ҳолда қилса, унинг фасоҳати зиёда бўлади».

**Йигирма олтинчи қоида: тартибли силсила ва гарчи оз бўлса-да, дарсни узмасдан, давомли тайёрлаб бориш.**

1. Бирор кун, ҳатто қаттиқ бетоб бўлганда ҳам, ота-онаси ёки фарзанди вафот этган кунда ҳам ёдлаш амалиётини тўхтатмаслик Қуръони карим ҳифзидаги муваффақият асосидир. Чунки Қуръон ёдланмаган бир кун ўтган бир неча куннинг баракасини кетказди. Фақат баъзи расмий кунларни мустасно қилиш мумкин. Масалан: жаноза, касаллик, байрам кунлари...

2. Ўзи учун кунлик белгилаб олинган, тиришқоқлик, сабр ва матонатга асосланган доимий, узлуксиз суратдаги ёдлаш амалиётини лозим тутиш Қуръони карим ҳифзидаги муҳим қоидалардандир. Унинг кетма-кетлигини ҳеч қачон узманг!

3. «Аллоҳга амалларнинг маҳбуброғи, гарчи оз бўлса-да, давомли бўлгандир» (Бухорий ва Муслим ривояти).

4. Хотира аъзолар фаолиятининг энг муҳим ҳосиласидир. Агар унинг амалиёти ва ёдлаш машқи кўп бўлса, бу борадаги қобилияти ва ўзлаштириши ҳам зиёда бўлади. Агар бепарво бўлиниб, ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ҳифзи ва ўзлаштириши камаяди.

**Йигирма еттинчи қоида: кундалик янги дарсни белгиланган услубда Фотиҳа сураси каби мустаҳкам ёдлаш.** Дарс, яъни олдин ёдланган нарса Қуръоннинг ҳаммасини ёдлашга пойдевор бўлади. Заиф пойдевор устига барпо қилинган "ўттиз поралик бино" ҳам омонат бўлишига шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун кундалик вазифани худди Фотиҳа сурасидек пухта ва мукамал ёдлаш лозим. Акс ҳолда, айнан биргина мустаҳкам тайёрланмаган дарс сабабли Аллоҳ каломининг бошқа жузлари ҳифзида ҳам мукамалликка эришиб бўлмайди. Яъни, умрнинг ўтаётган ҳар бир дақиқаси ҳифзнинг заифлашиб кетишига сабаб бўлади ва кейинги дарсларни пухта қилиш имконияти камайиб бораверади.



**Йигирма саккизинчи қоида: Махфий ва ошкора ҳолда Аллоҳ таолодан қўрқиш.** Албатта, хилватнинг сиймоси юзда кўриниб туради. Қанчадан-қанча мўминлар Аллоҳга имон келтириб, хилватда Унга эҳтиром кўрсатиб, азобидан қўрққан, савобидан умид қилиб, Уни улуғлаган ҳолда ўзлари хоҳлаган нарсани тарк этишади. Бу билан гўё ҳиндий шох(исирик)ни манқалдон(идиш)га солиб тутатадилар, натижада, атрофга унинг ҳиди таралади. Халойиқ уни ҳидлайди-ю, лекин бу ҳид қаердан келаётганини билмайди. Кишилар қалбида ўша шахсга нисбатан ҳурмат пайдо бўлади, уни мақтайдилар, ваҳоланки, ўзини танимайдилар. Аксинча, халқ ҳурматини ҳис қилиб, ёлғизликда Аллоҳ ҳурматини қилмаса, гуноҳга йўлиққан вақтида ёмон ҳид таратиб, қалбларда жирканиш туйғусини уйғотади. Эҳтимол, гуноҳ билан холи қолувчи дунё ва охират ҳаётида бахтсизлик ботқоғига ботишининг сабаби ҳам шудир. Абу Дардо айтади: «Албатта, банда Аллоҳнинг маъсияти билан ёлғиз қолган вақтда, Аллоҳ ўз нафратини мўминлар қалбига (улар) сезмаган ҳолда йўлиқтириб қўяди».

**Йигирма тўққизинчи қоида: Куръон ёдлаш дуосини эсдан чиқармай, такрорлаб туриш.** Жума куни кечасининг охирги учдан бир қисмида тўрт ракат намоз ўқиблиб, зам сурага биринчи ракатда Ёсин, иккинчи ракатда Духон, учинчи ракатда Сажда, тўртинчи ракатда Мулк сураси тиловат қилинади. Сўнгра ташаххуддан кейин Набийга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳамд ва салавот айтиб бўлгач, намоздаги ҳолатда қуйидаги Куръон ёдлаш дуоси ўқилади:

اللهم ارحمني بترك المعاصي ابدأ ما أبقيتني، وارحمي أن أتكلف ما لا يعينني، وارزقني  
 حسن النظر فيما يرضيك عني، اللهم بديع السماوات والأرض، ذا الجلال والإكرام  
 والعزة التي لا ترام، أسألك يا الله يا رحمن بجلالك ونور وجهك أن تلزم قلبي حفظ  
 كتابك كما علمتني، وارزقني أن أتلوه على النحو الذي يرضيك عني، اللهم بديع  
 السماوات والأرض ذا الجلال والإكرام والعزة التي لا ترام، أسألك يا الله يا رحمن

بجلالك ونور وجهك، أن تنور بكتابك بصري، وأن تطلق به لساني، وأن تفرج به  
عن قلبي، وأن تشرح به صدري، وأن تغسل به بدني، فإنه لا يعينني على الحق  
غيرك ولا يؤتيه إلا أنت، ولا حول ولا قوة إلا بالله العلي العظيم

«Аллоҳуммарҳамний битаркил маъаасий абадаммаа абқойтаний, варҳамний ан атакаллафа ма ла яънийний, варзукний ҳуснанназари фийма юрзийка анний, аллоҳумма бадиъассамавати вал-арз залжалали вал-икром вал-иззатиллатий лаа туром, асълука я Аллоҳу я Роҳману бижалалика ва нури важҳика ан тулзима қолбий ҳифзо китабика кама алламтаний, варзукний ан атлуваҳу аланнаҳвиллазий юрзийка анний, аллоҳумма бадиъассамавати вал-арз залжалали вал-икром вал- иззатиллатий лаа туром, асълука я Аллоҳу я Роҳману бижалалика ва нури важҳика ан тунавви-ро бикитаабика басорий ва ан тутлиқо биҳи лисаний ва ан туфаррижа биҳи ан қолбий ва ан ташроҳа биҳи содрий ва ан тағсила биҳи баданий фаиннаҳу лаа юъийнуний алалҳаққи ғойрука ва лаа юътийҳи иллаа анта ва лаа ҳавла ва лаа қувва-та илла биллаҳилъалийийил-азийм».

Дуонинг маъноси: «Ё Аллоҳ! Токи тирик эканман, менга маъсиятларни доимо тарк этишим ила раҳм қилгин, ўзимга бефойда бўлган нарсага уринмаслик ила раҳм қилгин, Сени рози қиладиган нарсага мени муваффақ этгин. Аллоҳим! Эй осмонлару ерни йўқдан бор қилган Зот! Эй Улуғлик, Икром ва мислсиз Иззат соҳиби! Эй Аллоҳ! Эй Раҳмон! Улуғлигинг ва Юзингнинг нури ила сўрайман! Китобингни ўзинг менга ўргатганингдек ёд олишни қалбимга лозим қилгин! Уни Сен рози бўладиган тарзда тиловат қилишга муваффақ этгин. Аллоҳим! Эй осмонлару ерни йўқдан бор қилган Зот! Эй Улуғлик, Икром ва мислсиз Иззат соҳиби! Эй Аллоҳ! Эй Раҳмон! Улуғлигинг ила, Юзингнинг нури ила сўрайман! Китобинг ила кўзимни мунаввар қилгин. У билан тилимни бурро этгин. У билан қалбимни очгин. У билан кўксимни кенгайтиргин. У ила баданимни поклагин. Зеро, ҳақ узра менга Сендан ўзга ёрдам бера олмас. Уни Сендан ўзга бера олмас. Куч ҳам, қувват ҳам фақатгина Аллоҳникидир».

**Ўттизинчи қоида:** аниқлаб олинган хато ўринларда умр давомида яна хато қилиш эҳтимоли эшигини ёпиш. Бу Қуръони карим ҳифзини мукаммал ва пухта адо этиш сиридир. Агар қори устозга ўқиб бериш жараёнида хато деб белгиланган, ўзгарган ўринларда тўғрилаш эшигини очса, доимо ушбу хатоларни тўғрилаб, камоли эътибор билан қалб ҳозирлигию диққатнинг энг юқори чўққисида ўқиши лозим. Ушбу хатоларни тўғрилаш учун эса юз марталаб қайта-қайта такрор қилиш лозим, токи умри давомида ўша ўринларда бошқа хато қилмасин. Ишонсинки, бу билан Қуръон ҳифзи худди Фотиҳа сурасини ёдлагани каби мукаммал бўлиши учун мустаҳкам пойдевор тошини қўйибди.

**Ўттиз биринчи қоида:** куннинг камида саккиз соатни ёд олишга сарфлаш. Қуръони каримни ёд олишга тааллуқли ишларга қанчалик кўп вақт сарфласангиз, самара ҳам шунчалик яхши ва кучли бўлиб бораверади. Шунинг учун бу савобли ишга бағишланадиган вақтни асло саккиз соатдан камайтирмаганингиз маъқул. Акс ҳолда, ёд олишда олий мартабаларга эриша олмайсиз.

**Ўттиз иккинчи қоида:** ҳайз кўрган аёл мурожаъа (такрорлаш)ни эшитиш, кўриш ва қалбдан ўтказиш воситаси ила бажариши. Агар аёл киши ҳайз ҳолатида бўлса, Қуръонни эсидан чиқармаслик учун кўп эшитиши лозим. Шу аснода оятларни қалби ила қайтариб туриши мумкин. Шунингдек, Мусҳафни ушламасдан ёки талаффуз қилмасдан, кузатиши жоиз бўлади.

**Ўттиз учинчи қоида:** ёд олиш жараёнида устозни алмаштирмаслик. Ёд олиш жараёни бошидан охиригача битта устоз бошчилигида давом этиши Қуръони каримни ёд олишда муҳим ва эътиборли талаблардан биридир. Бунинг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Бирини шуки, ушбу ҳолатда устоз ва талаба ўртасида ўзаро инсоний муносабат ва муборак руҳий алоқа пайдо бўлади. Натижада, икки томон бир-биридаги ахлоқ ва одатларни чуқур ҳис қила бошлайди. Бундан ташқари, талабада ёд олиш осонлашади, шу йўсинда ўзаро меҳр-шафқат уйғониши билан устоз ўқувчининг

Қуръони каримни тез ва комил суратда ёд олишига ёрдам берувчи омил бўлади.

**Ўттиз тўртинчи қоида:** Аллоҳ таолонинг Китобига амал қилиш. 1. Умар ибн Хаттоб дедилар: «Сизларни Қуръон ўқиётган одам алдаб қўймасин. У гапириладиган калом, холос. Лекин унга амал қилаётган инсонга қаранг» (*“Интизоул илм ал-амал”, 198-бет*).

2. «Ғийбат амалсиз қорилар мевасидир». (*Мулло Али Қорий, “Шотибия”нинг шарҳи, 26-бет*).

3. «Ушбу уммат мунофиқларининг аксари қорилардир». (Аҳмад ибн Ҳанбал “Муснад”да, Табароний “Ал-Кабийр”да, Байҳақий “Аш-Шуъаб”да Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан (розиаллоҳу анҳу) ривоят қилганлар).

4. Пайғамбарга (алайҳиссалом) қабрда азобланаётганлар кўрсатилди. Улар орасида ёнбошига ётқизиб қўйилган кишининг тепасида бошқа бир киши қўлида тош билан туриб, ётганнинг бошига уриб, мажақлаётганини кўрдилар. Тош унинг бошини мажақлаб, четга отилиб кетарди. Турган киши тошни қайта олиб келгунича ётганнинг боши ўз ҳолига қайтарди. Узлуксиз шундай давом этаётганини кўрган Аллоҳнинг Расули бу ҳақда сўрадилар. (Фаришталар) айтишдики: «Бу кишига Аллоҳ Қуръонни берган эди (яъни, у Қуръонни ўқиган, ёд олган қорилардан эди). Аммо кечалари Қуръон ўқимай ухларди. Кундузлари Қуръонга амал қилмас эди. Бундай азоб унга қиёмат кунига қадар берилади» (*Аҳмад ибн Ҳанбал «Муснад»да Самурадан ривоят қилганлар*).

5. Ҳасан (розиаллоҳу анҳу) айтганлар: «Улардан (қорилардан) бири: “Қуръонни бирор ҳарфини туширмасдан ўқиб чиқдим”, деди. Аллоҳга қасамки, у Қуръондан ҳеч нарса ўқимаган одам кабидир. Чунки унинг хулқида ҳам, амалида ҳам Қуръондан аломат кўрмайсан. Баъзилари эса: “Мен бир сурани бир нафасда ўқий оламан”, дейди. Аллоҳга қасамки, улар қори ҳам, ҳаким ҳам, тақво эгаси ҳам эмасдирлар. Аллоҳ одамлардан уларга ўхшашларини кўпайтирмагай!» (*“Қуръон ҳомиллари–кўтарувчиларининг ахлоқлари” китоби, 160-бет*).

6. Ибн Жавзий айтадилар: «Аллоҳга муҳаббат билганига амал қилишда намоён бўлади. Чунки бу энг буюк қоида

ҳисобланади. Ҳақиқий мискин (яъни, ҳеч нарчасиз киши) умрини илмга бағишлаб, илмига амал қилмаган кишидир. У дунё лаззатларини ҳам, охираат яхшиликларини ҳам қўлдан бой бергандир» (*“Сайдул Хотир” китоби, 281-бет*).

7. Ҳасан (розияллоҳу анху) айтганлар: «Қайси киши нафсини ва қилаётган ишларини Аллоҳнинг Китоби(Қуръон)-га таққослаб, Китобга тўғри келганида, Аллоҳга ҳамду санолар айтса ва зиёдалиқ сўраса, тўғри келмаганида, ўзини койиса ва дарҳол нотўғри ишларидан қайтса, Аллоҳ таоло уни раҳматига олсин!» (*«Қуръон ҳомилларининг ахлоқлари» китоби, 115-бет*).

8. Ҳузайфа ибн Иёз айтадилар: «Қуръонни билган киши одамлардан бирортасига ҳожатманд бўлмаслиги, балки унга одамларнинг ҳожати тушмоғи керак» (*“Қуръон ҳомилларининг ахлоқлари” китоби, 179-бет*).

9. Ҳасан (розияллоҳу анху) айтганлар: «Қорилар уч синфдан иборат:

Биринчи синф – Қуръонни тирикчилик воситаси қилиб олганлар.

Иккинчи синф – Қуръон ҳарфларини ўз ўрнига қўйиб ўқийдилар, аммо ундаги қоидаларга эътибор бермай, зое қиладилар. Қуръон ўқиётганлари билан юртдошларига кериладилар, мансабдагиларга ўзларини кўрсатмоқчи бўладилар. Одамлар орасида ушбу тоифа қорилар кўпайиб кетган, Аллоҳ уларга инсоф берсин.

Учинчи синф қорилар – Қуръон шифо эканига таянадилар. (Уни) қалбларидаги қасамларига, (хулқларидаги иллатларга) даво қиладилар, хатто товушлари бурунларидан чиқиб кетади. Ўқиганларидан Яратганга бўлган қўрқувлари ортади. Маҳзунлик матосига ўранадилар. Мана шу қорилар туфайли Аллоҳ ёмғирларни ёғдиради. Улар шарофатидан душманларни даф қилади. Аллоҳга қасамки, Қуръонни билган бу тоифа инсонлар қизил кибритдан (ўрта аср кимёгарлари фикрича, кибрит – ҳар қандай металлни олтинга айлантириш хусусиятига эга қимматбаҳо маъдан) азизроқдирлар» (*Абу Убай Қосим ибн Саломнинг “Ҳазрати Қуръон” китоби, 60-бет*).

10. Абу Убайд Қосим ибн Саллом “Фазоилул Қуръон” китобида Абдуллоҳ ибн Аббос, Мужоҳид, Икрималардан ривоят қилиб: **«Улар у (Қуръон)ни ҳақиқий тиловат қилиш билан тиловат қилурлар...»** (*Бақара сураси, 121*) оятининг тафсирида: «Яъни, унга ҳақиқий эргашишда эргашадилар», деганлар.

11. Абу Абдурахмон Сулабий айтадилар: «Бизга Қуръонни ўқитган Усмон ибн Аффон, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва бошқа устозларимиз гапириб беришарди. Улар Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўнта оятни ўрганишарди. Шу оятлардаги илмни ўрганиб, амал қилмагунларича бошқа оятларга ўтишмас эди. «Биз илмни ҳамда амални шу хилда ўрганганимиз», дейишарди (*“Нузхатул фуқоҳо”, 1-жуз, 383-бет*).

12. «Ёд олингани эмас, балки манфаат бергани илмдир». (*Имом Шофий, раҳматуллоҳи алайҳ*).

13. «Биз ҳадисни амал қилиш билан ёдлардик» (*Исмоил ибн Иброҳим ибн Мужаммаъ ибн Жория*).

14. «Одамларнинг энг жоҳили билгани (га амал қилмай, у) ни тарқ қилганидир, одамлар орасида энг илмлиси билганига амал қилганидир, уларнинг энг афзали Аллоҳдан қўрқувчироғидир» (*Суфён ибн Уяйна*).

15. «Олим киши билганига амал қилмагунича жоҳиллигича қолаверади. Қачон амал қилсагина, у олимдир» (*Фузайл ибн Йез*).

16. Шаъбийга: «Эй олим!» дейишди. Шаъбий эса: «Мен олим эмасман, олим деб Аллоҳдан қўрққанларни айтишарди», деб Аллоҳ таолонинг ушбу оятини тиловат қилдилар: **«Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларигина қўрқарлар!»** (*Фотир сураси, 28-оят*).

17. «Қиёмат куни токи бандадан тўрт нарса ҳақида сўралмагунича унинг қадами ердан узилмайди: 1. Берилган умрни қандай сарфлагани; 2. Илмига қандай амал қилгани; 3. Мол-дунёсини қаердан топгани ва қаерга ишлатгани; 4. Тану жисми билан нималар қилгани ҳақида сўралади» (*Абу Барза Аслабийдан Термизий ва Доримий ривоятлари*).

18. «Банда илмни амал қилиш учун ўрганса, илми уни тавозеликка ундайди, аммо бошқа мақсадда ўрганса, ун-

даги фахрланиш ва манмансирашни зиёда қилади, холос». (Молик ибн Динор).

19. «Илми амал билан бирга чақиргин. Агар қабул қилса, яхши, бўлмаса жўнаб кетавер» (Али ибн Абу Толиб).

20. «Ким билганига амал қилса, Аллоҳ унга билмаганини билдириб қўяди» (Баъзи уламолар).

21. Аллоҳ таоло бундай деган: **«Аллоҳдан кўрқингиз! Аллоҳ сизларга шундай таълим беради. Аллоҳ ҳамма нарсани билувчидир»** (Бақара сураси, 282-оят).

22. Албатта, ҳар нарсанинг закоти бўлади. Илмининг закоти унга амал қилишдир. Қачон закотини адо қилсанг, унга барака берилиб, манфаат ҳосил бўлади. Агар закотини адо қилмасанг, унинг баракаси ўчирилади («Ал-Калимат ал-Ҳиссан» китобидан).

23. «Эй ёшлар жамоаси! Амал қилинглар. Албатта, амал қилиш ёшлиқдадир» (Ҳафса бинти Сийрин).

24. «Эй Қуръон аҳли! Билганларингизга амал қилинг. Аллоҳга қасамки, агар билганларингизга амал қилсангиз, сизлардан кўра афзал бирор киши бўлмайди» (Умар ибн Хаттоб).

25. Имом Шофиъий (раҳматуллоҳи алайҳ) илм олиш учун имом Молик (раҳматуллоҳи алайҳ) олдиларида ўтирганларида, Имом Молик (раҳматуллоҳи алайҳ) у кишининг ниҳоятда зийраклиги, заковати ўткирлиги ва тушунчаси мукамаллигидан ҳайратга тушиб, шундай дедилар: «Албатта, Аллоҳ сенинг қалбингни нур билан равшан қилганини кўрдим, уни гуноҳлар зулмати билан ўчириб қўймагин».

**Ўттиз бешинчи қоида: Қуръонни ёдлаш осон, айти пайтда у тез «қочиб кетувчи» эканини унутмаслик.** Қуръон бошқа китоб ва сўзлардан мутлақо фарқ қилади. Уни эгаллаш қийин, бироқ уни ёдлашга киришган ва доимий назорат қилиб турган кишига ёдлаш осондир. Айти пайтда такрор ва мурожаъа қилишга эътиборсиз бўлган кишининг қалби ва зеҳндан кетиб қолиши тездир. Аллоҳ таоло: **«Шубҳасиз, у азиз Китобдир»** деган (Фуссилат сураси, 41-оят).

Абу Мусо Ашъарийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда: «Бу Қуръонга вафо қилинг, Муҳаммаднинг жони

Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, у тушовидан бўшалган туядан ҳам қаттиқ қочувчи нарсадир», дейилган.

**Ўттиз олтинчи қоида: Ҳар кеча Бақара сурасининг ўнта оятини қироат қилиш.** Ким ҳар кеча ухлашидан олдин Бақара сурасидан ўн оятни, яъни аввалидан тўрт оят, Оятул курсий, ундан кейинги икки оят ҳамда «Лиллааҳи маа фис самаваати» оятини охиригача ўқиса, Қуръонни унутмайди<sup>110</sup>.

**Ўттиз еттинчи қоида: кундузги вирд (вазифа)ларни тунда таҳажжуд намозида ўқиш.** Қуръон соҳиби уни кеча ва кундуз ўқиб, такрор қилиб турса, ёдидан чиқиб кетмайди. Акс ҳолда унутиб қўяди<sup>111</sup>.

**Ўттиз саккизинчи қоида: беш вақт фарз намозларини биринчи такбирга етишиш билан масжидда жамоат бўлиб ўқишни тарк қилмаслик.** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида икки киши бор эди. Улардан бири савдогар бўлиб, намозга азон эшитиши билан қўлида ушлаб турган тарозисини ташлар ва ҳеч нарса тортмас, агар у ерда бўлса, қўлига олмас эди. Иккинчиси темирчи бўлиб, тижорат учун қилич ясарди. У ҳам азонни эшитиб қолса, сандон устида турган болғасини шу бўйича жойида қолдирар ва агар у қўлида, уриш учун кўтарилган бўлса, орқасига қайтариб, масжидга чиқар эди.

Адий ибн Ҳотим айтадилар: «Мусулмон бўлганимдан буён намозга такбир айтилган пайтда таҳоратсиз бўлмадим».

Робиъа ибн Зайд айтади: «Қирқ йилдан буён муаззин пешинга азон айтган вақтда мен масжидда бўлдим. Фақат касаллик ва мусофирлик ҳолатим бундан мустасно».

Суфён ибн Уяйна азондан олдин намозга боришга қизиқтириб, айтар эди: «Чақирилмагунча бормайдиган ёмонлик қули бўлмагин. Намозга азондан олдин боргин».

Уйлари масжидга яқин бўлган Омир ибн Абдуллоҳ вафоти чоғида муаззиннинг азонини эшитиб қолиб: «Қўлимдан ушланглар», деди. Унга: «Сиз касалсиз», дейилди. Шунда у: «Аллоҳнинг чақирувчисини эшитиб, унга ижобат қилмай-

<sup>110</sup> Имом Доримий ўзларининг муснадларида Шаъбийдан, у Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоҳу анху) ривоят қилганлар.

<sup>111</sup> Имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анху) марфуъ ҳолда ривоят қилганлар.



манми?» деди. Уни қўлидан ушлаб, шом намозига олиб бо-ришди. Имом билан бир ракат намоз ўқиб, вафот этди.

Али ибн Шаддод йигирма беш йил давомида таҳрима такбирига етиб, жамоат билан намоз ўқиди. Бир куни онаси вафот этиб, жаноза ишлари билан машғул бўлиб, жамоатни ўтказиб юборди. Бунга қаттиқ афсус чекиб, йигирма тўрт ракат нафл намоз ўқиди. Шунда бир киши тушига кириб: «Жамоат (намози) ўрнига нафлларни ўқидинг. Лекин таҳри-ма такбирининг савобини қўлга киритмадинг», деди.

Вакиъ ибн Жарроҳ айтади: «Аъмаш етмиш ёшга яқин-лашганда ҳам таҳрима такбирини ўтказиб юбормас эди».

Мўмин киши намозни қоим қилишда тиришқоқ бўлиши вожиб. Зеро, намозни қоим қилишда дангасаликка берилиш мунофиқлар ишидандир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Албатта, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўлурлар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдовчи»дир. Улар агар намоз-га турсалар, дангасалик билан, одамлар кўрсин учун ту-рурлар ва Аллоҳни камдан-кам зикр қилурлар» (*Нисо су-раси, 142-оят*).

**Ўттиз тўққизинчи қоида:** кунлик шахсий тиловат вирди(вазифаси)да бардавом бўлиш. Қуръондан ёдланган қисмнинг барча хатоларини тўғрилаб, ёддан юз мартаба ўқиб юришни кундалик шахсий вазифа қилиб олиш лозим. Шунда Аллоҳ муваффақ этиб, ёрдам беради ва Қуръонни ёдлашни осон, баракотли қилади, худди тоғларни ерда мустаҳкам, со-бит этганидек, Қуръонни қалбда собит қилиб қўяди.

**Қирқинчи қоида:** ёдлаш амалиётида ва овозни гўзал-лаштиришда ёрдам берадиган неъматларни истеъмол қилиш. Зухрий айтадилар: «Асални қанда қилма. Албатта, у ҳифзни яхшилайти».

Чой ўрнига ялпиз қайнатиб, қора седана ёғидан бир неча томчи томизиб, унга яна бир катта қошиқда тоза асал қў-шиб тонгда ичиш кун бўйи зеҳнга мусаффолик ва жисмга те-тиклик бағишлайди. Ва инсондаги қанд миқдори кўтарилиб кетмайди.

Қора седана ёғини асалга аралаштириб истеъмол қилиш овознинг чиройли бўлишида ва балғамни кетказишда жуда фойдалидир.

Хошимий айтади: «Хар куни оч қоринга йигирма бир дона яхши майиз егин».

Бир киши Али ибн Абу Толибнинг олдига келиб, тез унутиб қўйишини шикоят қилди. Шунда у киши: «Сигир сутини ичиб тур! У юракни ғайратлантириб, паришонхотирликни кетказади», дедилар.

Замзам сувини ичиш жуда фойдали даводир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Замзам суви нима учун ичилган бўлса, ўшангадир», деганлар. Батаҳқиқ, кўплаб салафи солиҳлар турли ниятлар билан ичганлар. Аллоҳ барчаларидан қабул қилган.

Фойдали таомлардан яна бири янги пиширилган балиқдир. Доктор Ҳассон Шамсий Пошшо балиқда мияни озиқлантирадиган витаминлар борлигини айтганлар.

Оз ейиш. Албатта, кўп ейиш ва овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ҳаракат қилмаслик хотиранинг заифлашуви ва тафаккурнинг бўшашишига олиб келади. Зеҳни ўткир ва хотираси мустаҳкам бўлишини хоҳловчилар бунга ниҳоятда эътибор беришлари лозим. Қадимда устозларнинг «Очофатлик зийракликни кетказади» деган гапларини эшитганмиз.

Таниқли уламолардан ҳеч бири кўп таомланишни мақтов сифати ўлароқ ишлатмаган. Кўп ейиш иш учун ҳозирлаб қўйилган ақлсиз ҳайвонларга муносиб мақталадиган сифатдир.

«Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оиласи то вафотларигача икки кун кетма-кет тўйиб арпа нон емаган». Бошқа бир ривоятда «Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оиласи Мадинага келганидан буён то вафотларигача уч кун кетма-кет буғдойли таом емаган» (*Бухорий ва Муслим Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилганлар*).

Кам овқатланиш қалб юмшаши, фаҳм кучайиши, нафс синиши ва ғазаб босилишига олиб келади. Кўп овқатланиш эса, мана шуларнинг барчаси зиддига сабаб бўлади.

«Дарҳақиқат, агар нафс оч қолса, қалб софланиб, юмшайди. Агар тўйиб, қонса, қалб кўр бўлади» (*Абу Сулаймон Дороний*).

Хатиб Бағдодий айтадилар: «Ёдлаш учун тўқлик вақтидан кўра очлик вақти муносиброқдир. Ёдлаш пайтида қорин очикса, анор сувини сўриш каби узокқа чўзилмайдиган енгил нарсалар билан қоринни алдаб туриш керак».

Ловия мияни қувватлайди. Мия эса ақлнинг бир бўлагидир (*Имом Шофибий*).

«Сирка қандай ҳам яхши нонхўрақдир» (*Ҳадис*). Унинг балғамга қарши кучи ва шаҳватни кесиши собит бўлган. Шундай экан, у ҳифзга катта ёрдам беради.

Оч қоринга қон олдириш (касалликни даволашда) фойдалидир. Унда шифо ва барақа бўлиб, ақл ва ҳифзни оширади.

Имом Бухорийдан сўралди: «Ҳифзга ёрдам берадиган бирор нарса еганмисиз?» У зот: «Бу борада кишининг илмга бўлган очқўзлиги ва бардавомлигидан бошқа нарсани билмайман», дедилар.

Ибн Шихоб олма ейишни ёмон кўрар, «У унуттиради», дер эди. Асал ичар ва «У эслатади», дер эди.

Сигирнинг сути шифо, ёғи дори, гўшти эса дарддир.

«Мен унутиш хавфи борлиги учун кўп гўшт ейишни тарк қиламан» (*Шаъбий*).

«Ҳифз Аллоҳнинг ҳадяси бўлиб, уни бандаларидан хоҳлаганига беради. Гоҳида такрорлаш, амалиёт ва касб қилиш билан ҳам юзага чиқади. Аллоҳ кимни ҳифзга муваффақ қилган бўлса, ейиши унга зарар қилмайди» (*Абу Солиҳ ибн Муҳаммад Бағдодий*).

«Агар ҳифз даво ва даволаниш билан бўлганида эди, подшоҳлар биздан ғолиб бўлиб кетардилар. Лекин бу табиатдир. Аммо ким ҳифз ила яратилган бўлса, егани ҳифзига зарар қилмайди. Ва кимнинг табиатида ҳифз бўлмаса, унга даво ва даволаниш манфаат бермайди» (*Абу Солиҳ ибн Муҳаммад Бағдодий*).

## ОЛТИНЧИ БОБ

### БОШЛАНҒИЧ ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚУРЪОНИ КАРИМНИ УЧ ЙИЛДАН КАМ МУДДАТДА ЁДЛАШНИНГ АМАЛИЙ-ТАТБИҚИЙ ЙЎЛИ

*Қуръони каримни ёдлаш усуллари*

#### БИРИНЧИ НАМУНАВИЙ ДАСТУР

Бу етти босқичдан иборатдир:

Биринчи босқич: Қуръондан кундалик янги дарсни ёдлашда энг мўътабар усул.

Иккинчи босқич: Кундалик дарсни ёдлаш амалиёти учун энг афзал вақтлар.

Учинчи босқич: Хатони юз марта тўғрилаб ўқиш билан дарсни топшириш.

Тўртинчи босқич: Ўтган дарсни тайёрлаш ва топшириш услуби.

Бешинчи босқич: Қуръони каримдан ёдланган жойларни такрорлаш, устозга ўқиб бериш ва меъёр режаси.

Олтинчи босқич: Бир микдорни белгилаб олиш йўли билан шахсий кундалик тиловат қилиш режаси.

Еттинчи босқич: Дарс, дарсия (ўтган дарс), такрорлаш, тунги шахсий тиловат (вирд – вазифаси)ни мисоллар билан амалий татбиқ қилиш.

#### БИРИНЧИ БОСҚИЧ

*Қуръондан кундалик янги дарсни ёдлашда  
энг мўътабар усул*

Талаба аввало, ёдламоқчи бўлган саҳифасини то қироти лаҳн, яъни хатодан холи, тажвидли қироат даражасига етгунга қадар моҳир устозга ўқиб беради. У фақат ўзининг ўқишигагина суяниб қолмаслиги керак. Чунки ўқишнинг ўзи эътиборни олади ва ёдламоқчи кишининг хаёли Мусҳафда бўлиб, қироатидаги хато жойни сезмай қолади. Шунингдек, Қуръонни тажвид билан ўқишидаги хатоларга ҳам эътибор

қаратмайди. Шунинг учун талаба биринчи ўринда ўз қиротини моҳир шайхдан ўтказиши, сўнгра дарсни ёдлашни бошлаши керак. Бу жараён қуйидагича амалга оширилади, талаба:

1. Ёдламоқчи бўлган саҳифасини 10–15 дақиқа давомида тажвидли, тараннумли овозда қироат этади. Шундай қилса, қалбида ёдлашга кучли рағбат туяди.

2. Назарини кўпроқ ўша ёдлаётган саҳифасига қаратади ва натижада кўзи билан кўрган жойи тасаввурига ўрнашиб қолади.

3. Дарс ёдлаётган вақтида бутун диққат-эътиборини жамлайди ва зеҳнини барча чалғитувчи нарсалардан йироқ тутаяди. Сўнгра ўша саҳифадаги биринчи оятни тажвидли, тўғри қироат ва эшитиладиган овозда Мусҳафга қараб 10 марта ўқийди.

4. Кўзларини юмиб, сўзларнинг жойлашувини хаёлидан ўтказиб, Мусҳафга қарамасдан 10 марта ўқийди.

5. Сўнг иккинчи марта Мусҳафга қараб, ўша оятларни тўғри ёдлаганини билиш учун яна такрор ўқийди. Агар мазкур оятни тўғри ёд олганига тўлиқ ишонса ҳам, уни Мусҳафга қараб, яна бир неча марта такрор ўқийди. Шундай қилинса, Аллоҳ таолонинг фазли билан ушбу оятни тўхтовсиз ва иккиланмасдан ўқиш имкониятига эга бўлади ва оят талабанинг зеҳнига худди тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб қолади. Лекин такрорлаш ва қайта ўқиш амалиёти асосида унинг атрофида турли хил юмушлар бажарилмаётган бўлиши, эътиборини тортувчи, эшитиладиган ёки кўриладиган нарсалар, лавҳалар, асбоб-ускуналар бўлмаслиги лозим. Шунингдек, деразадан ташқарига кўп қарамаслиги шарт.

6. Юқорида зикр қилинган тарзда иккинчи оятга ўтади ва биринчи оятнинг охири билан иккинчи оятнинг бошини бир-бирига боғлаш амалиётига риоя қилади. Бу жараён иккинчи оят аввалига биринчи оятнинг охиридан бир ёки икки сўзни қўшиб ўқиш ва уларнинг орасини зудлик ва тўхтовсиз равишда боғлаш билан бўлади. Шу билан бирга, саҳифаларнинг боши ва охирларини бир-бирига боғлашни унутмаслик керак. Масалан: Бақара сурасининг 191-оятини тўлиқ ёдла-

гандан кейин 192-оятни ёдлашга киришганда, 191-оятнинг охиридан учта сўз 192-оятнинг аввалига қўшиб ўқилади. Шу услубда бу икки оят ҳам ўн марта қараб ва ўн марта ёддан ўқилади. Агар 2-оятни юқоридаги услубда ёдласа, биринчи ва иккинчи оятларни то яхши ёд олгунича қўшиб такрорлайди.

7. Сўнгра ўша икки оятни камида ўн марта ўқийди. Ёддан кўтарилган бир сўз ёки оятнинг бир бўлагини ўн марта қараб, яна ўн марта ёддан ўқийди. Ўша икки оятни тўлиқ ва пухта ёд олгач, кейинги, учинчи оятни ёдлашга ўтади.

8. Учинчи оятни ҳам юқорида зикр қилинган услуб ва санокда ёд олганидан кейин бу учала оятни камида ўн марта такрор ўқийди ва бир бетни ҳам шу услубда оятма-оят ёдлашда давом этади. Шундай қилиб, ўша бетдаги барча оятларни саҳифанинг бошидан охиригача қайта-қайта такрор ўқийди.

9. Бир бетни ёд олиш ниҳоясига етганидан кейин саҳифа охиридаги оятни ўн марта, ундан олдинги оятни унга қўшиб, ҳар иккаласини яна ўн марта ўқийди. Бу босқич вазифаси ўша икки оятнинг ҳар бири алоҳида ўн мартадан ўқиб, ёд олинганидан кейин бажарилган ҳисобланади. Ушбу жараён саҳифанинг охиридан бошигача шу зайлда олиб борилади. Шундай қилинса, бетнинг аввали билан охирининг ёдланиши бир хил бўлади. Одатда, ҳар қандай киши саҳифалар бошини яхши ёд олади, чунки иш аввалида кишининг ғайрати кучли ва жўшқин бўлса, охирига келиб, ҳиммат заифлашади ва дангасалик тутади. Шунинг учун ушбу услубни қўллаш билан ҳар бир саҳифани тўла ва бир хил санокда ёдлаш имкониятига эга бўлинади.

10. Агар талаба бир оятни узун деб билса, уни вақфлари, маъносининг тўғрилигига қараб, чиройли, тўғри услублар билан бўлақлар ва бандларга ажратиб олади. Сўнг ҳар бир бўлақни юқорида зикр қилинган услубда пухта ёдласа, ўша оят унинг зеҳнида мустаҳкам ўрнашади. Агар ёдланмоқчи бўлинган саҳифадаги оятлар қисқа бўлса, каторларга ажратиб ёд олинади.

Биринчи фойда: Талаба тоқатига яраша бир оятнинг икки-уч сўзини жамлаб, аввал бирин-кетин қараб, сўнгра ёд-

дан такрор ўқийди. Шундай қилиб, бир бутун оятни тўла ёдлайди.

Иккинчи фойда: Такрорлаш амалиёти янги ёдланган жойни нуқсондан ва унутилишдан ҳимоя қилади. Дарсни ишончли ва мустаҳкам ёдлашни хоҳлаган талаба ўша дарсни тўлиқ ёдлаганидан кейин ҳам қирқ-эллик марта такрор ўқиши керак бўлади.

## ИККИНЧИ БОСҚИЧ

### *Кундалик дарсни ёдлаш амалиёти учун энг афзал вақтлар*

Кундалик дарсни ёдлаш учун энг қулай ва афзал вақт тўртта:

Сахар пайти ва бомдод намозидан сал олдинроқдаги таҳажжуд вақти.

Бомдод намозидан кейин қуёш чиққунича бўлган фурсат.

Шом ва хуфтон намозлари орасидаги вақт.

Уйқуга ётишдан олдинги аниқ бир пайт.

Киши ухлаётганида ҳам ақли уни банд қилиб қўйган бошқа ишлар билан машғул бўлиб туради. Шунга кўра, Қуръон ёдлаётган талаба уйқуга ётганидан кейин ҳам қаттиқ ухлаб қолгунича хотирасида оятларни такрорлашда давом этади. Уйқудан турганида эса, тили беихтиёр олдин ёдлаган оятларини такрорлаётганини ҳис қилади.

Агар киши уйқудан уйғониб, туришга имкон топса, таҳажжуд намози вақтида, тура олмаса, бомдод намозидан кейин эрта тонгда ўша дарсни китобга қараб ёки ёддан камида ўн беш марта қайтарса, уни ажойиб бир тезликда ёдлаб олганига ўзи ишонч ҳосил қилади.

Тана дам олиб, зехн турли ўй-хаёллар ва бошқа чалғитувчи нарсалардан фориғ бўлиб турган бир пайтда ақлнинг бундай катта ютуққа эришиши унинг доимий ҳаракати маҳсули бўлса, Расулulloҳ (алайҳиссалом) бир ҳадисларида баён қилган барака ҳам бунга сабабдир. Ҳадиси шарифда шундай баён қилинган:

## اللَّهُمَّ بَارِكْ لِأُمَّتِي فِي بُكُورِهَا

«Аллоҳим, умматимнинг эрта тонгда қилган ишларига барака бергин» (*Абу Довуд, Термизий, Насоий ва бошқалар ривоят қилганлар*).

Талаба бомдод намозидан сўнг масжиддан чиқиб кетишга шошилмасдан, қуёш чиққанидан кейин ишроқ намозини ўқишга ҳаракат қилсин. Чунки ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ صَلَّى الْغَدَاةَ فِي جَمَاعَةٍ ثُمَّ قَعَدَ يَذْكُرُ اللَّهَ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ ثُمَّ صَلَّى رَكْعَتَيْنِ كَانَتْ لَهُ كَأَجْرِ حَجَّةٍ وَعُمْرَةٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَامَّةٌ تَامَّةٌ تَامَّةٌ رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади:

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Ким бомдодни жамоат билан ўқиса, сўнгра то қуёш чиққунича Аллоҳни зикр қилиб ўтирса, сўнгра икки ракат намоз ўқиса, унга бир ҳаж ва бир умранинг савобичалик савоб берилади».

Анас ибн Молик айтади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «(Ажр) тўлиқ, тўлиқ, тўлиқ», (қилиб берилади) дедилар» (*Термизий ривояти*).

Уқба ибн Омирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуйидагиларни айтганлар:

أَفَلَا يَغْدُو أَحَدُكُمْ إِلَى النَّسِجِ فَيَتْلَمُّ أَوْ يَقْرَأُ آيَتَيْنِ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ خَيْرٌ لَهُ مِنْ نَاقَتَيْنِ وَثَلَاثٍ خَيْرٌ لَهُ مِنْ ثَلَاثٍ وَأَرْبَعٍ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَرْبَعٍ وَمِنْ أَعْدَادِهِنَّ مِنَ الْإِبِلِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ

«Сизлардан бирортангиз эрталаб масжидга бориб, Аллоҳ таолонинг Китобидан икки оятни ўрганиши ёки ўқиши икки туяга эга бўлишдан яхшироқдир, уч оятни ўрганса, ё ўқиса, уч туядан яхшироқдир, тўрт оятни ўрганса ёки ўқиса, тўрт



туядан ва ундан бошқа кўплаб туялардан яхшироқдир»  
(*Муслим ривояти*).

Ушбу ҳадисда масжиднинг эрталабки ҳавоси у ерда туриб, ажр-савоб олишдан ташқари, ўқиш ва ёдлаш учун ҳам энг яхши жой эканига ишора қилинган.

## УЧИНЧИ БОСҚИЧ

### *Хатони юз марта тўғрилаб ўқиш билан дарсни топшириш*

Талаба янги дарсни ёд олганидан кейин устозига ёки ўша дарсни пухта ёдлаган, ишончли шеригига ўқиб бериши, у эса хатоларини кўрсатиши дарсни мукамал тарзда ўрганишда муҳим ҳисобланади. Талаба ўзи хато қилган ўринларни билиб олганидан сўнг уларнинг ҳар бирини тўғрилаб, навбатма-навбат такрорлашга киришади. Бунда ўша хато қилинган сўздан аввалги икки сўзни ва кейинги икки сўзни ҳам кўшиб, юз марта такрорлайди. Шундай қилинса, Аллоҳ таолонинг раҳмати билан кейинчалик ушбу тузатилган жойда бир умр қайта хато кузатилмайди. Зеро, «Кўп такрорланган илм мустаҳкам ёдланур», деб бежизга айтилмаган. Талаба устозга ўша дарсни бирор жойи, бирор сўзи, ҳарфи ва ҳаракатида ҳам хато қилмасдан, худди Фотиҳа сурасини ўқигандек ўқиб беради. Шунда ўша дарс мустаҳкам қурилган бино каби қарор топган бўлади.

Агар кундалик топшириладиган дарс белгиланган вақтдан ярим соат ўтгунича ҳам ёд бўлавермаса, шу ҳолатда эртага қолдирилади. Лекин бундай қилиш тиришқоқ талабага ярашмайди. Бугунги дарснинг эртага қолиб кетиши ҳимматнинг пастлиги ва янги дарсни ўзлаштиришга астойдил уринмаётганига далолат қилади. Шунинг учун ғафлатда қолмасдан, бугун йўл қўйилган камчиликларни эртага тўғрилаб, астойдил, кўтаринки руҳ билан ёдлашда давом этиш керак. Аллоҳ таоло мадад сўраладиган, тавфиқ берадиган ва ҳар бир ишни ниҳоясига етказадиган Зотдир.

## ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧ

### *Ўтган дарсни тайёрлаш ва топшириш*

Ўтган дарс «дарсия» дейилиб, ўтилган тўрт сабоқдан иборат бўлади. Эй Куръонни Фотиҳа сураси каби мукам-мал ёд олишни хоҳлаётган талаба! Ўтган дарсларни устозга топшириб бўлгандан кейин кундалик дарсни такрорлашни вазифа қилиб ол! Кундалик дарсни такрорлаш қўйидагича бўлади:

1. Бомдод намозидан кейин янги дарсни ўн беш марта такрорлаш.

2. Янги дарсдан олдинги дарсни Мусҳафга қараб бир неча марта такрорлаш.

3. Янги дарс билан олдинги дарсни қўшиб тўрт марта ёддан такрорлаш.

4. Бу икки дарсдан олдинги дарсни ҳам қўшиб, учала дарсни Мусҳафга қараб, уч марта ёддан такрорлаш.

5. Ўтган учинчи дарсни тайёрлаш, шундан кейин тўртала дарсни қўшиб, икки марта ўқиш.

6. Ўтган тўртинчи дарсни ўқиб, Мусҳафга қараб қайта-қайта такрорлаб, тайёрлаб бўлгандан сўнг бешала дарсни охирида бир марта ёддан ўқиш.

Талаба шу тарзда ҳар куни ўтган тўрт дарсни такрорлаб юрса, кундалик тўртта дарсни ёдида сақлаб қолади. Шундай қилиб, у ҳар куни ўтган дарсдан битта дарсни қолдириб, ўрнига янги дарсни олиб, ушбу тўртликни сақлаб бораверади.

Ана шу тарзда давом этса, дарсларни қайта-қайта такрорлаб ўтган ва натижада барчасини тўлиқ ёдлаб олишга эришган бўлади. Сўнгра ушбу «дарсия»ни ўқиб эшиттиради ва ҳар бир хато қилган жойини тўғрилаб, юз мартадан такрорлаб чиқади. Қўмак берувчи Аллоҳдир, У Зотга таваккал қилинади.

## БЕШИНЧИ БОСҚИЧ

*Қуръони каримдан ёдланган жойларни такрорлаш,  
устозга ўқиб бериш ва меъёр режаси*

Албатта, ёдланган оятларни такрор қилиш ёдлашнинг аҳамиятидан кам эмас, балки такрорлаш босқичи ёдлаш босқичидан муҳимроқдир. Жаъфар Содик айтадилар: «Қалб тупроқдир, илм унинг экини, такрор эса унинг сувидир. Агар тупроққа сув келиши тўхтаса, унинг экини қуриб қолади».

Бир шоир бу борада қуйидагича лутф қилган эди:

*Илмни такрорлаш ила давом эттиргин!*

*Илмнинг давомийлиги такрор биландир.*

Шунинг учун биз ушбу босқичда Қуръонни такрорлаш, унинг услублари ва миқдори ҳақида тўхталиб ўтамиз.

«Мурожаъа» – «такрорлаш» деб, олинган дарсга олдин ёдланган дарслардан қўшимча қилиб, устозга кундалик ўқиб бериладиган маълум оятлар миқдорига айтилади. Бу жараён дарсни пешин намозидан кейин ёки аср намозидан озгина олдин бир марта қараб, бир марта ёддан ўқиб тайёрланади. Кейин хато жойларини белгилаб, ҳар бир хатони юз мартадан тўғрилаб, сўнг устозга ўқиб берилади.

Энди бу миқдор учун амал қилинадиган ўн тўрт навбатни ўрганиб чиқамиз:

1. Иккинчи пора охиригача ўтган дарс ҳар куни такрорланади.

2. Икки порадан кейин ҳар куни ўтган дарсдан ярим пора ўқилади.

3. Бешинчи пора ниҳоясида ўн кун тўхталади ва ҳар куни ўтган дарсдан бир порадан ўқиб берилади, лекин бунда орқадан, яъни бешинчи порадан биринчи порага қараб борилади. Айни пайтда ҳар бир хато тўғрилаб юз марта ўқиш билан тузатилади.

4. Беш порадан кейин ҳар куни орқадан бир пора ўқилади.

5. Ўн порага етгунча шундай давом этиб, ўнинчи порага етганда янги дарс олишдан ўн беш кун тўхтайтиди. Бу муд-

датда юқоридаги услубда бир пора ва бир рубъ(беш бет)дан ўқиб беради.

6. Ўн порадан кейин орқадан ҳар куни бир пора ва бир рубъ ўқилади.

7. Ўн беш порагача шундай давом этиб, йигирма кун тўхтайтиди ва ҳар куни тескари услубда – орқадан олдинга ҳамда олдиндан орқага қараб бир ярим порадан ўқиб беради.

8. Ўн беш порадан кейин ҳар куни бир ярим порадан ўқилади.

9. Йигирма порага етганда, йигирма беш кун тўхтайтиди ва хатолар бўлса, тўғрилаб, ҳар куни бир рубъи кам икки порадан тескари услубда такрорлайди.

10. Йигирма порадан кейин ҳар куни орқадан бир рубъи кам икки порадан ўқилади.

11. Йигирма беш порага етганда бир ой тўхтайтиди ва ҳар куни юқоридаги услубда орқадан икки порадан ўқийди.

12. Йигирма беш порадан кейин ҳар куни орқадан икки порадан такрорланади.

13. Қуръон тўлиқ, яъни ўттиз пора бўлганда, бир йил тўхтаб, юқоридаги тескари услубда йил бўйи ҳар куни уч порадан такрор қилади. Қуръон ҳар ўн кунда бир марта тугатилади.

14. Бир йилдан кейин умр давомида хатоларни тўғрилаб, ҳар куни беш порадан узлуксиз ўқийди. Ривоят қилинишича: «Ким ҳар доим беш порадан ўқиб юрса, Қуръон ёдидан чиқмайди».

## **ОЛТИНЧИ БОСҚИЧ**

### ***Бир миқдорни белгилаб олиш йўли билан шахсий кундалик тиловат қилиш режаси***

Ҳар куни тунда ёдланганларидан маълум миқдорда тиловат қилиш шарт. Хато жойларни белгилаб, уларни юз мартадан тўғрилаб ўқийди. Унинг миқдори учун етти навбат бор:

1. Беш порагача ҳар куни бир порадан.

2. Беш порадан кейин ўн порагача ҳар куни бир пора ва бир рубъдан.

3. Ўн порадан кейин ўн беш порагача ҳар куни бир ярим порадан.

4. Ўн беш порадан кейин йигирма порагача ҳар куни бир рубъи кам икки порадан.

5. Йигирма порадан кейин йигирма беш порагача ҳар куни икки ярим порадан.

6. Йигирма беш порадан кейин Қуръоннинг охиригача ҳар куни уч порадан.

7. Сўнгра умрининг охиригача ҳар куни беш порадан ўқилади.

Изоҳ: Бешинчи босқичда зикр қилинган кўринишдаги меъёр юқорида ўтган услубда тескари ўқилади.

### **ЕТТИНЧИ БОСҚИЧ**

*Дарс, дарсия, такрорлаш, тунги шахсий тиловат вазифаси (вирд)ни мисоллар билан амалий татбиқ қилиш*

Биринчи мисол:

Бақара сурасининг бошидан уч пора тўлиқ ёдланган бўлиб, тўртинчи порадан бошламоқчи бўлса, уч кун ичидаги тартиб қуйидагича бўлади:

1-кун:

Дарс: Оли Имрон сураси, 92–100 оятлар.

Дарсия: Оли Имрон сурасининг 62-оятидан 3-поранинг охиригача.

Такрорлаш (мурожаъа): Бақара сурасининг бошидан ярим пора.

Тунги ўқиш (вирд): Биринчи пора – Бақара сурасининг 75–202 оятларигача.

2-кун:

Дарс: Оли Имрон сураси, 101–108-оятлар.

Дарсия: Оли Имрон сураси, 71–100-оятлар.

Такрор: Бақара сурасининг иккинчи ярим пораси.

Тунги вирд: Бир пора – Бақара сурасининг 204-оятидан Оли Имрон сурасининг 14-оятигача.

3- кун:

Дарс: Оли Имрон сурасининг 109–115-оятлари.

Дарсия: Оли Имрон сурасининг 78–108-оятлари.

Такрорлаш (мурожаъа): Бақара сурасидан учинчи ярим пора.

Тунги вирд: Оли Имрон сурасидан 15–92-оятлар ва Бақара сурасидан 1–74-оятлар.

Иккинчи мисол:

Ўн пора тугаганидан кейин тунги вирд ва тесқари такрорлаш (мурожаъа) ўн беш кун тўхтайтиди ва уч кунлик тартиб қуйидагича бўлади:

1-кун:

Такрорлаш (мурожаъа): Анфол сурасидан бир пора, бир рубъ ўнинчи поранинг охиригача.

Тунги вирд: бир пора, бир рубъ – Аъроф сурасини тўлалигича ўқиш

2-кун:

Мурожаъа: бир пора, бир рубъ – Аъроф сурасини тўлалигича ўқиш.

Вирд: бир пора, бир рубъ – Моида сурасининг 109-оятдан Анъом сурасининг охиригача.

3-кун:

Мурожаъа: бир пора, бир рубъ – Моида сурасининг 109-оятдан Анъом сураси тўлалигича.

Вирд: бир пора, бир рубъ, яъни олтинчи поранинг бошидан еттинчи поранинг аввалги рубъигача.

Учинчи мисол:

Ўн порани такрорлаш тугаганидан кейин ўн биринчи поранинг бошланиши.

Агар ўн биринчи пора бошланса, уч кунлик тартиб қуйидагича бўлади:

1-кун:

Дарс: Тавба сурасининг 94–99-оятлари.

Дарсия: Тавба сурасининг 69-оятдан ўнинчи поранинг охиригача.

Мурожаъа: «Алиф лам мим»(Бақара)дан бир пора, бир рубъ.

Вирд: иккинчи поранинг рубъидан учинчи поранинг ярмигача бир пораю бир рубъ.

2-кун:

Дарс: Тавба сурасининг 100–106-оятлари.

Дарсия: Тавба сурасининг 73–99-оятлари.

Мурожаъа: иккинчи поранинг биринчи рубъидан учинчи поранинг ярмигача.

Вирд: учинчи поранинг ярмидан Оли Имрон сурасининг охиригача.

3-кун:

Дарс: Тавба сурасининг 107–111-оятлари.

Дарсия: Тавба сурасининг 80–106-оятлари.

Мурожаъа: учинчи поранинг ярмидан Оли Имроннинг охиригача бир пораю бир рубъ.

Вирд: Нисо сурасининг аввалидан бешинчи поранинг охиригача.

### ***Иккита муҳим йўлланма***

Таътил кунларида қандай қилиб Қуръонга вафо қилинади? Расмий дам олиш кунлари оралиғида хатолар юз мартадан тўғриланиб, ҳар куни икки пора ўқилади.

Ҳар бир хато қилинган жой юз мартадан ўқиб, тўғрилансин, деган сўзимиздан ваҳимага тушманг. Чунки дарслар дарсия, мурожаъа ва вирдлардан ташкил топади. Уларнинг ҳаммаси қатра-қатра бўлиб қўшилса, дарё ҳосил бўлади, дарё дарёга бирлашса, денгиз пайдо бўлади. Тўртта дарс дарсия, ўнта дарс тахминан ярим пора бўлади. Агар кундалиқ дарсни тайёрлаб, Фотиҳа сурасидек ёдлашга эришилса, у гўё мустаҳкам бинодек бўлиб, бирон жойида шубҳа қилинмайди. Аллоҳнинг фазли билан ярим порада бир ёки икки жойда хато қилади, холос. Буни эса тўғрилаш мутлақо қийин бўлмайди.

### ***Биринчи намунавий-амалий дастурга илова***

Ёдлаш муддати: ҳар куни 2 соат – асрдан кейин шом намози азонигача.

Ушбу дастур учта асосий унсурдан иборат: ота-она, фарзанд (шогирд), муаллим.

Дастур энг муҳим эллик беш нуктани ўз ичига олади.  
Улар қуйидагилар:

### **Ота-онанинг вазифалари**

**1. Фарзандларига ёшлигидаёқ таълим беришга қизиқиш.** Оталар фарзандларига ёшлигидаёқ таълим беришга ҳарис бўлмоғи лозим. Чунки ёшлик болани бирор мақсадга йўналтириш осон бўлган даврдир. Шунингдек, бу пайт берилган илмни қабул қилиш ҳамда ёдлаш учун зеҳн ва зўр истеъдоднинг соф пайтидир. Қадимдан бежизга «Ёшликдаги билим тошга ўйилган нақш кабидир», дейилмаган. Зеро, тошга нақш солинса, осонликча ўчиб кетмайди, балки кунлар-йиллар ўтса-да, мустаҳкамлигича қолаверади. Ёшликда ёдланган маълумотлар ҳам узоқ муддат собит қолади. Айниқса, бу ёдлаш жараёни тартибли равишда доимий такрор (мурожаъа) билан мустаҳкамлаб борилса.

**2. Ёдлашни бошлаш учун энг афзал ёш.** Энг ками балоғат ёшига уч ёш қолганича. Бола балоғат ёшига яқинлашгани сайин ёдлашнинг сусайишига сабаб бўладиган нарсаларга эътибор доираси кенгайиб бораверади.

Гўдак беш ёшга етганда ёдлашни бошлашга муваффақ бўлса, бу энг афзал палладир. Шунингдек, боланинг илмий ҳаётида равон сўзлашига ёрдам беради, қалбини нурли қилади. Чунки қалбига дастлабки кираётган илм Аллоҳнинг каломи бўлади. Ундаги хайру баракалар эса ҳеч кимга сир эмас.

Иброҳим Нахайй: «Биздан олдингилар фарзандларига ақлларини танимагунларича таълим беришни маъқул кўрмас эдилар», деган.

**3. Қуръон дарсларига эътибор.** Фарзандга бошқа фанлар таълимида қанчалик эътибор қаратиладиган бўлса, Қуръони каримни ёдлашда ҳам бу бирламчи, асосий экани тушунтирилиши, балки ундан-да кўпроқ эътибор қаратилиши лозим бўлади. Айни пайтда Қуръон ёдлаш вазифасини бажарган пайтда уни рағбатлантириш, мақтаб, олқишлаш ёки сусткашлик қилган пайтда танбеҳ бериш, талаб қилинаётган кундалик вазифани бажаришига бўлган эътибор дои-



расини ҳис қилдириш, керак бўлса, бу йўлда унга ёрдам бериш лозим.

**4. Моҳир, солиҳ муаллимни танлаш.** Ота муаллимни солиҳ, маҳоратли, пухта, тажрибали, фаросатли, талабаларга фойда бўлишига ҳарис ва эътиборлилик сифатлари билан танилган устозлар орасидан ихтиёр этмоғи вожибдир. Ушбу сифатларга эга устозни топишда ва танлашда сусткашлик қилиш асло ярамайди. Акс ҳолда, талабанинг олдига қўйган мақсадини рўёбга чиқариш ҳаракати тескари натижа бериши мумкин. Лаёқатсиз муаллимларга шогирд тушган талабаларни биламиз, бирларининг ёдлаши суст, бошқаларининг ўқиши яхши эмас, айримлари хато ёдлаган, яна баъзилари барча камчиликларни ўзида жамлаган. Аллоҳ асрасин. Шунинг учун ота мутқин (моҳир) муаллим танлашга ҳарис бўлсин.

**5. Фарзандни устозини ҳурмат қилишга одатлантириш.** Ҳатто муаллим ота наздида айбдордек туюлса-да, уни эҳтиром қилиш, фарзанди олдида обрўсини тўкмаслик, камситмаслик керак. Фарзанд устозида Куръон ўргатувчига муносиб энг юксак намунани кўриши лозим. Бу эса кўп жиҳатдан ота-онанинг у кишига нисбатан муносабатига боғлиқ.

Абу Саламадан ривоят қилинади: «Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) минган маркаб олдида туриб, узангидан ушлаганида Зайд: «Эй Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жияни, ундай қилманг!» – деди. Ибн Аббос: – «Биз олим ва улуғларимизга мана шундай қиламиз (ҳурмат кўрсатамиз)», деди.

Имом Шофиъий раҳматуллоҳи алайҳи: «Мен Моликнинг ҳузурида унинг ҳайбатидан кўрқиб, саҳифалар шитири эшитилмаслиги учун уларни авайлаб варақлар эдим».

**6. Талабанинг дарсда иштирок этиши учун шароит яратиш ва бунда бардавом бўлиш.** Фарзанднинг ҳар куни дарсга белгиланган вақтдан кечикмасдан бориши, дарс тугамасидан кетиб қолмаслиги учун барча шароитларни яратиш муҳим шартлардан биридир. Дарсда иштироки бардавом бўлишини, асосли узр ва сабабсиз унда қатнашмаслик учун рухсат сўрашига изн берилмаслигини назорат қилишнинг аҳамияти ҳам бундан кам эмас. Албатта, бетоблик ва шун-

га ўхшаш иложсиз сабаблар бундан мустасно. Ота-она фарзанднинг дарсга доимий равишда ва белгиланган вақтда боришига жиддий ва қатъий эътибор беришларини ҳис қилса, бу баҳоналар ўз-ўзидан йўқолади.

**7. Уйда ҳам ҳар куни жиддий тарзда назорат қилиш.** Фарзандни ҳар куни назорат қилишни устознинг ўзигагина ташлаб қўймаслик керак. Ота-она севги ва муҳаббат пардаси остида фарзанднинг вазифаларни бажаришга муносабатини сўраб-суриштириб туриш билан эътибор бериши ниҳоятда зарур бўлган ишлардандир.

Ундан бажарилиши талаб қилинадиган вазифалар қуйидагилар:

- а) янги дарс (буни талаба уйда ёдлайди);
- б) охирги беш бетни топшириш;
- в) кундалик мурожаъани топшириш (камида ўн бет);
- г) кейинги дарсни тузатиш.

**8. Назоратни муаллим билан бирга олиб бориш.** Ота вақти-вақти билан фарзанднинг муаллимини зиёрат қилиб туриши яхши амаллардандир. Бунда у фарзанднинг илмий ва ахлоқий савиясидан хабардор бўлади, устознинг шогирд ҳақидаги кўрсатмасига биноан муолажа қилишда иштирок этади, шунингдек, бу фарзанднинг хоҳиш-истаклари ва рағбати ҳақида икки томонлама фикр алмашув бўлгани боис ҳар томонлама фойдалидир. Ва ниҳоят, муаллимнинг меҳнат ва машаққатига миннатдорчилик билдириш, зиммасига олган бундай машаққатли буюк ишига Аллоҳ таолодан сабот ва тавфиқ сўраб дуо қилиш каби манфаатлар юзага чиқади. Зеро, Қуръон ўргатувчини бу қилган улуғ хизмати учун Аллоҳ азза ва жалланинг Ўзи мукофотлайди.

**9. Боланинг хос (индивидуал) салоҳиятини ҳисобга олиш.** Болалар ёдлашда зеҳни, қудрати, имкониятлари, ғайрат ва сабри жихатидан бир-биридан фарқ қиладилар. Баъзилари Қуръони каримни ёдлашга қудратлари етмай, бунга ўзларида малака ҳосил қила олмай қийналадилар. Ваҳоланки, Қуръонни ёдлаш фарзи кифоядир. Шунинг учун ота-оналар бундай фарзандларини Қуръон ёдлашга мажбур қилишлари, уларга Аллоҳ юкламаган нарсани юклашлари яхши эмас. Тўғри, ота-оналар фарзандларига ҳам, ўзларига

ҳам яхшилиқни раво кўрганлари учун уларнинг Қуръон ёдлашларини хоҳлайдилар ва бу йўлда ўртоқларию тенгдошлари, қариндошу қўшниларини намуна қилиб, қаттиққўллик ва жеркиш усулини ишлатадилар. Натижада, бу салбий, хатарли оқибатларни келтириб чиқаради. Кўп ҳолларда боланинг бузилишига ёки Қуръонни ёмон кўриб қолишига олиб боради. Аллоҳ кўрсатмасин!

Демак, бундай бола Қуръони каримни Мусхафга қараб, тажвид-тартил билан тўғри ўқишни билса кифоя. У имкон даражасида Ёсин, Каҳф, Таборак, Воқеа, Амма пораси, Оятул Курсий ҳамда Бақара ва Ҳашр каби сураларнинг охириги қисмларини ёдлаб қўйса, яхши бўлади.

**10. Фарзандларга раҳмдил бўлиш.** Гоҳида айрим оталар кўпроқ ёдлаши учун фарзандларига қаттиқ туриш ва уриш услуби фойдали деб ўйлайдилар, ҳатто муаллимга ўғилни олиб бориб: «Эти сизники, суяги бизники», яъни «Модомики бола Қуръонни ёдлаб тугатмас экан, унга хоҳлаганингизча қўполлик қилишингиз мумкин, дейишгача боришади. Бу жабр йўли, тўғрилиқдан жуда ҳам узоқ бўлган ёмон услубдир.

Аввал бошдан ёки арзимас сабаблар билан уришга одатланилмасин. Агар бола бир ишни фақат калтак билан қилишга ўрганиб қолса, бу унинг ҳаёт тарзига айланади. Ҳатто адоват руҳи кучли бўлган шахсга айланиши мумкин. Энг ёмони – кўп калтак ейишдан боланинг руҳияти синиб, доимо хавф ва кўрқувда яшайдиган бўлиб қолади.

Шубҳасиз, ота-оналар фарзанди кетаётган нотекис йўлни тўғрилашдаги мақсадларида бир сафар таҳдид, бир сафар тарғиб, гоҳо яхши гап, гоҳо насихат йўлларида фойдаланишга қодирдилар.

### **Фарзанд (шогирд)нинг вазифалари**

**11. Қуръони Каримни ёдлашда ният холис Аллоҳ учун бўлиши.**

**12. Қуръонни ўқиб бериш учун уни тажвид билан пухта ёдлаган, солиҳ, тақводор устозни танлаш.** Имом Нававий таълим олувчининг одобини баён қилиш асноси-

да илм олинадиган устознинг сифатини зикр қилиб айтадилар: «Илмни илмга аҳллиги комил, диёнати зоҳир бўлган ҳамда маърифатли ва парҳезкорлиги билан танилган устоздан олиш лозим бўлади. Батаҳқиқ, Муҳаммад ибн Сийрин, Молик ибн Анас ва улардан бошқа кўплаб салаф уламолари: «Бу илм диндир, бас, динингизни кимдан олаётганингизга қаранглар», дейишган.

Имом Ибн Жамоъа айтадилар: «Илм талаб қилувчи аввало, илмни кимдан олиши, гўзал одоб ва ахлоқни кимдан ўрганиши кераклигига назар солиши ва Аллоҳдан истихора қилиб сўраши лозим бўлади».

**13. Одобнинг энг юқори даражасини эгаллаган бўлиши.** Толиби илм, умуман, барча инсонларга, хусусан, устозига нисбатан гўзал хулқли бўлиши лозим. Зеро, бу илм талаб қилишда умумий тарзда ва Қуръонни ёдлашда хусусий тарзда муваффақият ва ютуқнинг энг улкан сабабларидан ҳисобланади.

**14. Устозга ўзининг илм талаб ва Қуръон ёдлашга ниҳоятда қизиқувчан эканини сездириб қўйиши.**

**15. Қуръон ёдлаш дарсига устоздан олдин келиб ўтириши.** Албатта, бунда мукаммал таҳоратли бўлишга ҳамда бадан ва кийим тозаллигига ниҳоятда қаттиқ эътибор бериш лозим.

**16. Дарсни чиройли одоб билан эшитиши; яъни ўнг-чапга алангламаслик.**

**17. Дарсга келиш ва кетишда устоздан изн сўраш ва унга салом бериш.**

**18. Ғийбатдан буткул узоқда бўлиш. Устози ва ҳамдарсларининг айблари, баъзи камчилик ва хатоларини қидирмаслик.**

**19. Илмни тугал эгаллаш.** Албатта, Қуръонни ёдлаб олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки Қуръонда айтилганларга амал қилиш уни ёдлашдан муҳимроқ ҳисобланади.

Мужоҳид Аллоҳ таолонинг

يَتْلُونَهُ حَقَّ تِلَاوَتِهِ

– «уни тўғри (бузмай) тиловат қиладилар»<sup>112</sup> оятини «унга ҳақиқий маънода амал қиладилар», деб тафсир этганлар.

**20. Мусҳафни эҳтиётлаш ва ҳурматлаш.** Чунки унда Аллоҳнинг муҳофаза қилиниши лозим бўлган каломи бор. Уни беписанд ушламанг ёки ташламанг. Мусҳафни ўзи учун муносиб бўлмаган жойга қўйманг. Унга бирор зарар етиб қолишидан эҳтиёт бўлинг. Албатта, бу ҳам Аллоҳнинг шиорларини улуғлаш жумласига киради. Аллоҳ бу тўғрида шундай марҳамат қилади:

ذٰلِكَ وَمَنْ يُعْظِمِ شَعْبِرَ اللّٰهِ فَاِنَّهَا مِنْ تَقْوٰى الْقُلُوْبِ ﴿٣٢﴾

«(Гап шудир). Яна кимки Аллоҳнинг шиорлари (қурбонликлар)ни улуғ деб билса, бас, албатта, (бу) дилларнинг тақвосидандир»<sup>113</sup>

**21. Куръонни тўлиқ ёд олишда ёшлик чоғларидан фойдаланиб қолиш.** Чунки бу вақт илм олиш ва Куръон ёдлаш учун умрнинг энг афзал вақтидир. Зеро, бу пайтда зеҳнлар соф ва масъулиятлар оз бўлади. Лекин бу, илм олиш ва Куръон ёдлаш ёши улуғ кишиларга мумкин бўлмаган иш, дегани эмас. Балки, юқорида ҳам баён этганимиздек, бу пайтда улардан катта куч талаб этилишини таъкидлаш учун айтилмоқда. Дарҳақиқат, баъзи кишилар ўттиз ва қирқ ёшдан ўтиб ҳам Куръонни ёд олганлар.

### *Муаллимнинг вазифалари*

**22. Барча амалларида ниятни холис қилиш.** Амалга оширилаётган ҳар қандай иш ажрини Аллоҳдан умид қилиш лозим. Аллоҳ чиройли амал қилувчилар ажрини зое қилмайди. Куръонни ўргатиш бирор нарса эвазига бўлмасин. Айниқса, моддий жиҳатдан ўзига тўқ бўлса.

**23. Куръон ёдлатишда муаллимга ёрдамчи бўлиш.** Бунда муаллим талабаларга илм беришга вақтини ажратгани учун уни рамзий мукофот билан сийлайди. Ана шу вақтда берилган мукофот озлигидан сиқилиб, алам чекиб қолма-

<sup>112</sup> Бақара сураси, 121-оят.

<sup>113</sup> Ҳаж сураси, 32-оят.

син. Ва бу нарса таълим беришга бўлган эътиборни, бардавонликни ва Қуръон ёдлатишга бўлган аҳамиятни камайтириб қўймасин. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар биримиз амалларимизни пухта қилишимизни яхши кўради.

**24. Қуръон муаллими қалби ва тилини мусулмонга лойиқ бўлмаган нарсалардан пок тутиши.** Яъни, қалбни ҳасад, адоват ва кибрдан поклаш, тилни эса ёлғон, ғийбат, чақимчиликдан, ортиқча гапдан, фаҳш сўзлардан тийиш лозим. Чунки муаллим ўзида Қуръон ва унинг аҳлини намоеън қилади. Демак, у Қуръон ва унинг аҳли ахлоқи билан хулқланиши лозим бўлади.

**25. Талабаларига нисбатан худди фарзандлари ва ўзининг бир бўлаги сифатида муомала қилиш.** Уларга бўладиган муомалада юмшоқлик ва қатъият, муҳаббат ва эҳтиромнинг ўртасини жамлаш. Юмшоқликда ҳаддан ошиш ҳайбатни кетказади. Қатъият ва жазода ҳаддан ошиш адоватни келтириб чиқаради. Ушбу икки ҳолат ҳам талабанинг муаллимдан оладиган манфаати камайишига ёки йўқ бўлишига олиб келади.

**26. Талабалардан бирортасидан зоҳир бўлган маҳоратга ва Аллоҳ уни яхши кўриб берган неъматларга ҳасад қилмаслик.** Албатта, ҳасад яхшиликларни, худди олов ўтинни егандек ейди.

**27. Муаллим яхши билсинки, қўли остидаги талабалар унинг бўйнидаги омонатдир.** Батаҳқиқ, улар муаллимнинг олдига Қуръонни ўрганиш учун келишган. Қиёмат куни Аллоҳ ҳузурида улардан бирортаси ўзига душман бўлиб қолмаслиги учун улар ҳақида нуқсонга йўл қўйишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Талаба: «Раббим, ундан сўра-чи, менинг вақтим ва умримни нимага зое қилди экан?» дейди.

Демак, устоз талабага таълим беришда интилувчан, илм беришни дунёвий манфаатларидан устун қўювчи бўлиши лозим. Дарс ўқитиш асносида қалбни машғул қилувчи ортиқча нарсалардан фориғ тутиш ниҳоятда муҳимдир.

**28. Эътиборни барча талабаларга бирдек қаратишга ҳаракат қилиш.** Бирини бошқасидан афзал кўрмаслик керак. Чунки бу уларнинг ғазаби ва рашкини кўзгаб қўяди.

Улардан бирортасида кучли заковат ва интилишни кўрса, уни янада шижоатлантириш учун эътиборни кучайтириши лозим. Лекин шерикларига унга кўпроқ аҳамият бераётганининг сабабини айтиб қўйгани маъқул.

**29. Талабаларга нисбатан имкон қадар сабрли бўлиш. Инсонларнинг табиати бир хил эмас.** Гоҳида талабалар орасидан устоз қадрини билмайдиган, унга нисбатан кўпол муомалада бўладиган, енгил қарайдиган ёки таҳдид қиладиганлари ҳам чиқиб қолади. Шунда уларга жазо қўллашга ёки нафси учун улардан ўч олишга шошмаслик, балки ҳолатни ҳикмат ва сабр билан муолажа қилиш лозим. Инсонлар тош отишса-да, уларга мева отадиган хурмо дарахти каби сахий бўлиш керак. Ҳар бир чашма ўзида бор нарса билан суғоради. Муаллим – Қуръон соҳиби бўлган чашма талабаларини фақат яхшилик билан суғорсин.

**30. Талабалардан бирортасига жазо беришга мажбур бўлиб қолганда, муаллимни бунга ундаган нарса талаба манфаатидан келиб чиққан бўлсин.** Қўлланаётган жазо у содир этган хатога мувофиқ келсин. Устоз касалнинг шифо топишини истаб ва яхши кўриб, аччиқ дори берадиган ёки оғритадиган жарроҳлик амалиётини ўтказадиган табиб сингаридир.

**31. Агар талабалардан бирортаси қандайдир сабаб туфайли бошқа устоз дарсига ўтишга изн сўраса, модомики, бу нарса талаба учун манфаатли экан, уни ман қилмаслик.** Унга яхшилик иташ, муваффақият тилаб, ҳақиқа дуо қилиш лозим. Чунки муаллим бу талабага таълим беришда Аллоҳнинг розилигини орзу қилган. Бас, шундай экан, ўзи учун: «Мен унга таълим бериш билан тоат-ибодатни истаган эдим. Батаҳқиқ, ҳосил қилдим. Энди у илмини янада ошириш учун мендан бошқани қасд қилибдими, унга ҳеч қандай маломат йўқ», деб айтсин.

**32. Дарсдаги талабаларнинг ҳар бирини алоҳида хос Мусҳаф билан таъминлаш.** Ушбу Мусҳафни ҳар куни олиб келиш, уни ҳурмат ва эҳтиёт қилиш лозим. Мусҳафни ўзгартирмасликнинг фойдасини талабаларга тушунтириб қўйиш керак. Албатта, оят ўринларининг сурати талаба зеҳнида

саҳифа бўйича муҳрланиб қолади. Агар Мусхафи ўзгарса, бу оят ўринларининг хотирада чигаллашишига олиб бориши мумкин. Бундан ташқари, Мусхафнинг алоҳида талабанинг ўзи учун бўлиши устозга ҳам дарс жараёнида унинг заиф ўринларини рангли қалам билан белгилаб қўйишига имкон беради. Талаба ўша жойга мурожаат қилиб, янада яхшилаб ёдлаб олади ва белгилаб қўйилган жойда иккинчи бор хато қилмайди. Шунингдек, бу талабага уйда тайёрлаши учун бериладиган вазифа миқдорини чегаралашда ҳам қўл келади.

**33. Талабанинг дарсда қатнашмаслигига рухсат бермаслик масаласи.** Бетоблик каби асосли ҳолатларидагина бунга рухсат бериш мумкин. Шундай талабалар бўладики, ортиқча вазифаларни ёки қариндоши, дўстлари зиёратига борганини ҳужжат қилиб, дарсга келмайдилар. Аслида, бу дарсга жиддий қаровчи талаба ва унинг дарсга келишини қаттиқ талаб қилувчи устоз учун йўққа чиқадиган узрлар саналади.

**34. Талабалар сонини кўпайиб кетмайдиган даражада чегаралаш.** Агар устозга дарсда ёрдам берувчи киши бўлмаса, талабалар сони йигирма нафардан ошмаслиги лозим. Чунки улар кўп бўлса, устознинг тоқати етмайди ва натижада таълимнинг сифат ва миқдорида нуқсон юзага келади.

Талабалар сони йигирма нафар бўлишига ёдлатишнинг бошланғич гуруҳидагина рухсат бор. Аммо вақт ўтиши ва талабаларга бериладиган дарс миқдори кўпайиши билан ушбу ададни камайтириб, фақат ўн беш нафар талаба қолдириш лозим. Агар устоз талабалар сонини йигирма нафардан камайтирмасдан дарсни давом эттирмоқчи бўлса, ўзига ёрдамчи олиши керак.

**35. Дарсда талабаларнинг ҳар бирдан кунига учта нарсани тайёрлаш талаб этилади:** Улардан бири уйда бўлса, қолгани дарс мобайнида бўлади. Улар қуйидагилар:

**36. Янги дарс: уни талаба уйда тайёрлаши вожиб бўлиб, миқдори ёдлаш қобилиятига қараб белгиланади.** Бунда бирор хато ёки танбеҳ, ёхуд тажвидий нуқсонларга йўл қўйилмайди ва унга бепарво қаралмайди. Чунки



янги дарсга бепарволик кейинги босқичлардаги дарсларда ёдлашга бўлган доимий сусткашликни келтириб чиқаради. У пайтда, яъни ёдланган нарсалар кўпайган сари дарс тайёрлашдаги ўзига бўлган талабчанлик, тартибга эътибор, вақт тақсимоти, шижоат каби жиҳатларни йўлга қўйиб олиш қийин кечади. Уларни қайтариш учун яна иккинчи маротаба куч сарфлашига тўғри келади.

**37. Янги дарсни ёдлашнинг энг самарали йўли қуйидагича:**

а) Энг тез ва осон ёдлаш учун талаба ёдлаш муддатини икки вақтга бўлиб олиши лозим. Биринчиси: уйқудан олдин, муддати 15 дақиқадан 30 дақиқагача. Иккинчиси: уйқудан кейин, оғизма-оғиз эшитишидан олдин, муддати тахминан 10 дақиқа.

б) Талаба оятнинг бир қисмини ёдлаб бўлгач, унга оятнинг қолган қисмини қўшади. Сўнг ушбу икки қисми қўшиб, оятни тўлиқ қилиб ўқийди. Ушбу оятни яхшилаб ёдлаб олганига ишонч ҳосил қилганидан кейин навбатдаги оятга ўтади. Бунда ҳам аввалги оятдагидек ўқийди. Кейин икки оятни қўшиб ўқийди. Сўнг учинчи оятга ўтади. Барча тиловат, вақф ва бошлаш ҳукмларига риоя қилган ҳолда мана шу тарзда давом эттиради.

**38. Охирги беш бетни топшириш.** Талаба олдин ёдлаганидан беш бетини қолдириб, улар ўрнига яқинда ёдлаган беш бетни қўшади. Бунда унга бирорта хато ёки иккиланишга ёхуд тажвидда нуқсонга йўл қўйишга рухсат берилмайди. Ҳифзнинг пухта-пишиқлиги учун ушбу тамойилларга бепарво бўлмаслик лозим.

**39. Кундалик мурожаъа (такрорлаш)ни топшириш.** Бу мурожаъанинг миқдори камида ўн бет. Бунда учта хато<sup>114</sup> ёхуд олтита танбеҳ,<sup>115</sup> ёки иккита хато ва иккита танбеҳ, ёки битта хато ва тўрт танбеҳ ва ҳоказодан ошиғи талабага жиддий айб ҳисобланади. Табиийки, бунда тиловат қоидаларига ҳам эътибор берилади.

<sup>114</sup> Талаба адашса-ю, топа олмагани боис устоз унга эслатса, бу «хато» дейилади.

<sup>115</sup> Талаба адашса ва устозининг ишорасидан сўнг ўзи топиб кетса, бу «танбеҳ» дейилади.

#### 40. Дарс вақтини тўрт қисмга тақсимлаш:

Биринчи қисм: Муддати ярим соат. Бунда муаллим ҳар бир талаба қироатини алоҳида тинглайди. Яъни, талабалар уйларида ёдлаб келган янги дарсни топширадилар. Ушбу дарсда қуйидагиларга риоя қилинади:

а) Ҳеч бир хатосиз, пухта ёдлаганига;

б) Барча тажвид қоидаларига риоя қилганига: бунда бирор қоида, ҳатто ғунна ва мадлар миқдори, вақф ва ибтидо-лар ҳам эътиборсиз қолмасин;

в) Талабани бир мартадаёқ яхши топширишга ўргатиш. Бунда талабани муаллимга топширишидан олдин шерикларидан бирига топшириб, кўриқдан ўтказиб олишга одатлан-тириш ҳам мумкин.

Иккинчи қисм: Бунинг ҳам муддати ярим соат. Ана шу вақт ичида барча талабаларга кундалик дарсларини, яъни, камида 10 саҳифа ва ўтган кундалик дарсларда ёдлаган охириги 5 саҳифани қайтариб олишга фурсат берилади.

Учинчи қисм: Муддати тўлиқ бир соат. Ушбу вақт ичида кундалик дарс топширилади. Бунинг миқдори юқоридаги каби 10 саҳифа ва олдинги дарсда ўтган 5 саҳифадир. Шу билан ҳар бир талаба учун жами 15 саҳифа бўлади. Талабалар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳдан бир талаба туриб, иккинчи гуруҳдаги сабоқдошига топширади. Кейин бунинг акси қилинади. Ҳар бирига ярим соат муддат берилади. Бир-бирларига тасмиъ қилаётган (эшиттириб топшираётган) вақтда бошқа гапга чалғиб, вақтларини йўқотмасликлари учун устоз уларни назорат қилиб боради. Талабаларнинг ёдлаш даражасидан бохабар бўлиб туриш ва улар тасмиъ асносида эътиборни ҳис қилишлари учун устоз ҳар куни камида икки талабадан дарсни ўзи эшитади.

Тўртинчи қисм: Муддати ярим соат, бу вақт талабанинг кейинги кунга тайёрлаши лозим бўлган янги дарсни топшириш учун хослангандир. Бу ишни устознинг ўзи ҳар бир талаба билан алоҳида амалга оширади.

Устоз бу ўринда сабоқдошларига дарсни тўғрилаб олишларида пешқадам, аълочи талабалар ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

## 41. Дарс вақтини тўрт қисмга тақсимлаш жадвали:

Тақсимот	Муддат	Ҳар бир қисмда устознинг иши	Талабанинг иши	Мулоҳазалар
<b>Биринчи қисм:</b> дарсни топшириш	Ярим соат	Устоз янги дарсни барча талабалардан ўзи эшитади. Бунда пухта ёдланганига, тажвид қоидаларини татбиғига риоя қилиб, янги дарсда бирор хато ёки танбехга имкон бермайди	Янги дарсни устозга ўқиб бериш ва дарсни ёдлаб топширишни ниҳоясига етказган кишига мурожаъасини ҳозирлаш	Талаба вақтинини йўқотмаслиги учун устозга дарсни ўқиб беришидан олдин бирорта сабоқдошига ўқиб бериши лозим бўлади
<b>Иккинчи қисм:</b> Мурожаъани ҳозирлаш	Ярим соат	Устоз талабаларнинг тўғри талаффуз қилишларини эшитади. Агар ҳузурда ҳофизлар бўлса, мурожаъани эшитиш вақти бўлгунича кундалик дарсни эшитади	Мурожаъани ва охириги беш саҳифани ҳозирлаш	Мурожаъа охириги беш саҳифадан ташқари ўн саҳифадан кам бўлмаслиги керак. Шунда кундалик йиғиндиси ўн беш саҳифа бўлади
<b>Учинчи қисм:</b> Мурожаъани охириги беш саҳифа билан бирга эшитиш	Тўлиқ бир соат	Устоз тўғри келган икки талабани танлаб, бир-бирларига мурожаъани эшиттиради. Қолганларни ҳам мана шундай тарзда бўлиб чиқади. Бунда мурожаъанинг миқдори ўн саҳифа ва охириги беш саҳифа бўлишига аҳамият қилади	Мурожаъани эшитиш ва талаба ёд олган охириги беш саҳифа йиғиндиси ўн беш саҳифа бўлади	Мурожаъада учтадан кўп хато бўлишига йўл қўйилмайди. Охириги беш саҳифада мутлақо хато бўлмаслиги керак
<b>Тўртинчи қисм:</b> Эртанги дарсни тўғрилаш	Ярим соат	Устоз барча талабаларга дарсни тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда тўғри ўқиб беради. Дарс миқдори талабанинг ёдлаш қобилиятига кўра бўлади	Кейинги кундаги ёдлашга ҳозирлик кўриш учун янги дарсни тўғрилаб олиш	Агар вақт бемалол бўлса, устоз бугунги дарсни ёдламаган талабаларга қайтадан эшиттиришни мумкин

42. Устоз талабага ғунна ва мад ўринларини очик баён қилиб бериши лозим. Масалан, ғунналарга нисбатан ғуннали ҳар бир калима устига доира қўйиш билан. Бунда ғунна ихфо юзасидан бўладими, ёки иқлоб юзасиданми, ёхуд ташдидли «нун» ва «мим»даги ташдид сабаблыми, фарқи йўқ.

Аммо мадларга нисбатан устоз, мад белгиси бўлган Қуръон ҳарфларидан қайси бир ҳарф бўлишидан қатъи назар, чўзиш зарур эканини талабага билдириб қўйса, кифоя қилади. Бунда мад лозим, муттасил ёки мунфасил бўлиши баробардир.

Буни қуйидаги мисолда аниқ кўришимиз мумкин:

أَوْ نَقُولُوا إِنَّمَا أَشْرَكَ آبَاؤُنَا مِنْ قَبْلُ وَكُنَّا ذُرِّيَّةً مِنْ بَعْدِهِمْ  
أَفَنُهَلِكُنَا بِمَا فَعَلَ الْمُبِطُونَ ﴿١٧٣﴾

(Аъроф сураси, 173-оят).

43. Устоз талабани тўхташ (вақф) ва бошлаш (ибтидо) ҳукмларига одатлантириши лозим. Талаба ёши кичик бўлиши ёки араб тилидаги Қуръон маъноларини тўлиқ тушунмаслиги мумкин. Шу сабабдан устоз талабани мусҳафларда мавжуд бўлган вақфларни ҳар доим лозим тутишга одатлантириши керак. Аммо нафас етмай қолган ҳолатларда қандай тўхташ ва оятнинг ўртасидан қандай бошлаш кераклигини ҳам ўргатиши, шунингдек, вақф бўлмаган ўринларда оятлар ўртасида тўхташ ҳолатини ҳам билдириб қўйиши лозим. Шунда талаба нафас етмай қолганда қуйидаги калималарда тўхташ, сўнг қироатни яна шундан бошлашни ўрганади:

«ان», «حتى», «لكن», «الا», «خالدین».

44. Қуръон ўрганувчи «Талабанинг назорат рўйхати»да кундалик ҳисоботини ёзиб бориши ва тўлдириши вожиб бўлади.

45. Талабанинг назорат жадвалини тўлдириш намунаси: Назорат жадвали ўн тўрт устунчадан ташкил топган бўлади. Уни тўлдириш шакли қуйидагича:

<i>Маъзу номи</i>	<i>Шарҳ</i>
<i>Сана</i>	Ушбу катак ойнинг ҳафта кунидан бошланишига қараб сана ёзилиши учун бўш қолдирилади
<i>Кун</i>	Ўқув ҳафтасининг кунлари
<i>Кундалик ёдлаш</i>	Янги дарс. Фақат суранинг исми ёзилади
<i>...дан</i>	Янги дарс сифатида бошланадиган оят рақами
<i>...гача</i>	Янги дарс тугайдиган оят рақами
<i>Охириги беш саҳифа</i>	Яъни, талаба янги дарсни ёдлаганда олдинги саҳифани қолдириб, унинг ўрнига янги саҳифа тушади. Топширса (+) аломатини, топширмаса (-) аломатини қўйиш билан қиёяланади
<i>Кундалик мурожаъа: канида ўн саҳифа</i>	Масалан, Мулк сурасининг ярим пораси: (Мулк-Жин) деб ёзиб қўямиз. Ёки битта суранинг ўзиде Бақара сурасининг ярим пораси (Бақара) деб ёзиб қўямиз
<i>...дан</i>	Бу катакда мурожаъа бошланган оят рақами ёзиб қўйилади. Масалан, (16), яъни талаба мурожаъани Мулк сурасининг 16-оятидан бошлади
<i>...гача</i>	Мурожаъа ниҳоясига етган оят рақами, масалан, (охиригача). Яъни, талаба мурожаъани Мулк сурасининг 16-оятидан Жин сурасининг охиригача топширади
<i>Х</i>	Хатолар сони
<i>Т</i>	Танбеҳлар сони
<i>С</i>	Талаба мурожаъадан топширган саҳифалар сони
<i>Тингловчининг исми</i>	Талабадан мурожаъани эшитган шахснинг исми, яъни устоз ёки талабанинг сабоқдоши
<i>Ҳафталик баҳолаш</i>	Талабани ҳафта мобайнидаги фаоллиги ҳамда вазифани бажарганига қараб баҳолаш

**46. Талабанинг назорат ҳисоботи.** Масалан, 1434 ҳижрий йилнинг жумодул аввал ойи. Талабанинг исми: Фалончи Фалончиев. Кафедра: Таҳфизул Қуръон. Устознинг исми: Фалончи Пистончиев

№	Кун	Кундалик ёдлаш. Суранинг исми	дан	гача	Охириги беш саҳифа	Кунлик мурожаъа канида ўн саҳифа	дан	гача	Х	Т	С	Эшиттувчи исми	Ҳафталик баҳолаш
3	Шанба												Аъло
4	Якшанба	Анкабут	19	25	+	Зумар – Гофир	32	40	1	4	10	Зафар ворн	Жуда яхши
5	Душанба	Анкабут	26	36	+	Гофир – Фуссилат	41	46	0	3	10	Баҳодир корн	
6	Сешанба	Анкабут	37	44	—	Фуссилат – Зухруф	47	35	1	0	10	Аҳад ворн	Яхши
7	Чоршанба												Ўрта
8	Пайшанба												Заиф
10	Шанба												Аъло

11	Якшанба																	Жула яхши
12	Душанба	Касас	29	35	+	Мурожаъни ёдламади	+	+	3	3	-	Зафар қори						
13	Сешанба	Ёдламеди			+	Сябъ - Ёсин	33	21	0	3	10	Абдуллох қори						Яхши
14	Чоршанба																	Ўрта
15	Пайшанба																	Заиф
17	Шанба																	Аъло
18	Якшанба																	Жула яхши
19	Душанба	Намл	1	16	+	Касас - Анкабут	51	44	1	1	10	Ҳаҷонгир қори						
20	Сешанба	Намл	17	35	+	Анкабут - Луқмон	45	10	1	1	10	Раҳматуллох қори						Яхши
21	Чоршанба	Намл	36	45	+	Луқмон - Аҳлоб	11	30	0	5	10	Ҳасан қори						Урта
22	Пайшанба																	Заиф
24	Шанба																	Аъло
25	Якшанба																	Жула яхши
26	Душанба																	
27	Сешанба	Шуғро	66	90	+	Аҳкиф - Фатх	1	23	1	2	10	Ҳусайн қори						Яхши
28	Чоршанба	Шуғро	91	99	+	Фатх - Зорист	24	30	2	2	10	Алишер қори						Ўрта
29	Пайшанба																	Заиф
Ёдланган саҳифалар миқдори			Йук куналарнинг адди			Умумий баҳолаш						Отасининг имзоси	Устозининг имзоси					
25 саҳифа			Йук			Аъло	Жула яхши	Яхши	Ўрта	Заиф								

47. Устоз ҳар бир талабанинг ёдлаши ва мурожаъани баҳолаш мезонини чиройли тарзда амалга ошириши лозим. Буни йил бошидан тўлиқ йил давомида қилиб боради. Ушбу йиллик режани тайёрлашда талаба ва унинг отасини ўзига шерик қилади. Шу орқали ҳар ойда талаба ўтган режага кўра нимага эришгани солиштирилади. Бу билан унинг ҳозирги даражаси ҳамда олдинга силжиши ёки ортада қолиши, шунингдек, бунга сабабчи талабанинг ўзими, ёки устозими, ёхуд ота-онасими, билиб олинади.

48. Талабаларни ёдлаш ва мурожаъа учун баҳолаш мезони. Масалан: 1434 ҳижрий йил учун:

№	Талабанинг исми	Январ		Феврал		Март		Апрел		Май		Июн		Июл		Август		Сентябр		Октябр		Ноябр		Декабр	
		Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш	Дарс	Қайтариш
1																									
2																									
3																									
4																									
5																									
6																									
7																									
8																									
9																									
10																									
11																									
12																									
13																									
14																									
15																									

Мулоҳазалар: а) дарс катагига талаба бир ой мобайнида ёдлаши кутилаётган саҳифалар адади ёзилади. Масалан, кунга ярим саҳифа ёдлайди: + 26 кун (бир ойлик дарс кунларининг адади) – 13 саҳифа ва ҳоказо...

б) қайтариш (мурожаъа) катакларига талаба бир ой ичида қайтариши кутилаётган жузлар адади ёзилади. Масалан, бир кунда 10 саҳифа қайтаради + 26 кун – 13-20 пора ва ҳоказо...

в) устоз баҳолаш мезонини ишлатиш асносида биринчи ва иккинчи фасл синови кунларига, икки ҳайит байрамидаги ижозатларга ва юзага чиқиб қолиши мумкин бўлган бошқа ишларга риоя қилиши лозим. Шунда мезон мақсадга мувофиқ ва амалий суратда бўлади.

**49. Талабанинг янги дарсни ёдлаш ва қайтариш режаси (мезони).** Масалан, 1434 ҳижрий йил учун:

Йил	Ойлар	Янги дарс			Кунлик қайтариш			Мулоҳазалар		
		Баҳолаши	Амалий	Фарқ (+)	Баҳолаши	Амалий	Фарқ (+)	Ўзг. кунлари	Дарс %	Қайтариш %
1	Январ									
2	Феврал									

3	Март									
4	Апрел									
5	Май									
6	Июн									
7	Июл									
8	Август									
9	Сентябр									
10	Октябр									
11	Ноябр									
12	Декабр									
Йиллик жавобнома										

Талабанинг отасининг исми: .....

Устознинг исми: .....

Мудир: .....

Танишишдан кейинги имзо: .....

Устознинг имзоси: .....

Мулоҳаза: Баҳолаш режасини ишлатишда ҳар йил бошида режа қилиб олинади ва шу асосда йил давомида талабанинг амалий даражаси кузатиб борилади. Шу йўл орқали талабадаги заиф ва кучли даражаларнинг сабаблари ҳамда масъулият чегараси маълум бўлади. Яъни, натижанинг сабабчиси талабанинг ўзими, устозми, отами ёки уларнинг барчаларими...

**50. Тасмиъ (эриштлириб ўқиб топшириш) асносида талабанинг хато ва танбеҳлари:** ушбу хатоларни ўзининг Мусҳафига рангли қалам билан белгилаб қўйиши лозим. Шунда ўша жойга қайта мурожаат қилиши ва уни яхшилаб ёдлаб олиши ўзи учун ҳам, устози учун ҳам осон бўлади ва белгилаб қўйилган ўринда иккинчи бор хато қилмайди. Шунингдек, рангли қалам билан ишора қилиш талабанинг дарсга енгил қараб, устоз унинг Мусҳафига қора қалам билан қўйган ишорани бошқалар билиб қолишидан уялиб, ўчириб ташлашининг олдини олади. Ҳар бир талабага хос Мусҳаф бўлишидаги муҳим фойда ҳам мана шу. Талаба ишора қилинган заиф ўринларни кўпроқ такрорлаб олиши лозим бўлади.

**51. Талаба Аллоҳ таолонинг икромии билан Қуръоннинг бир порасини тугатганида, ушбу жузни яна яхши-**



лаб қайтариб олиши лозим бўлади. Устоз унинг яхши ва пухта ёд олганини текширувдан ўтказади. Ёд олган жузини бирорта хатосиз ўқиб бермагунича кейинги жузни ёдлашни бошлашига изн бермайди. Чунки бир жузда хатоларга енгил қараш ёдлашнинг заифлашишига ва кунлар ўтиши билан ёд олинган нарсалар хотирада қолиши қийинлашишига олиб боради.

**52. Талабанинг Қуръонни пухта бўлмаса ҳам, тез кунларда ёдлаши устоз ёки ота-она мақсади бўлмаслиги керак.** Улар кўпинча тугатиб бўлганидан кейин яна мурожаъа қилиб чиқади, деган баҳонани ҳужжат қилишади. Чунки мурожаъани кечиктириш ёдлаганларини яна қайтадан хотирага келтиришни ниҳоятда қийинлаштиради. Баъзан эса худди олдин ёдламагандек, энди янгидан бошлаётгандек туюлади. Унутганларини тиклаш учун кўп куч сарфлашга тўғри келади.

Аммо ёдлаганини кунда мурожаъа қилиб турадиган, аввал бошдан устозига ўқиб берадиган талабанинг ёдлаганлари хотирасида мустаҳкам ва пухта жойлашади. Қуръонни тугатганидан кейин ҳам уни яна мустаҳкамлаб олишга қийналмайди. Ана шу пайтда қилган меҳнатининг қийматини билади ва эккан нарсасининг мевасини теради.

**53. Устоз ўз талабаларига чиройли ўрнак бўлиши лозим.** Устоз сўзлаши, хатти-ҳаракати, ташқи кўриниши, кийиниши, дарсга кечикмасдан, ўз вақтида келиши жиҳатидан талабаларига намуна бўлиши лозим. Шунда талабалари олдида ҳурматга сазовор бўлиб, қилган насихати улар томонидан қабул қилинади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Қуръон соҳиби инсонлар ухлаган вақтда, кечаси туриши, инсонлар оғзи очиқ бўлган кундуз кунлар рўзаси, инсонлар бефарқ бўлган масалаларда тақвosi, инсонлар фахрланаётганда тавозеси, инсонлар ўйин-кулги қилганда ҳафалиги, инсонлар кулганларида йиғиси ва инсонлар гап-сўзларга киришиб кетганда сукути билан билиниб туриши керак»<sup>116</sup>.

**54. Қуръони каримни хатм қилиб бўлгандан кейинги ишлар.** Талаба Аллоҳнинг ёрдами билан юқорида зикр

<sup>116</sup> Ажуррий. «Ахлоқу ҳамалатил Қуръон».

килиб ўтилган услубда Қуръонни тўлиқ тугатиб бўлганидан кейин ёдлаганини мустаҳкам эгаллаб олиши учун қуйидаги услубларга эргашиши лозим бўлади.

### **Биринчиси, мустаҳкамлаш хатми:**

– Бу хатмда талаба ёд олган Қуръонини мустаҳкамлаб олади. Бақара сурасининг аввалидан бошлайди. Ҳар куни уйда беш саҳифани пухта тажвид билан бирор хато ёки танбехга йўл қўймасдан ёдлайди. Биринчи босқичнинг аввалидан устоз унинг қироатини бевосита ўзи эшитади. Қуръоннинг (мустаҳкамлаш хатми) бошдан-оёқ тўлиқ бўлгунича ҳар куни шу тарзда давом этади. Талаба ушбу хатмни тугатиши учун бир юз қирқ кун (тақрибан тўрт ярим ой) керак бўлади.

– Талаба беш саҳифадан ўқиб эшиттириш(тасмиъ)ни тугатганидан кейин олдингисини, яъни мустаҳкамлаш хатмида ёдлаганини камида уч порадан эшиттириши лозим бўлади. Мана шундай тарзда биринчи мустаҳкамлаш хатми тугатилгач, иккинчи хатм бошланади. Бунда кунига беш саҳифа ўрнига тўлиқ бир порадан ёдлайди. Устози билан бирга кунига уч пора, беш, етти, ўн порадан қайтаради. Шунда у кунига тасмиъдан олдин қайтариб олмасдан ёки тайёргарликсиз, бирор хато ёки танбехга йўл қўймасдан, ўн порани ўқиб эшиттиришга имкон топади.

– Талабани Қуръони каримни санади Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) боғланган қироат билан тугатишига ундаш лозим. Бунинг йўли – аввал тиловат ва ёдлаш даражасига кўтарилишга ҳаракат қилади. Сўнг Қуръонни тўлиқ ўқиб бериш учун пухта, санадга эга ижозат берилган устозни қидиради. Бас, мана шуни амалга ошириб, бошқаларни ўқитишга ижозат олганидан кейин ҳам ўзига таълим берган устозлари олдига мунтазам бориб туриши керак. Баъзилар ижозатни қўлга киритганидан кейин, мақсадга эришдим деб ўйлаб, дангасалик ва сусткашлик қилишади. Аслида эса, иш у ўйлагандек эмас. Балки, у мана шу ҳолатида янада кўпроқ дарс олиши ва бериши ҳамда тажвид ва қироат илмларини, уларга боғлиқ бошқа Қуръон илмларини кенгроқ эгаллаши лозим бўлади.

Саъид ибн Жубайр (раҳматуллоҳи алайҳи) айтадилар: «Киши таълимни давом эттириш билан олимликка эришади. Агар илмни тарк қилса ва ўзида бор илм билан кифояланиб қолса, энг жоҳил инсон бўлади».

**Иккинчиси, ижозат хатми (хатматул ижоза):**

Бу юқорида ўтганидек, талаба ёдлаб, тўлиқ хатм қилган Қуръонни қироат санадида Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) боғланган, ижозат олган моҳир устозга пухта ва тажвид билан ўқиб беришдир. Талаба ўқиб бўлгач, устоз унинг ушбу омонатни кўтарқшга лойиқ эканига ишонч ҳосил қилгач, хоҳлаган вақтида ва ҳалол бўлган ҳар қайси ўринда ўқишига ва ўқитишига ижозат беради. Талаба ушбу ижозатни қўлга киритишга мушарраф бўлганида ўрганган нарсасининг закотини адо қилиш вожиб бўлади. Илмнинг закоти эса уни ўргатишдир. У ҳам ўзига таълим берган устозлари сингари Қуръон қироатини ўрганаман деган талабаларга ўргатиши лозим. Шунда у Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, уни бошқаларга ўргатганларингиздир», деган сўзларидаги яхшилар қаторига кирган бўлади.

## ЕТТИНЧИ БОБ

**ҚУРЪОНИ КАРИМНИ БИР ЙИЛДАН ОЗ МУДДАТДА  
ЁДЛАБ НИҲОЯСИГА ЕТКАЗГАН ҲОФИЗ УЧУН УНИ  
ТАРКИЗ (ЖАМ) ҚИЛИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИ**

### ИККИНЧИ НАМУНАВИЙ ДАСТУР

**ҚУРЪОНИ КАРИМНИ ЁДЛАШНИ НИҲОЯЛАГАН  
ҲОФИЗ УЧУН УНИ БИР ЙИЛДАН ОЗ МУДДАТДА  
МУСТАҲКАМЛАБ ОЛИШ УСУЛИ**

Бу икки босқичга кўра бўлади:

Биринчи босқич: Итқон (янги дарсни ёдлаб, мустаҳкамлаш), мурожаъа (такрорлаш, устозга топшириш) ва вирдга риоя қилиш учун ўнта асосий қоида;

Иккинчи босқич: Итқон, мурожаъа ва вирднинг ўн кунга тақсимланган амалий дастури.

## БИРИНЧИ БОСҚИЧ

**Итқон (янги дарсни ёдлаб мустаҳкамлаш), мурожаъа (такрорлаш, устозга топшириш) ва вирдга риоя қилиш учун ўнта асосий қоида**

Улар қуйидагилар:

1. Беш бетдан иборат кундалик вазифани худди Фотиҳа сурасини ёд олгандек, бетма-бет мустаҳкамлайди. Бу қуйидаги услубда амалга оширилади: имконига қараб бир бетдан, бир-икки оятни олиб, ёд бўлгунича беш марта қараб ва беш марта қарамасдан такрорлайди. Сўнг кейинги икки-уч оятни олиб, худди шундай тарзда такрор қилади. Бунда аввалги оятнинг охирини кейинги оятнинг бошига улаб қўйишга риоя қилиши лозим. Сўнгра ёдланган ушбу оятларнинг ҳаммасини қўшиб, уч марта ўқийди. Ва бир бет тугагунча мана шу кўринишда давом этади. Сўнг ўша бир бетни Фотиҳа сураси каби яхши пишигунича такрорлайверади. Хато қилган ёки эсига келмай қолган жойларни тўғрилаш ва эсида яхши сақлаб қолиш учун ўн марта қайтариб, пишитиб олади.

Ушбу бет мустаҳкам бўлгач, иккинчи бетга ўтади ва олдинги тартиб бўйича ёдлашни давом эттиради. Пишитиб бўлгандан сўнг бу иккала бетни қўшиб, биргаликда беш марта такрор қилади.

Сўнг учинчи бетга ўтади ва юқоридаги тартибда ёд олади. То беш бет бўлгунича мана шундай бир бет-бир бетдан давом этиб, пишитиб бўлгандан сўнг беш бетнинг ҳаммасини жамлаб, бошидан охиригача камида беш марта такрор қилади. Ва шу билан беш бет ниҳоясига етади.

Ушбу беш бетни яхши ёд олгандан кейин ҳар бир бетни орқадан олдинга қараб такрор қила бошлайди. Яъни, ушбу беш бетнинг охирги бетини беш марта, сўнг ундан олдинги бетни алоҳида тўрт марта такрор қилади ва бешинчисида охирги бет билан қўшиб, уч марта такрорлайди ва бошидаги биринчи бетгача мана шундай давом этади. Аллоҳ таолонинг ёрдами ила ушбу услуб ёрдамида мана шу беш бет Фотиҳа сураси каби жуда яхши пишйди. Агар беш бетга кучи етмаса, тўрт бет, уч бет ёки қудратига қараб ундан ҳам камроқ ёки аксинча, кучи етса, ундан кўпроқ ёд олиши мумкин. Лекин ушбу миқдор ҳар куни ўзгармасдан, давомли бўлиши лозим.

Сўнг хатоси борми-йўқми, билиш мақсадида устозига ўқиб топширади. Топшириб бўлгач, хатони тузатиш учун хато қилган жойини бир-икки калима олдинга ва бир-икки калима кейинига боғлаб, юз марта такрор қилади.

Ҳар куни устозга ўқиб берилган поранинг хатога йўл қўйилган жойларини юз марта такрорлаган ҳолда қайтариб туради.

Кунига мустақил равишда уч порани ўқиб бериш ва хато қўйилган жойларни юз марта такрорлаш билан биргаликда вирдга риоя қилади.

Янги икки пора тўлиқ бўлгач, янги рубъ (беш бет) билан биргаликда эски рубъларни кундалик вазифа сифатида топширади. Бунда учинчи бандда кўрсатилган икки порадан ушбу эски рубълар миқдорчасини қолдиради. Масалан: ушбу босқичнинг иккинчи куни бир рубъ, учинчи куни икки рубъ, тўртинчи куни уч рубъ ва ҳоказо.

Беш бет-беш бетдан янги икки порани етказгач, шу икки поранинг ўзини кундалик мурожаъа йўлига кўра устозга топширади. Бунда 3-бандда кўрсатилган эски кундалик икки пора мурожаъасини қолдиради.

Янги учинчи порага ўтгач, ҳар куни эски, пишиб бўлган мурожаъадан икки порадан ортиқчасини қолдириб, шу ортиқчани кундалик шахсий вирдига қўшиб ўқийди. Масалан: учинчи порани бошлаганининг иккинчи куни бир рубъ, учинчи куни икки рубъ, тўртинчи куни уч рубъни ва ҳоказо тарк қилиб, ушбу тарк қилинган рубъларни кундалик вирдида етиб келган бошқа жойидаги икки пораю уч рубъ билан биргаликда қайтаради. Учинчи куни тарк қилинган икки рубъни ўтган тартибга кўра бошқа вирдидаги икки ярим пора билан биргаликда қайтаради. Тўртинчи куни тарк қилинган уч рубъни кундалик шахсий вирдидаги икки пораю бир рубъ билан биргаликда қайтаради. (Шунда ҳар куни жами уч порадан вирд қилаётган бўлади.)

Шу тариқа ўн пора бўлгач, йигирма кун танаффус қилиб, иккинчи бор ушбу ўн порани орқадан олдинга қараб пишита бошлайди. Яъни, кундалик равишда орқадан ярим порани Фотиҳа сураси каби бетма-бет биринчи бандда зикр қилингандек тартибда пишитиб боради. Бунда кундалик икки поралик мурожаъанинг ва шахсий уч поралик вирднинг ҳам давомийлигига риоя қилади.

Мазкур танаффусдан сўнг ўн биринчи порадан йигирманчи порাগача беш бет-беш бетдан юқорида ўтган тартиб бўйича икки поралик мурожаъа ва уч поралик вирдга риоя қилган ҳолда ўртадаги ўн порани ёдлашга ўтади.

Йигирма пора бўлгач, яна йигирма кун танаффус қилиб, ушбу ўртадаги ўн порани орқадан олдинга ярим порадан саккизинчи бандда айtilган услубда пишитишга ўтади. Танаффус қилиб бўлгач, давом этиб, йигирманчи порадан ўттизинчи порাগача охириги ўн порани ёдлашга ўтади ва шу тариқа Қуръонни тўлиқ Фотиҳа сураси каби пишитиб олади.

## ИККИНЧИ БОСҚИЧ

*Итқон, мурожаъа ва вирднинг ўн кунга тақсимланган амалий дастури (мисол тарзида)*

### **Биринчи кун:**

Пишитиш: Биринчи поранинг биринчи рубъи;

Мурожаъа: Икки пора – биринчи поранинг иккинчи рубъидан учинчи поранинг биринчи рубъигача;

Вирд (вазифа): уч пора – учинчи поранинг иккинчи рубъидан Нисо сурасининг охиригача.

### **Иккинчи кун:**

Пишитиш: биринчи поранинг иккинчи рубъи;

Мурожаъа: Икки пора – биринчи поранинг биринчи рубъи ҳамда учинчи поранинг иккинчи рубъидан тўртинчи поранинг охиригача бўлган бир рубъи кам икки пора;

Вирд: уч пора – Моида сурасининг бошидан тўққизинчи поранинг биринчи рубъигача.

### **Учинчи кун:**

Пишитиш: биринчи поранинг учинчи рубъи;

Мурожаъа: икки пора – биринчи поранинг биринчи ярми ва бешинчи поранинг бошидан олтинчи поранинг биринчи ярмигача бир ярим пора;

Вирд: уч пора – тўққизинчи поранинг иккинчи рубъидан ўн иккинчи поранинг биринчи рубъигача.

### **Тўртинчи кун:**

Пишитиш: биринчи поранинг охириги тўртинчи рубъи;

Мурожаъа: биринчи поранинг бошидан уч рубъ ва олтинчи поранинг учинчи рубъидан еттинчи поранинг учинчи рубъи охиригача;

Вирд: уч пора – ўн иккинчи поранинг иккинчи рубъидан ўн бешинчи поранинг биринчи рубъигача.

### **Бешинчи кун:**

Пишитиш: иккинчи поранинг биринчи рубъи;

Мурожаъа: биринчи поранинг тўла ҳаммаси ва еттинчи поранинг охириги рубъидан саккизинчи поранинг учинчи рубъи охиригача яна бир пора;

Вирд: уч пора – ўн бешинчи поранинг иккинчи рубъидан ўн саккизинчи поранинг биринчи рубъигача.

**Олтинчи кун:**

Пишитиш: иккинчи поранинг иккинчи рубъи;

Мурожаъа: биринчи поранинг ҳаммаси ва иккинчи поранинг биринчи рубъи ҳамда саккизинчи поранинг тўртинчи рубъидан тўққизинчи поранинг биринчи ярмигача уч рубъ;

Вирд: уч пора – ўн саккизинчи поранинг иккинчи рубъидан йигирма биринчи поранинг биринчи рубъигача.

**Еттинчи кун:**

Пишитиш: иккинчи поранинг учинчи рубъи;

Мурожаъа: икки пора – биринчи поранинг бошидан иккинчи поранинг ярмигача – бир ярим пора ва тўққизинчи поранинг иккинчи ярми;

Вирд: уч пора – йигирма биринчи поранинг иккинчи рубъидан йигирма тўртинчи поранинг биринчи рубъигача, яъни Зумар сурасининг охиригача.

**Саккизинчи кун:**

Пишитиш: иккинчи поранинг охирги тўртинчи рубъи;

Мурожаъа: икки пора – биринчи поранинг бошидан иккинчи поранинг учинчи рубъигача бир рубъи кам икки пора ҳамда ўнинчи поранинг биринчи рубъи;

Вирд: уч пора – йигирма тўртинчи поранинг иккинчи рубъидан, яъни Ғофир сурасининг аввалидан йигирма еттинчи поранинг биринчи рубъигача, яъни Нажм сурасининг охиригача.

**Тўққизинчи кун:**

Пишитиш: учинчи поранинг биринчи рубъи;

Мурожаъа: икки пора – биринчи ва иккинчи пора тўлиқ;

Вирд: уч пора – йигирма еттинчи поранинг иккинчи рубъи, яъни Қамар сурасининг аввалидан ўттизинчи поранинг биринчи рубъигача, яъни Инфитор сурасининг охиригача.

**Ўнинчи кун:**

Пишитиш: учинчи поранинг иккинчи рубъи;

Мурожаъа: икки пора – биринчи ва иккинчи пора тўлиқ;



Вирд: уч пора – учинчи поранинг биринчи рубъи ва ўттизинчи поранинг охириги уч рубъи, яъни Мутаффифин сурасининг бошидан Қуръоннинг охиригача ҳамда учинчи поранинг иккинчи ярмидан бешинчи поранинг биринчи ярмигача икки пора.

Ва ҳоказо, қолганлари ҳам шунга қиёсан давом этиб бораверади...

## САККИЗИНЧИ БОБ МУТАШОБИҲ ОЯТЛАР

Қуръони каримда икки мингга яқин лафзий кўринишда ўхшаш оятлар келган. Улар гоҳида бир хил кўринишда келади ё бир ҳарфда, ёхуд бир калимада, ёки кўп калимада фарқ қилади. Шунинг учун мужаввид ва мустаҳкам қорилар ўхшаш оятларга ниҳоятда эътибор беришлари лозим бўлади. Ушбу ўхшаш оятларга аҳамият бериши давомида қорининг ҳифзи мустаҳкамлик ва мукамаллик касб этади. Бу бобда ўхшаш оятларни мустаҳкам қилиш йўлларидадан бир нечта намуналар келтирилади.

Мутоввиъий айтади: «Ҳузоййнинг бундай деганини эшитганман: “Ибн Фулайҳага йигирма еттита хатм ўтказганман ва Баззийдан ўттизта хатмни ўтказиб олганман”. Ҳузойй 308 йили Рамазон ойининг саккизинчи, жума куни Маккада вафот этган».

### **17. Исмоил ибн Муҳаммад**

Одамлар унда шуғулланиб, кўп манфаат олганлар. Унинг тилини фақат кўп бирга бўлганларгина тушуна оларди, чунки тилида тутилиш бор эди. Менга етиб келган хабарга кўра, жиҳодда бошига еган зарба сабабидан шундай бўлиб қолган, сўнг Дамашқда қозилик қилган.

### **18. Айюб ибн Мутаваккил**

Ҳижрий 200 йилда вафот этган. Дафн қилинган, Яъқуб унинг қабри устида туриб: «Аллоҳ раҳматига олсин, эй Айюб! Аллоҳнинг Китобини сендан яхшироқ билувчини қолдирмадинг», деган.

### **19. Абул Аъло Ҳамадоний**

Шавкати улўғ эди, шунинг учун қайси юртдан ўтса, албатта, уни кўрган одам, ҳаттоки болалар ва яҳудийлар ҳам унинг ҳақиқага дуо қилар эди. Куннинг ярмини Қуръон ва илм ўқитиш билан, иккинчи ярмини эса ҳадис ўқитиш билан ўтказарди. Султонлар ҳузурига бормас ва Аллоҳ йўлида ҳар қандай маломатларга парво қилмас эди.

### **20. Ҳамадон ибн Авн**

Умар ибн Арок деди: «Ҳамадон ибн Авннинг бундай деётганини эшитдим: “Ибн Ҳилолга 300 та хатм ўтказганим-



дан сўнг мени Исмоил Наххосга олиб келиб: “Бу шогирдим, у менга жуда яхши (тажвидли) ўқиб берди. Энди уни сен ол”, деди. У мени (шогирдликка) олди ва унга икки марта хатм қилиб бердим, яъни яхшилаб ўқиб бердим. Доний у зот чамаси 340 йилларда вафот этганини таъкидлайди».

### **21. Халаф Баззор**

Ҳижрий 150 йили туғилган. 10 ёшида Қуръонни ёд олган. 13 ёшида илм талабини бошлаган. У ишончли, улуғ, зоҳид, обид ва олим инсон эди. Ундан қилинган ривоятда бундай дейилган: «Нахвдан бир боб менга тушунарсиз бўлиб қолганда, 80 000 дирҳам сарфлаб, ёдлаб олдим (ёки билиб олдим)». Шунингдек, ундан қуйидаги ривоят қилинади. У ўзининг Баззор дейилишини ёқтирмас ва «Мени Мухрий деб чақиринглар», дер эди. Девонхона ишчиси Аҳмад ибн Иброҳим дейди: «Унинг бундай деяётганини эшитдим: Куфага келиб, Сулаймнинг ҳузурига борган эдим, У: «Сени нима олиб келди?» деди. Мен: «Абу Бакр ибн Иёшга Қуръон ўтказишга келдим», дедим. У ўғлини чақириб, Абу Бакрга бир қоғоз ёзиб берди (унга нима ёзганини билмайман) ва биз Абу Бакрнинг олдига келдик. Қоғозни ўқиб, менга боқди ва: «Сен Халафми?» деди. «Ҳа», дедим. «Бағдодда ўзидан кўра қироатда кучлироғини қолдирмаган сенми?» деди. Индамадим. «Менга кел, ўқи», деди. «Сенгами?» дедим. У: «Ҳа», деди. Мен: «Аллоҳга қасамки, ҳофизи Қуръонни менсимаган одамга ўқимайман», дедим ва чиқиб кетдим. У Сулаймни юбориб, мени қайтаришини сўраган эди, кўнмадим. Кейин эса афсус қилдим. Керак бўлиб қолганда Осим Яҳё ибн Одамдан ёзиб олдим».

### **22. Абул Яман Киндий**

Қуръонни 7 ёшида Хайётнинг неварасидан олган ва 10 ёшлигида 10 қироатда ўқиган. Бундай ҳолат ундан аввал ҳеч кимда кузатилмаган. Энг ажабланарлиси, умри узун бўлгани ва дунёда қироатлар ва ҳадис борасида танҳо ўзи юқори санадли бўлганидир. 83 йил қироат билан шуғулланган.

### **23. Ибн Қирот**

Умавийлар жомесида оғзаки равишда ва ривоят асосида ишроқ (қуёш найза бўйи кўтарилган вақт) намозидан пешинга яқинлашгунга қадар кишиларга Қуръон ўқитар эди. Жомега уни кўтариб келишарди. Ўйлашимча, Дамашқда одамлар ора-

сида Абу Амр қироатини ёйган шу киши бўлади. Ўшангача бу ерда Ибн Омир қироатини ўрганар эдилар, яна Аллоҳ билгув-чирокдир. Ҳижрий 508 йили шаъбон ойида вафот этган.

#### **24. Сулаймон Аъмаш**

Ундан ривоят қилинишича: «Аллоҳ таоло инсонларни Қуръон билан зийнатлаган, мен ҳам Қуръон билан зийнатланганларданман. Агар шундай бўлмаганида, бўйнимга кўкат ва сабзавотлар солинган идишни осиб, Куфа кўчаларини кезиб юрар эдим». Ундан кўплаб қизиқ ҳикоя ва латифалар ривоят қилинган. Бир куни у талабалари олдига чиқиб (ҳазиллашиб): «Агар уйимда сизлардан кўра ёмон кўрадиган кишим бўлмаганида, сизнинг олдингизга чиқмаган бўлар эдим», деган. У 148 сана рабиул аввал ойида вафот этган<sup>122</sup>.

#### **25. Абу Ҳотим Сижистоний**

Баззор Хусайн ибн Тамимдан қилган ривоятда бундай дейилган: «Абу Ҳотим Басрада олтмиш йил Рамазонда тарових ва бошқа намозларни ўқиб берган бўлса, бирор кун хато қилмаган, бирор кун қироатни бузмаган, бирор ҳарфни тушириб қолдирмаган ва бирор марта маъно тўлиқ тугалланмаган жойда тўхтамаган». Муҳаммад ибн Исмоил Хаффоф айтади: «Абу Ҳотим ва унинг ота-онаси тунни уч бўлакка бўлиб олишган эди. Отаси туннинг учдан бирида бедор бўлса, онаси кейинги учдан бирини бедор ўтказар эди. Абу Ҳотим эса кечанинг кейинги учдан бирини қоим қилар эди. Унинг отаси оламдан ўтгач, она-бола тунни иккига бўлиб, қоим қила бошлашди. Онаси ҳам вафот этганидан кейин Абу Ҳотимнинг бир ўзи туннинг ҳаммасини бедор ўтказадиган бўлди»<sup>123</sup>.

#### **26. Абулфазл Воқифий**

Абулфазл Воқифийнинг Кисоий билан «Имола» масаласида мунозара қилгани ривоят этилган. Абу Амр айтади: «Агар дўстларимдан фақат Аббоснинг ўзи бўлганида ҳам мен учун кифоя қиларди». Ҳофиз Заҳабийнинг айтишича, унинг машҳур бўлмаганига сабаб дарс бермагани эди. У ҳижрий 105 санада туғилиб, 186 йили вафот этди. Ҳофиз Абул Аъло шу ривоятни тўғри деган<sup>124</sup>.

<sup>122</sup> Ибн Жазарий. "Ғоятун нихая фий табакотил қурро", 1/316 - бет.

<sup>123</sup> Ўша манба, 1/320 - бет.

<sup>124</sup> Ўша манба, 1/353 - бет.

## **27. Хайётнинг набираси Абу Муҳаммад**

Хижрий 541 йил рабиул охирда Бағдодда вафот этди. Жанозасини Валийуллоҳ шайх Абдулқодир Жилий ўқиди ва Имом Аҳмад воҳасидаги бобоси Абу Мансурнинг ёнига дафн этилди. Жанозасидаги жамоат саноксиз эди. Шаҳарнинг аксар қисми ёпиб қўйилди. Абул Фараж ибн Жавзий: «Унинг жанозасидаги каби катта жамоатни кўрмаганман», деди.

## **28. Абдуллоҳ Дорир Ажмий**

Пешқадам қироат устози, умавийлар жомесида қироатларни ўқитишдаги икки манбанинг бири. Кимда ўқиганини билмайман, бироқ етти қироатни ўқиётганида «Шотибия» ва унинг шарҳларини олдига келтириб олганини кўрганман. Агар кимдир бирор масалани тадқиқ қилишни истаб қолса, жавобини очиб, қўлини узатиб, ўша масала бор китобни чиқариб, очиб, талабага тутқазиб, унинг қўлини масала ёзилган жойга қўйиб қўяр эди. У билан кўп бора тўқнаш келганман. Жоменинг шимолидаги «Ғаззолия» хонақоҳида турар эди. Хижрий 770 йилларда вафот этган.

## **29. Ибн Салор**

Мен биринчи бўлиб манфаат кўрган, лозим тутган устоз бўлиб, «Шотибия»ни унда ўқиб, ўтказиб, тўғрилаб олганман. Унга Абу Амр қироатида хатм қилиб бердим ва у ижозат берди. Ўшанда ёшим балоғатга анча етмаган ўспирин эдим. Шунингдек, Ҳамза қироатида ҳам хатм қилдим. Қўшиб ўқиб беришни қасд қилганимда услуб ёмонлиги учун рухсат бермади. Кейин Раъд сурасини охиригача Нофеъ ва Ибн Касир қироатларини жамлаб ўқиб бердим. Бироқ қарасам, менинг ишим чўзилиб кетар экан, шунинг учун ва бошқа сабабга кўра уни тўхтатдим<sup>125</sup>.

## **30. Али ибн Ҳамза Кисойй**

Ибн Дуруқий дейди: «Кисойй ва Язидийлар Рашиднинг ҳузурида эканида намоз вақти кириб қолди ва Кисоййни олдинга ўтказдилар. “Қул йа аййухал каафирун”нинг қироатида унинг тили титраб кетди. Шунда Язидий: “Қул йа аййуха”нинг қироати Куфа қорисини қалтиратади”, деди. Кейин яна намоз вақти бўлганда Язидийни имомликка ўт-

<sup>125</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун нихая фий табакотил курро”.

казган эдилар, “Ал-хамду” қироатида унинг тили титраб кетди. Салом берганидан сўнг шеър ила деди:

*Тилимни асра, гапирмагин, ўзинг мубтало бўлурсен,  
Албатта, балолар тил туфайлидир.*

### **31. Абул Ҳасан Дороний**

У Дариянинг имоми. Умавийлар жомесининг имоми ва-фот этганда қози ва бир гуруҳ аъёнлар уни жомега имом қилиш учун Дарияга келдилар. Шунда Дария аҳли уни олиб қолиш учун курашга чиқдилар. Қози эса: «Эй Дария аҳли, дамашқликлар имомлик борасида сизларга эҳтиёжлари тушгани ҳақидаги хабар бутун ўлкага тарқалиб кетишини хоҳламайсизларми?» деди.

Бунга жавобан улар: «Рози бўлдик», дедилар. Унга бир хачир берилган эди. Минмасдан, ўз эшагига миниб, улар билан кетди ва шарқий минорада истиқомат қилди. У ерда ўрта айвон шарқида қироат ўқитар, имомликка ҳақ олмас ҳамда Қуръон ўқиганлардан егулик ҳам қабул қилмай, ўзининг Дариядаги еридан нон ер эди. У ердан ўзига керак бугдойни олиб келиб, тегирмонга ўзи олиб чиқар ва янчиб, ҳамир қориб, нон қиларди.

### **32. Абул Ҳасан ибн Қилол**

Баъзи устозларим менга хабар қилдиларки, Ибн Қилол қироатни ўқитган кишиларидан ҳақ олмагунча, уларга ижозат<sup>126</sup> бермас эди. Узоқ юртдан бир киши унинг ҳузурига келиб, қироатларни охирига етказди ва ижозат сўради. Шунда Ибн Қилол ҳақ бермаса, ижозат йўқлигини айтди. Камбағал бўлгани учун бу нарса унга оғир келди ва қалби ўқсиб, қайтиб кетди. Ўша кеча у тушида Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўради: у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг аҳволини сўрайдилар. У ҳам ҳолатини айтиб, устозининг гапидан шикоят қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: «Йўқ, эртага қайтгин ва унга: “тўда-тўда” бўлиб киришади”нинг ҳақидан”, деб айтгин», дейдилар.

<sup>126</sup> Қайси илм бўлмасин, ўргангандан сўнг устоз уни ўргатишга ҳақли деб топса, шу илмининг асосчиларидан ривоят бўлиб келаётган санад билан унга рухсат (бизлардаги “фотиҳа”га яқинроқ) беради.

Эртаси тонг отгач, у ўша шайх ҳузурига борди ва кўрган тушини айтиб берди. Шайх: «Тўғри айтдинг, ўғлим!» деб йиғлади, қилган иши учун Аллоҳ таолодан истиғфор сўради ва Қуръонни ўқитган кишиларидан бирор нарса олмасликка ваъда берди. Шундан кейин ўша шогирдига қироатдан ижозат берди. Шайх бу ҳолат ҳақида сўралганида, у: «Мен тунда қироат қилиб, Фотир сурасининг 32-ояти: **ثُمَّ أَوْرَثْنَا الْكِتَابَ الَّذِينَ اصْطَفَيْنَا مِنْ عِبَادِنَا** «Сўнгра бу Китобни Ўз бандаларимиздан танлаб олганларимизга мерос қилдик» деган жойига етиб, **جَنَّتْ عَيْنٌ يَدْخُلُونَهَا** «Улар адн жаннатларига кирурлар» оятини ўқиганимда, ўзимга ўзим: «Уларнинг ҳаммаси бирданига киришармикан ёки бу қандай бўлар экан?», деб ўйлаб қолдим. Сўнг ухладим ва тушимда Расулуллоҳни кўрдим. У зот: “Улар тўп-тўп бўлиб киришади”, деб ўйлаган оятимнинг шарҳини айтдилар», деди<sup>127</sup>.

### 33. Исо ибн Мийно Қолун

Наққош айтади: «Мен Имом Қолундан: “Сиз Имом Нофеъга неча бор Қуръон ўқиб бергансиз?” деб сўрадим. У: “Азбаройи кўплигидан неча марта ўқиб берганимни билмайман, лекин Қуръонни тўлиқ ўтказганимдан кейин устозим билан йигирма йил бирга ўтирганимни биламан”, деди». Усмон ибн Харзоз айтади: «Бизга Қолун Имом Нофеънинг: “Қачонгача сен менга ўқиб берасан, сўрига ўтир, олдинга ўқиб берадиган кишини юбораман”, деганини гапирди»<sup>128</sup>.

Менга Абу Муҳаммад Бағдодий: «Қолун карнайни ҳам яхши эшитмайдиган киши эди, лекин агар бирор қори Қуръон ўқиб берса, уни эшитар эди», дея ҳикоя қилган. Ибн Абу Хотим айтади: «Кар кишига (яъни Қолунга) ҳам Қуръон ўқиб берилар эди, у қорилар оғзига қараб, хато ва лаҳнларини тўғрилар эди». У яна айтган: «Мен Али ибн Ҳусайннинг бундай деганини эшитганман: «Исо ибн Мийно Қолун жуда қаттиқ кар бўлиб қолган киши эди. Унга Қуръон ўқиб берилса, қорининг оғзига қараб турар, унинг лаҳни ва хатосини тўғрилар эди».

<sup>127</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табақотил курро”, 1/552-бет.

<sup>128</sup> Ўша манба, 1/615-бет.

### 34. Абу Убайд Қосим ибн Саллом

Ибн Анборий айтади: «Абу Убайд Қосим ибн Саллом ўзи учун тунни тақсимлаб қўйган эди: учдан бирида намоз ўқир, учдан бирида ухлар, учдан бирида эса китоб ёзар эди. Биз Абу Убайднинг «Мен кишилар билан муомала қилдим, калом аҳли билан гаплашдим-у, рофизийлардан кўра кирчиркин, хужжати заиф ва аҳмоқ кишиларни кўрмадим», деганини эшитганмиз<sup>129</sup>.

### 35. Қутайба ибн Мехрон

Қутайбадан ривоят қилинишича, у: «Мен Қуръонни аввалидан охиригача Кисойга ўқиб бердим ва Кисой ҳам бошидан охиригача менга ўқиб берди», деган. Яна: «Мен Кисойга ўн беш йил ҳамсухбатлик қилдим ва дўстлари билан шерик бўлдим», деган. Шунингдек: «Мен Абул Ҳасан Кисойга йигирма неча бор хатм қилдим ва йигирма неча бор у билан ҳамсухбат бўлдим», деган. Ва яна: «Мен Кисойга хоҳишига кўра ўқиб берардим, у эса менга Мадина аҳли кироатида ўқиб берар эди», деган<sup>130</sup>.

### 36. Молик ибн Динор

Қутайба айтади: «Ибн Динор пул эвазига китоб ёзар эди. У Қуръонни пухта ёд олган кишилардан бўлиб, ҳар куни Қуръондан бир пора ўқиб, уни охиригача етказар эди. Агар Қуръоннинг бирор ҳарфини тушириб қолдирса, буни ўзидан ўтган бирор гуноҳ сабабли деб билар ва: “Чунки Аллоҳ таоло бандасига зулм қилмайди”, дер эди. 127 санада вафот этди»<sup>131</sup>.

### 37. Ибн Базҳон

Умму Солиҳ<sup>132</sup> тупроғида тунислик катта шайхлар қолмагач, ҳеч ким талаб қилмаса ҳам, бу мақомни Ибн Базҳон эгаллади. Чунки у ўша пайтда қироат борасида энг билимдон киши бўлиб, Ажам кўчасининг бир чеккасида истиқомат қилар эди. Ибн Базҳон ўша жойнинг бир жоме масжидида намоз ўқир ва пешиндан асргача бўлган вақтда шайхлар

<sup>129</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табақотил қурро”, 2/18-бет.

<sup>130</sup> Ўша манба, 2/26-бет.

<sup>131</sup> Ўша манба, 2/36-бет.

<sup>132</sup> Қоҳира яқинидаги “Турбату Уммус Солиҳ” номли улкан илм даргоҳи, 682 йилда Молик Мансур Қаловун барпо қилдирган.

хузурига борар, кейин дарс бериш учун ўтирар эди. Ғоятда камгап бўлиб, у ёқ-бу ёққа қарамас, туфламас ва томоқ ҳам қирмас эди. Унинг хузурида ўтирган киши ҳам ўзини худди шу ҳолатда тутарди. Ибн Базҳон олдида ўтирган қорига бармоқлари билан ишора қилиб, тажвиднинг дақиқ ўринларидан бўлмиш бирор ғунна ва ташдидни тарк қилишига йўл қўймас, агар шогирди ўша жойни унутиб қолдирса, шу заҳоти тўхтатиб, қайта-қайта такрорлатар, қори қироатнинг бирор жойини унутса, қўлини бўйрага урар, шогирд келиб, хатосини тўғриласа, давом этишига рухсат берар, тўғриламаса, қори чарчагунича: «Тўғри ўқимадинг», деб ўша жойни такрорлатаверар, агар у чарчаб қолса, хатога йўл қўйган жойини ёзиб берар эди. Талаба Куръонни тугатиб, ижоза сўраганида унинг бошқа хатмларидаги унутган ва хато қилган жойларини сўрар, қори ўша хатоларини тўғрилаб жавоб қилгандагина, унга ижоза, яъни қироат қилиши учун рухсатнома ёзиб берарди. Агар қори аввалги хатоларини яна такрорлайдиган бўлса: «Бу ҳолатингда сенга рухсат бера олмайман», дер эди. Имомнинг мана шундай ўзига хос одатлари, услублари бор эди.

У умри давомида Сайф ибн Ҳаририй ва Ибн Наҳладан бошқа узоқ юртлардан ўқиб бериш учун келган бирор кишига изн бермаган. Шу билан бирга, у бирор кишига бурилиб боқмайдиган, бирор кишидан бирор вазифа талаб қилмайдиган, дину диёнатли, камсуқум, истараси иссиқ киши эди. Ибн Базҳон Умму Солиҳ тупроғида ёддан Куръон ўқишни ўзига шарт қилиб олганди. Хузурига бирор таниш киши келса, вазифасини тўхтатиб, унга қараб жавоб беришга тутинарди. Ўзига яраша гўзал хулққа эга бу инсоннинг отасидан мерос қолган моли бор эди. Шу билан бирга, у чиройли талаффузи, тажвидни яхши билиши билан танилган бўлиб, қасидани шарҳлаган ва «Ҳамза товуши» бобигача етган эди. Бу асар таснифи ғоят мураккаб бўлиб, у ҳақда Абдулваҳҳоб ибн Салор: «Мусанниф бу шарҳнинг қоралама кўринишини фикри бир тўхтамакга келгунга қадар қайта-қайта тўғрилаб ёзарди. У худди китоб ёзишга қийналган олимга ўхшар эди», деган<sup>133</sup>.

<sup>133</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун нихая фий табакотил курро”, 2/57. 58-бетлар.

### 38. Тақийуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Соиғ ал-Мисрий

Устозлар ва улардан бошқа бир қанча кишилар имом Тақийуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Соиғ ал-Мисрий (рахматуллоҳи алайҳи) ҳақларида бир воқеани айтиб беришди: У кишитажвидилмида устоз эдилар. Бир куни бомдод намозида *وَنَقَمَدَ الظِّلِمَ فَقَالَ مَا لِي لَا أَرَى الْهَدْمَ أَمْ كَانَ مِنَ الْعَائِيَتِ* – «Ва қушларни текширди-да: «Нега худҳудни кўрмаётирман? Ёки у го-йиблардан бўлдимми?!»<sup>134</sup> оятини ўқиди. Устоз ушбу оятни бир неча бор такрорлади. Шунда бир қуш келиб, устоз бошига қўнди-да, қироатларини охиригача эшитди. Одамлар қарашса, у қуш худҳуд (сассиқпопишак) экан.

Устоз имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Али Бағдодийдан нақл қилинади: «У кишига қироат ва тажвид илми борасида улуғ насиба берилган эди. Унинг қироатини эшитган бир қанча насоро ва яҳудлар мусулмон бўлишган».

Имом Тақийуддин Соиғ ишончли, адолатли, муҳаррир ва қироатдан дарс беришда сабрли устоз эди. Менга аскарларнинг нозири Қози Муҳибуддин имомнинг кишилар кўп бўладиган жойларда ҳам, таомга чақирилганда ҳам Қуръондан дарс беришни тарк қилмаслиги ҳақида хабар берди<sup>135</sup>.

### 39. Абу Мансур Хайёт

Абу Саъид ибн Самъоний айтади: «У (Абу Мансур Хайёт) нинг ўз махсус вирди (вазифаси) бўлиб, у қариб қолганига қарамай, шом билан хуфтон орасидаги вақтда тик туриб ва ўтириб, Қуръоннинг еттидан бирини ўқир эди. У каромат соҳиби эди». Ибн Нажжор айтади: «Абу Мансурда Қуръон ўқитган кишилар сони етмиш мингтага етар эди. Мен ушбу маълумот Ҳофиз Абу Наср Юнортий хати билан ёзиб қўйилганини кўрганман».

Абу Мансур Хайёт ҳижрий 499 сана муҳаррам ойининг 16-куни, чоршанба, 99 ёшда вафот қилган. Абу Мансур ибн Хайрун айтади: «Абу Мансур Хайётнинг жанозасидек халойиқ кўп, баракотли бўлган жанозани кўрмаганман». Силафий айтади: «Солиҳ кишилардан бўлган Али ибн Айсар:

<sup>134</sup> Намл сураси, 20-оят.

<sup>135</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табақотил курро”, 2/66-бет.



«Абу Мансурнинг жанозасида иштирок этдим, халойиқ бу қадар кўп бўлган бошқа жанозани кўрмаганман. Ҳатто бир яҳудий келиб, ушбу оломонни кўрди-да: “Гувоҳлик бераман-ки, шубҳасиз, бу дин ҳақдир”, дея Исломни қабул қилди”, дейди». Салафий айтади: «Шайх Абу Мансур вафотининг иккинчи жумасида Муътаман Ножий менга: “Бугун унинг қабри устида 221 маротаба хатм қилинди”, деди». Самъоний дейди: «(Абу Мансур) вафот этганидан кейин уни тушларида кўриб, ундан: “Аллоҳ сенга қандай муомала қилди?” деб сўрашганида, у: “Аллоҳ мени болаларга Фотиҳа сурасини ўргатганим сабабли мағфират қилди”, деб жавоб берган экан».

#### **40. Имом Шуъла Муҳаммад ибн Аҳмад Мавсалий**

Шайх Абу Бакр Жазарий у ҳақда шундай дейди: «Мавсалда унинг жуда ажойиб дарсини тингладим. Сўнг устози Али ибн Абдулазиз Ирбалийнинг шундай деганини эшитдим: «Шуъла ёнимда ухлаб ётар эди. У бирдан уйғонди-да, менга: “Мен Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрдим. У зотдан илм сўраган эдим, менга бир нечта хурмони едирдилар”, деди. Ана шу пайтдан буён у очилиб, чиройли гапирадиган бўлиб кетди». У ҳижрий 656 йилнинг Сафар ойида 33 ёшида Мавсалда вафот этган.

#### **41. Абу Бакр Наққош**

Абулҳасан ибн Фазл Қаттон дейди: «Ҳижрий 351 сананинг шаввол ойи, 3-куни Наққошнинг жони узилаётган пайтда унинг олдида эдим. Икки лабини қимирлата бошлади, сўнг баланд овозда *لَيْتَ هَذَا فَلْيَعْمَلِ الْعَمَلُونَ*<sup>136</sup> – «Бас, амал қилгувчилар мана шунга ўхшаш нарса учун амал қилсинлар!» дея уч марта нидо қилди ва жони узилди».

#### **42. Ибн Шужаъ Балхий**

Ибн Шужаъ Балхий Имом Аҳмад ва унинг асҳобларини ҳақоратлаган ҳамда имом Шофиъийни ҳам маломат қилган. Васиятида: «Ким Куръонни махлуқ деса, унга меросимнинг учдан бирини васият қиламан», деб ёзган. Вафоти яқинлашгач, бунинг барчасидан қайтиб, улар ҳақида мақтовли сўзлар айтган. У 264 санада арафа кунги аср намозининг охириги саждасида вафот этди. Бир ривоятда эса: «266

<sup>136</sup> Соффот сураси, 61-оят.

йили зулҳижжа ойининг ўнинчисида вафот қилди», дейилган. Шояд бу ҳолат Аллоҳ таоло у кишининг тавбаларини қабул қилганининг аломати бўлса<sup>137</sup>.

#### **43. Шамсиддин ибн Соиф**

Ибн Жазарий: У киши араб тили ва қироатдан дарс беришни Уммавий жоме масжидида бошлаган. Шамсиддин ибн Соифдан шайхимиз Ибн Лаббон ҳам «Шотибия» манзумасини ўқиб ўтказган. У кейинчалик Қоҳирага қайтиб келиб, у ерда тафсир илмидан дарс бера бошлади. Бошқа қироатларда тўлиқ ўқишга унинг рухсати йўқ эди. Мисрга Шайх Умар Хаффоф келганида, Шамсиддин ибн Соиф ўқиб бериш учун унинг ҳузурига борган эди, тунги пайтдан бошқа бўш вақти йўқлигини айтиб, узр сўради. Шамсиддин ибн Соиф кечаси унинг олдига келиб, Қуръонни ўн қироатда тўлиқ ўқиб берди.

Мен 69-йили Шамсиддин ибн Соиф олдига борганимда, устозим Ибн Жундий у билан мени кўриштирди. Мен унга ўқиб беришни истаган эдим, рухсат қилмади. Кейинчалик бу ишга лаёқатли эканимни кўргач, кечаси келишимга рухсат берди. Унинг олдига тун ярмидан ўтганда келар эдим. Ўша йили у кишига Қуръонни «Шотибия», «Тайсир» ва «Унвон» каби тажвид китобларидаги қоидаларга мос равишда етти қироатда ўқиб бердим. Кейинчалик, 71 йили унинг ҳузурига иккинчи бор келиб, унга Тақийуддин ибн Соифдан олган ижозасига мувофиқ Қуръонни етти ва ўн қироатда ўқиб бердим. Қачон устозим ҳузурига кечаси борган бўлсам, у кишини ҳовлисининг рўпарасидаги бир супада ўтирган ҳолда топар эдим. Мен устозимга иккинчи бор хатм қилиб ўтказганимда, ўз қўллари билан ижоза ёзиб бердилар. У кишидан бизнинг, яъни шофиъийлар шайхи Жамолиддин Абдурраҳим Аснавий ҳузурига мен билан бирга боришларини сўраган эдим, рози бўлдилар ва Қоҳирадан Носирия мадрасасига – Аснавий ҳузурига бордик ва мен у кишидан қироат таълимини олганимни айтдилар. Чунки шайхимиз Аснавий менинг қироатдан таълим олганимни билмас эди. Устоз Аснавий менга: “Қироатлардан ижоза олдингми?” дедилар. Шамсиддин ибн Соиф эса: “Нафақат қироатни, балки бошқа илмларни ҳам

<sup>137</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табақотил қурро”, 2/153-бет.

яхши билади”, деди. Сўнг устоз Аснавий: “Мен бу каби закий йигитни кўрмаганман”, деди ва у кишидан менинг ҳақимга умримнинг узоқ бўлишини сўраб дуо қилишларини сўради. Икки устозим: “Аллоҳ хоҳласа, умри узоқ бўлади”, дея қўлларини дуога кўтаришди. Аллоҳ таолога шукрки, уларнинг дуолари ижобат бўлди. Бугунги кунда улардан ривоят қилган мендан бошқа ровий борлигини билмайман. Аллоҳ таоло уларни ўз раҳматига олган бўлсин»<sup>138</sup>.

#### **44. Абу Бакр Исфаҳоний**

Исфаҳоний: «Мен Мисрга борганимда саксон минг (динор) пулим бор эди. Уларни саксонга Қуръон қилиш учун сарф қилдим», деган. У ҳижрий 296 санада вафот этди<sup>139</sup>.

#### **45. Ибн Молик**

Баъзи қироат шайхлари ривоят қилишларича, у қироат ўргатувчи шайх вазифасида ўтирар эди. Ўз хонасида дарс олувчиларни кутаркан, ҳузурига бирорта дарс олувчи киши келмаса, хонасининг деразаси ёнига бориб: «Қироатлар! Қироатлар! Арабча! Арабча!» деб айтар, сўнг дуо қилиб, жойига қайтиб ўтирар ва ўзига ўзи: «Мен зиммамдаги ҳақни шу иш билан оқлайман, холос. Гоҳида менинг бу жойда ўша иш учун ўтирганим билинмай қолади», дер эди<sup>140</sup>.

#### **46. Абу Осим Зарир**

Осим Зарқондан ривоят қилишича, бир киши Абдуллоҳ ибн Масъудга Тоҳо сурасини ўқиб берди. У сура бошидаги Тоҳо сўзини шу шаклда ўқиб берган эди, Ибн Масъуд уни «Тиҳи» шаклида ўқидилар. Шогирд ҳам шу шаклда қайтарди. Ибн Масъуд яна қайта ўша шаклда ўқидилар ва: «Расулulloҳ менга шу шаклда ўргатганлар, Жаброил (алайҳиссалом) ҳам у зотга шу шаклда нозил қилган», деди.<sup>141</sup>

#### **47. Абу Жаъфар Боқир**

Абу Жаъфар Боқирдан ривоят қилинишича, у киши: «Агар сиз Ихлос сурасининг биринчи оятини ўқисангиз, «Аллоҳу Аҳад ас-Сомад», Фалақ сурасининг биринчи оятини ўқиганингиздан кейин эса, «Аъзузу би Роббил фалақ», денг.

<sup>138</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табакотил курро”, 2/163,164-бетлар.

<sup>139</sup> Ўша манба, 2/170-бет.

<sup>140</sup> Ўша манба, 2/181-бет.

<sup>141</sup> Ўша манба, 2/195-бет.

Нос сурасининг биринчи оятини ўқиганингиздан кейин эса «Аъзу би Роббиннаас», деб айтиб қўйинг», дедилар<sup>142</sup>.

#### **48. Абу Абдуллоҳ Хаббозий**

Абу Абдуллоҳ Хаббозий Ғазнага султон Маҳмуд ибн Субуктакиннинг подшоҳлик даврида келган бўлиб, подшоҳ уни жуда ҳурмат қилар эди. Абу Абдуллоҳ Хаббозий шундай дейди: «Мен султон ҳузурига кирганимда, у мендан биринчи ҳарфи «ғойн» бўлган оят ҳақида сўради, мен унга Ғофир сурасининг 3-оятидаги «Ғофиризмамби»ни ўқиб бердим».

#### **49. Абулфатҳ Ансорий**

Саховий оламдан ўтгач, Умму Солиҳ диёрида шайхлик мақомига Ибн Моликий сайланди. Унинг бу мансабдаги фаолияти кўпга чўзилмади – оламдан ўтиб қолди. Шундан сўнг бу мақомга Абулфатҳ Ансорий сайланди. У шундай хабар беради: «Бизга шайхимиз қозиюл-қуззот Аҳмад ибн Хусайн Кифарий оталари айтиб берган бир ривоятни сўзлаб берган. У: «Мен бу диёрга келганимда, аллома Абу Шомма билан Абулфатҳ Ансорийлар орасида низо чиқиб қолди. Ўша мунозара шарти – ўша диёрнинг қироат илмидаги билимдони ким эканини аниқлаш эди. Улар ўша ишга маъсул киши ҳузурига боришди ва бу ишда улар орасида ҳакамлик қилувчи киши ҳақида сўрашди. Ҳакам сифатида шайхимиз имом Илмуддин Қосим Лавракий сайланди. У икки олимга қараб: «Мен сизлардан Имом Шотибийнинг Имом Ҳамза ва Имом Ҳишомларнинг вақф қилиши бобида келган:

«Бундан бошқа ўринларда ҳамза байна-байна (ўртача)<sup>143</sup> талаффуз қилинади. Калима охирида келган ҳамзанинг тасҳил (енгил) бўлишида Ҳишом Ҳамза билан бир хил деган байтни изоҳлаб беришингизни сўрайман, дейди».

Ушбу байтнинг шарҳи тўғрисида Имом Абу Шомма «ҳамза»нинг асли, турлари ва бу ҳақда наҳв олимларининг фикрлари, унинг ўқилишига олиб келган сабаблар, мазкур байтга тегишли луғат, эъроб, маънолар, баён, бадий, аруз ва қофиялар ҳақида ёзди. Имом Абулфатҳ эса, фақат «ҳам-

<sup>142</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табақотил курро”, 2/202-бет.

<sup>143</sup> Ҳамза товуши остидаги ҳарф оралиғида жойлашган товуш билан талаффуз қилиниши.

за”да вақф қилишга тегишли маълумотларни келтириш билан чекланди. Илмуддин Қосим Лаврақий улар ёзган маълумотлар тўғрисида тўхталиб, Абу Шомма ҳақида: «Бу киши имомлардан биридир», деган бўлса, Абулфатҳ ҳақида эса: «Бу киши мукрий – қироат ўргатувчи олим», деди. Ишга масъул бўлган кишида Абулфатҳга мойиллик бор эди. Бу мусобақани ўтказишдан мақсад ҳам мукрий – қироат ўргатувчи олимни аниқлаш эди. Мусобақада қироат бўйича расмий рухсат Абулфатҳга берилди. Мусобақа иштирокчилари кетадиган пайтда Абу Шомма жаҳли чиққан ҳолда Илмуддин Қосим Лаврақийга қараб: “Эй шайх! Мени сўйдинг-ку! Мен сендан яхшилик чиқади, деб ўйлаган эдим. Уларни бу даражада жоҳил деб ўйламагандим!” деди».

#### **50. Абу Бакр ибн Анбарий**

У зотнинг аввал ёзган ва энг чиройли китоблари «Ал-вақфу вал ибтидо»дир. Имом Доний айтадилар: «Мен баъзи дўстларимиздан эшитдим: Ибн Анбарий «Ал-вақфу вал-ибтидо» китобини тасниф қилганларида Мужоҳидга (раҳматуллоҳи алайҳи) олиб келинди. У зот китобни кўриб: “Менинг нафсим ҳам мана шундай китобга риоя қилишини хоҳлардим, ёшлар бу китобни ва мусаннифни тарқ қилмасайди!” дедилар». Жаъфар ибн Муъоздан ҳикоя қилинади: «Жаъфар жоме масжидида эдилар. Кишилар бир оятнинг маъносини сўрашди. Жаъфар: “Бу оятнинг ўн хил кўриниши бор”, дедилар. Шунда улар: «Ундай бўлса, бизга ҳам келтиринг», дейишди. Шунда у зот: “Бу Ибн Анбарийнинг китобидир”, дедилар».

#### **51. Ибн Имом**

Унинг ўғли Муҳиддин Иброҳим менга хабар бериб, деди: «Отам вақф ва ибтидо ҳақида китоб ёзди. Шунда қироат талабалари шоҳ Носир Муҳаммад ибн Қаловунга шикоят қилиб: “У ўзи билмаган нарсаси ҳақида китоб ёзибди”, дейишди. Султон китобни олиб, кўздан кечириб чиқиши учун шайх Абу Ҳайёнга юборди. Абу Ҳайён: “Бу китобга яхши назар билан эмас, балки танқидий ёндашган эдим, қайта қараб, бу бобда ёзилган китобларнинг энг гўзали деб билдим. Аллоҳ таоло унинг муаллифини улуғ мукофот ила

мукофотласин”, дедилар. У зот 745 йили рабиул аввал ойининг йигирманчи куни Қоҳирада вафот этганлар.

### **52. Ибн Мақрун**

У ҳақда Заҳабий бундай дейди: «У солих, обид, муқрий, муҳаққиқ, қироатларда беназир устоз эди. Олтмиш йил Аллоҳнинг розилиги учун Куръон ўқитган, ҳатто оталар, фарзандлару набираларгача дарс берган ва бунинг эвазига ҳеч ҳақ олмаган. У ўзининг қўл меҳнати билан ризқ талаб қиларди».

У зот ривоятларни Сибт Хайёт, Абул Карам Шаҳразурийга ўқиб берган. Шунингдек, Али Саббоғ, Абулфатҳ Абдуллох ибн Байзовий, Абу Ҳасан ибн Абдусалом ва бир нечта устозлардан қироатларни эшитган. Ибн Мақрун қадри улуғ, хайри бисёр, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарувчи зот эди. У ҳақда Ҳофиз Абу Абдуллох ибн Нажжор шундай дейди: «Шунчалик кўп инсонларга дарс берганки, уларнинг саноғини билиб бўлмайти».

Ҳижрий 577 йили рабиул охир ойида вафот қилган. Тобути қабргача ҳеч ким жойидан силжимаган ҳолда бошлар узра етиб борган. Бу кишининг жанозасидан кўра кўпроқ жамоат йиғилган жанозани кўрмаганман. У зот салобатли, дуоסי ижобат бўлувчи инсонлардан эди.

### **53. Муҳаммад Шамс Самарқандий**

Тажвид китоби билан машҳур зот.

### **54. Ибн Шиҳоб Зухрий**

Абу Занод деди: «Мен Зухрий билан тавоф қилдим. Унинг қўлида лавҳ ва саҳифалар бор эди. Биз у билан ҳазиллашар эдик. Зухрий нимани эшитса, шуни ёзиб оларди. У инсонларнинг энг билимдони эканини унга эҳтиёж сезилганда билдим».

Лайс айтади: «Ибн Шиҳоб бундай деган: «Мен қалбимга нимани жо қилган бўлсам, ҳеч қачон унутмаганман».

У зот олмани ёмон кўрар ва: «Олма унуттиради», дер эдилар. Асални кўп истеъмол қилардилар ва: «У зехни чархлайди», дердилар.

### **55. Абу Муҳаммад Харот**

Соҳибимиз Абулмаъолий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Хаттибнинг менга хабар беришича, у киши Абу Муҳаммаднинг

вафотидан сўнг уни тушларида юзлари сарғайган ҳолда кўрган экан. Ҳолини сўраганида у зот: «Яхши, лекин бир оят ҳақида сўралганимда жунуб ҳолимда жавоб берганим сабабли менга нима бўлганини сўрамагин», дебдилар. Ибн Хатиб: «У зот оятни айтган эдилар, бироқ мен унутдим», деди.

#### **56. Муҳаммад ибн Маккий Жузайний**

Ибн Жазарий: «Муҳаммад ибн Маккий ибн Муҳаммад ибн Ҳомид Абу Абдуллоҳ Жузайний Шофиъий. Менга юборган таклифномасида исмини ўз қўли билан шундай ёзган эди. Бироқ у шиалар шайхи ва шу мазҳаб мужтаҳиди бўлган. 720 йили туғилган. Ироққа сафар қилиб, ибн Мутоҳхир ва бошқалардан илм олган. Қироатларни Ибн Мўминнинг асҳобларига ўқиб берган. У фикҳ, наҳв ва қироат имоми. Анча муддат менга ҳамроҳ бўлган. Мен ундан суннатга хилоф бирор нарса эшитмаганман. Шундай бўлса-да, унинг баъзи фикрлари сабабли унга қарши ҳужжат қоим бўлган. Дамашқда у сабабли мажлис уюштирилди, унинг аҳли сунна мазҳабида эканига ҳукм қилиш учун ҳаракатлар бўлди, бироқ ҳукм қилинмади. Натижада иши моликийларга топширилди ва қатл қилиниши буюрилди. Сўнг Дамашқ қалъаси остида қатл этилди. Мен бу пайтда Мисрда эдим»<sup>144</sup>.

#### **57. Ибн Ахрам**

Муҳаммад ибн Али Суламий дейди: «Ибн Ахрам ҳузурига навбат олиш учун эшик оғаси олдида бир кеча турдим. Мендан олдин ўттиз нафар қори кириб чиқди ва то асргача менга навбат келмади.

Абдулбоқий шундай дейди: «Пешин намозидан сўнг намозгоҳда унинг жанозасида иштирок этдим. Кун иссиқ эди. Тобути устида намозгоҳдан то қабригача бир булут кўтарилиб борди. У оят(мўъжиза)га ўхшар эди».

#### **58. Абу Бакр Таммор**

Ибн Жуландо деди: «Тамморга ўқиб бердим ва унга йигирма саккиз дирҳам бердим. Менга айтишича, у Рувайсга бир сафар йигирма тўрт маротаба ва яна бир сафар йигирма уч маротаба тўла хатм қилиб ўтказган. Мен унинг вафотидан сўнг унинг масжидида икки йил таълим бердим».

<sup>144</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табақотил курро”.

## 59. Абу Абдуллоҳ Хуросоний

Муҳаммад ибн Юсуф ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Абдуллоҳ Хуросоний Мукрий – аҳли Куръонни мадҳ этиб битилган ажойиб қасида соҳиби. Бу қасида аввали бундай бошланади:

*Билинги, ҳар бир соҳадаги сўзларнинг энг авлоси  
Аввали Аллоҳга ҳамд ва шукр билан бошлангани.  
Эй Ҳомилул Куръон, сенга жаннат бўлсин! Тинглагин,  
Куръонни ўқиб, ўргатганларнинг фазилатларин.  
Шубҳасиз, улар саодат ва тақво эгаларидир,  
Аллоҳнинг қуруқлигу денгиздаги бандаларининг гўзалидир,  
Улар пайғамбарлардан қолган илмнинг ворисларидир,  
Аллоҳнинг шаҳару қишлоқларидаги махлуқотларининг энг  
яхшисидир.*

*Аллоҳ нубувватни уларнинг қалбларига омонат қўйган,  
Аллоҳнинг саҳрою боғлардаги омонатдорларидир...*

Ушбу қасида етмиш байтдан иборат бўлиб, ниҳоятда чиройли битилган.

## 60. Ибн Шуқайра

Узоқ ўлкаларга тижорат мақсадида сафар қилган. Кейинчалик Куръон ўқитиш билан машғул бўлган ва узоқ яшаган. Менга маълум бўлишича, ўзидан қирқ минг динор сарфлаб, масжид қурдирган. Миср ва Шомда ҳадис айтган. Тахминан 656 йилларгача умр кўрган.

## 61. Абу Дихя Мисрий

Имом Доний Абу Дихя Мисрийдан ривоят қилиб айтади: «Мен Лайс ибн Саъднинг китобини олиб, Нофеънинг ҳузурига сафар қилиб борганимда, кишиларга унинг барча қироатларда Куръон ўқиб бераётганини кўрдим. Мен унга: «Эй Абу Рувайм, бу нимаси?» дедим. У: «Субҳоналлоҳ! Куръоннинг савобидан маҳрум бўлайми? Мен кишиларга ҳамма қироатдан таълим бераман, ҳатто бирор киши мендан бир ҳарфни ўқиб беришни талаб қилса, мен унга ўша ҳарфда Куръон ўқиб бераман», деди.<sup>145</sup>

<sup>145</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табақотил курро”, 2/304-бет.



## 62. Муғийра ибн Абу Шиҳоб

Язид ибн Абу Молик айтади: «Биз Абдуллоҳ ибн Омир ҳузурда Куръон ҳофизларининг бир жамоасида ўтирган эдик, Муғийра ибн Абу Шиҳоб Махзумий эсга олиниб, у ҳақда салбий фикр айтилди. Шунда Абдуллоҳ ибн Омир: «Мен Муғийрага Куръон ўқиб берганман, у эса Усмонга (розияллоҳу анҳу) ўқиб берганлардан эди», деди<sup>146</sup>.

## 63. Муфаззал аз-Зобий

Ҳофиз Абу Амр айтади: «Бану Аббос ҳақида келган хабарда айтилишича, Рашид унга: «Эй Абу Муҳаммад, Аллоҳ таолонинг Бақара сураси 137-оятда келган *فَيَسْئَلُكُمْ اللَّهُ* (фасаякфикаҳумуллоҳ) жумласида нечта исм келган?» деб сўради. У: «Унда учта исм мавжуд бўлиб, «Йа» ҳарфи Аллоҳ таолонинг исми, «каф» ҳарфи Муҳаммад алайҳиссаломнинг исмлари, «ҳа» ва «мим» ҳарфлари эса кофирларнинг исмлари», деди».

Абу Зайд Ансорий: «Мен Осимнинг ҳузурига Куръон ўқиб бериш учун борар эдим, бирор сабаб билан унинг олдига бора олмай қолганимда, у менинг уйимга келар эди», деганини эшитдим», деди. Ибн Муборакка Муфаззалнинг вафоти ҳақида хабар етганида қуйидаги шеърни ўқиди:

*Менга кўп олимларнинг вафоти ҳақида хабар етган бўлса,  
Муфаззал ҳам улардан бири эди.*

*Энди, Муфаззалдан кейин қандай қилиб кўз хурсанд  
бўлгуси?!*

## 64. Маккий ибн Абу Толиб

У киши солиҳлиги ҳамда дуоси ижобат бўлиши билан машҳур ниҳоятда яхши, диндор киши эдилар. Бир куни Маккий ибн Абу Толиб хутба қилаётганида бир киши у кишини масҳара қилди. Уни дуоибад қилган эдилар, жойидан туролмайдиган бўлиб қолди»<sup>147</sup>.

## 65. Мунтажаб Ҳамазоний

Абу Шомма «Зайл» асарида Мунтажаб Ҳамазоний ҳақида: «У тажвидни яхши билувчи, мукриъ бўлиб, шайхимиз Са-

<sup>146</sup> Ибн Жазарий. «Ғоятун ниҳая фий табакотил курро», 2/305-бет.

<sup>147</sup> Ўша манба, 2/307-бет.

ховийдан «Шотибия» қасидасини ўрганишда кўп манфаат олган. Сўнгра у ўша «Шотибия» қасидасини шарҳлашга шу даражада киришиб кетдики, сузишни билмайдиган одам денгизга шўнғиган мисоли эди, натижада у шайхимиз таълими ва ифодасини унутди». Заҳабий айтади: «Мен Низом Табризийнинг бундай деганини эшитганман: “Мен шайхимиз Саховийдан беркитиб, Қуръонни Мунтажабга тўрт ривоятда ўқиб берар эдим. Чунки Саховийга ўқиб берган киши Мунтажабга ўқиб беришга журъат қила олмас эди. Баъзи талабалар мен ҳақимда Саховий ҳузурида гапирибди. Шунда шайх, бу бошқаларга ўхшамайди, ўқийди ва кетади, ортиқча гапни кўпайтирмайди, деб фақат менга дин илмига рухсат берди”».

### **66. Маввос ибн Саҳл**

Абу Бакр Исфаҳоний айтади: «Бир жамоа Юнус ибн Абулаълонинг ҳузурига боришди. Мен ҳам улар билан бирга эдим. Улар Юнус ибн Абулаълодан Нофеънинг қироатида Қуръон ўқиб беришини сўрашган эди, у ўқишдан ўзини тийди ва: “Қироат қилиб бериш учун Маввосни чақиринглар ва унинг қироатига қулоқ тутинглар. Бу иш учун сизларга ижозат бераман”, деди. Маввос Қуръонни аввалидан охиригача бир неча кунда тиловат қилиб берди. Мен ҳам унинг қироатини эшитдим»<sup>148</sup>.

### **67. Абу Масъуд Асвад**

Абу Масъуд Асвад Исфаҳоний Мисрдаги жоме масжидида Нофеъ қироатидан дарс берар эди. Мен у зотга Қуръонни Нофеъ қироатига асосан бир неча бор тўлиқ ўқиб бердим. У Нофеъ қироатидан бошқа қироатда ўқимас, мисрлик дўстларига кўп хилоф қилар эди. Абу Масъуд Асвад чўзиладиган ҳарфларни кўп чўзар эди. Унинг сакталари худди ихфога ўхшар эди. У «улаика» сўзида «улаа», деб бир тўхтаб, кейин «ика»ни айтар эди.

### **68. Имом Нофеъ**

Нофеъдан (раҳматуллоҳи алайҳи) қироат ўрганган бир киши шундай дейди: «Агар Имом Нофеъ тиловат қилса, оғзидан мушк хиди таралар эди. Мен у кишига: «Эй Абу Абдуллоҳ! Эй Абу Рувайм! Сиз кишиларга тиловат қилиш учун ўтирганингизда, атрофга хушбўй хид таралади», де-

<sup>148</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун нихая фий табақотил курро”, 2/316-бет.

сам, у зот: “У пайт мен хушбўй нарса суртмайман ва бирор хушбўй нарсага яқинлашмайман ҳам. Лекин мен тушимда Набийни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрдим. Ул зот оғзимга Қуръон тиловат қилдилар, шу ондан буён оғзимдан хушбўй ҳид келишини ҳис қила бошладим”, деди». Мусаййабий айтади: «Нофеъга: “Юзингиз ва яратилишингиз мунча ҳам гўзал?” деб савол берилганида, у: “Нечун бундай бўлмайин! Мен тушимда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан қўл бериб кўришиб, у зотга Қуръон ўқиб берган бўлсам”, дедилар»<sup>149</sup>.

Нофеъдан ривоят қилинади: «Ўтириб Қуръон ўқиётган эдим, шу пайт Авн ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд олдимдан ўтиб қолди ва менга: «Эй биродаримнинг ўғли! Қачон тик туриб қироат қиласан? Қариб, касал бўлиб қолганингдами?» деди. Шундан кейин ўтириб қироат қилмадим, қачон қироатга тушсам, у икки кўзим олдида гавдаланиб турарди»<sup>150</sup>.

#### **69. Абу Амр Жаҳзамий**

Бир киши ундан қози бўлишини сўраганида, унга: «Аллоҳга истихора қилайин-чи», деб икки ракат намоз ўқиди ва жон таслим қилди. Бу воқеа ҳижрий 250 сананинг рабиул охир ойида бўлган эди.<sup>151</sup>

#### **70. Ибн Табр**

Ибн Жазарий: У Ибн Завжухуррадан охирги ривоят қилган киши эди. Мен кўп марта унга ёддан ва қараб Қуръон ўқиб берганман. Унинг олдида иссиқ кунларда келар эдим. У масжиднинг тепасига чиқамиз, деб, зинага мендан олдин кўтариларди. То вафот этгунига қадар яхши эшитар, яхши кўрар ва тўрт мучаси соғ эди. Абу Мусо Мадиний у ҳақда: «Олдин яхши кўрмас эди, кейинчалик яхши кўрадиган бўлиб қолди», деган.<sup>152</sup>

#### **71. Ҳишом ибн Аммор**

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Фараж Андалусий, яъни Абу Абдуллоҳ Ҳумайдий: “Менга Бағдодда баъзи аҳли ҳа-

<sup>149</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табакотил курро”, 2/332,333-бетлар.

<sup>150</sup> Ўша манба, 2/333-бет.

<sup>151</sup> Ўша манба, 2/338-бет.

<sup>152</sup> Ўша манба, 2/350-бет.

дислар Ҳишом ибн Аммор бундай деганини айтиб беришди”, дея шундай ривоят қилди: «Мен Аллоҳ таолодан еттита ҳожатимни сўрадим. Аллоҳ таоло улардан олтитасини берди. Биттасини нима қилганини билмайман. Мен У Зотдан мени ва ота-онамни мағфират қилишини сўраган эдим, У бизни мағфират қилдими ёки йўқми, билмайман. Аллоҳ таолодан ҳажга боришимни насиб этишини сўрадим, У дуойимни ижобат қилди. У Зотдан юз йил умр беришини сўрадим, У сўраганимни берди. У Зотдан Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) сўзларида тўғрисиўз бўлишни сўрадим, бу истагим ҳам мустажоб бўлди. У Зотдан кишилар менинг ҳузуримга эртаю кеч илм талабида келиб туришларини сўрадим, бу дуойим амалга ошди. Аллоҳ таолодан Дамашқ минбарида ваъз – хутба ўқишни сўрадим, бу тилагимга ҳам эришдим. Яратгандан минг динор ҳалол пул сўрадим, бу тилагим ҳам насиб бўлди»<sup>153</sup>.

## 72. Яҳё ибн Одам

Исҳоқ ибн Роҳавайҳ йўлидан ривоят қилган эдик: «Яҳё ибн Одамнинг: “Мен Абу Бакр ибн Иёшнинг ҳузурига уч йил қатнадим ва унга Куръоннинг ҳаммасини, валлоҳу аълам, ўқиб бердим”, деганини эшитдим». Ибн Ханбалдан (рахматуллоҳи алайҳи) Яҳё ибн Одам ҳақида сўралганида, у киши: «Мен у кишидан кўра илмни билувчироқ ва кенг қамровлироқ кишини билмайман. У оқил, ҳалим, Абу Бакр ибн Иёшдан кўп ривоят қилган ровий эди. У киши ғилай эди». Абу Тоҳир ибн Абу Ғошим айтади: «Бизга Али ибн Аҳмад Ажалий ва бошқа ровийлар сўзлаб беришган. Улар: «Бизга Абу Ҳошим», у эса: «Бизга Яҳё ибн Одам сўзлаб берди», деган. У айтади: «Мен қирк йилдан буён Осимнинг бу дафтарда мавжуд ҳарф – қироатлари ҳақида Абу Бакр ибн Иёшдан сўраб келдим. У менга уларнинг ҳаммаси ҳақида сўзлаб ва ҳарфма-ҳарф қироат қилиб берди, мен уларга нуқта қўйиб, қайд этиб бордим. Яна мен ундан у менга олдин сўзлаб бермаган ҳарфлар маъноларини ҳам ёзиб олдим. У яна: “Буларни мен сенга ҳарфма-ҳарф сўзлаб берганимдек, Осим менга ўқитган”, деди»<sup>154</sup>.

<sup>153</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табакотил курро”, 2/356-бет.

<sup>154</sup> Ўша манба, 2/364-бет.

### 73. Яхё Язидий

Яхё ибн Муборакдан ривоят қилинади: «Менинг отам Муборак Абу Амр ибн Ало билан дўст эди. У Маккага йўл олди. Абу Амр хайрлашиб, кузатиш учун у билан бирга чиқди». Яхё айтади: «Мен ҳам у билан бирга эдим. Отам хайрлашаётганида мени Абу Амрга васият қилиб қолдириб кетди. Абу Амр то отам келиб, уни кутиб олишга чиққунига қадар мени кўрмади. У мени отамнинг олдида кўриб қолди ва: «Эй Амр! Яхёдан розимисан?» деди. У: «Мен уни сен билан хайрлашганимдан бугунгача кўрганим йўқ», деди. Шунда отам менга қараб: «Абу Амрга Куръоннинг ҳаммасини тик оёқда ўқиб бермагунингча уйга кирмайман», деб қасам ичди. Абу Амр ўтирди, мен эса тик оёқда Куръон ўқиб беришни бошладим, то Куръонни тўлиқ ўқиб бермагунимча ўтирмадим».<sup>155</sup>

### 74. Яхё ибн Вассоб

У қавмига имомликка ўтиб берар эди. Ҳажжож Куфада имомликка фақат миллати араб бўлган имом ўтишини буюрди. Қавми Яхёга: «Ўрнингни бўшат», дейишди. Бу хабар Ҳажжожга етиб борганида, у: «Мен бу каби имомлар имомликка ўтишини тақиқлаганим йўқ», деди. У қавмига бир кун намоз ўқиб бергач: «Мендан бошқа имом топинглар», деди. Сизлар обрўйимни тўкмаслигингизни хоҳлайман. Агар буйруқ менинг фойдамга бўлса-да, сизларга имомликка ўтмайман», деди. Аъмаш айтади: «Агар Яхё намозни адо этса, намознинг соғинчи билинадиган даражада, Аллоҳ хоҳлаганича турар эди. Яхё ибн Вассоб жуда қироати чиройли киши эди, у қироат қилганида масжидда ҳеч ким йўқдек туюларди. Мен уни ўша ҳолида кўрсам, у ҳисоб-китоб учун тўхтади, дер эдим»<sup>156</sup>.

### 75. Абу Жаъфар Қори

Сибтул Хайёт айтади: «Ибн Жаммоз Абу Жаъфардан ривоят қилади: «У кунора рўза тутар эди. Бу Довуднинг (алай-ҳиссалом) рўза тутиш услуби бўлиб, бир муддат шу ҳолатда рўза тутди. Дўстлари ундан бу ҳақда сўрашганида: «Бу ишни нафсимни Аллоҳ таолонинг ибодатига чиниқтириш учун қиламан. Устоз Абу Абдуллоҳ Қассоънинг хатида қироат қила-

<sup>155</sup> Ибн Жазарий. "Ғоятун ниҳая фий табакотил курро", 2/376, 377-бетлар.

<sup>156</sup> Ўша манба, 2/380-бет.

ман», деди. У тун ўртасида тўрт саломли намоз ўқир ва ҳар ракатида Фотиҳа сураси билан узун муфассал сураларни зам қилар ва намоз ортидан ўзи, мусулмонлар, унга Куръон ўқиб берганлар, ундан олдин ва кейин унинг қироатида қироат қилганлар ҳақиқа дуо қилар эди. Сулаймон ибн Муслим айтади: «Мен Абу Жаъфарни вафот этаётганида кўрдим. Унинг ҳузурига ўзи тенги дўстларидан Абу Ҳозим Аъраж келди. Одамлар унинг атрофида қий-чув қилиб юборишди. Абу Жаъфар уларга жавоб бермади. Унинг куёви – қизининг эри Шайба: “Сизларга бир ажойиб ҳолатни кўрасатайми?” деди. Улар: «Ҳа», дейишди. Шайба Абу Жаъфарнинг кўкрагини очди, у ерда худди сутдек оппок юмалоқ нурли айлана кўзга ташланди. Абу Ҳозим ва унинг дўстлари: “Аллоҳга қасамки, бу Куръоннинг нури”, дейишди»<sup>157</sup>.

Нофеъдан ривоят қилинишича, Абу Жаъфар вафот этиб, уни ювишганида, томоғи ва юраги орасида худди Мусҳаф варағидек нарсани кўришди. Ўша жойда ҳозир бўлганлардан бирор киши бу Куръоннинг нури эканига шубҳа қилмади<sup>158</sup>.

Сулаймон ибн Абу Сулаймон Умарийдан ривоят қилинишича, у тушида Каъба ёнида Абу Жаъфарни кўриб: «Абу Жаъфармисиз?!» деб сўради. У эса: «Ҳа! Менинг номимдан дўстларимга салом айт ва уларга Аллоҳ таоло мени ризқланган, тирик шаҳидлардан қилганининг хабарини бер ва яна Абу Ҳозимга ҳам салом йўлла! Сен унга: “Сенга Абу Жаъфар: “Фойдалан, фойдалан! Аллоҳ таоло ва фаришталар кечки пайтлар сенинг мажлисингга назар ташлашади, деб айт”, дегин» деди.

Ибн Жазарий: «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исроил Қассоъ ўз қўли билан Абу Жаъфар вафотидан кейин чиройли суратда тушда кўрилгани ва туш кўрган кишига қараб: “Сен менинг дўстларим ва ҳар бир менинг қироатимда ўқийдиган кишиларга хушхабар етказгин! Албатта, Аллоҳ таоло уларни мағфират этди ва улар ҳақиқа қилган дуойимни ижобат қилди. Уларга айт, кечасида қодир бўлгунларича ўша намозларни ўқишсин!” деганини битиб қўйганини кўрганман»<sup>159</sup>.

<sup>157</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табақотил курро”, 2/383,384-бетлар.

<sup>158</sup> Ўша манба, 2/384-бет.

<sup>159</sup> Ўша манба, 2/384-бет.

## 76. Яъқуб Ҳазрабий

Тоҳир ибн Ғалбун айтади: «Менга Абу Усмон Музанийнинг «Тушимда Расулуллоҳни (алайҳиссалом) кўрдим ва у зотга Тоҳо сурасини ўқиб бердим. 58-оятини “маканан сива”, деб ўқиган эдим, у зот: “Сува”, деб, Яъқубнинг қироатида ўқигин”, дедилар”, дегани ҳақида хабар етди».

Унинг зуҳду тақвosi ҳақида шу нарса маълум бўлганки, у бир куни намоз ўқиётганида эғнидан ридосини ўғирлаб кетишади. Лекин ҳеч нарсани сезмайди. Сўнг ўғриланган ридо яна қайтариб олиб келиниб, устига қўйилганда ҳам, намоз билан машғуллиги сабабли ҳеч нарсани сезмайди.

## 77. Ҳамза Зайёт

Халаф ибн Тамим айтади: «Отам оламдан ўтди ва унинг зиммасида қарзи бор эди. Мен Ҳамза Зайёт олдига бориб, қарз эгаси билан гаплашиб, отам қарзидан бирор нарса ўтиб беришини сўрашини илтимос қилдим. Ҳамза менга: “Сенга ёмонлик бўлсин, у менга Қуръон ўқитган эди. Мен ўзим Қуръон ўқитган киши уйдан сув ичишни қариҳ кўраман”, деди»<sup>160</sup>.

Бир куни Ҳамза бир қудуққа тушиб кетди, уни қудуқдан чиқариш учун келган ҳар бир кишидан: «Сен менга Қуръон ўқиб берганмисан?» деб сўрар эди. Улар: «Сизга Қуръон ўқиб берганмиз», дейишса, улар ёрдамида қудуқдан чиқишни хоҳламас эди. Куфа аҳлининг ҳаммаси унинг шогирдлари эди. Улар бу ишни амалга ошира олмадилар. Шунда унинг олдига бир аъробий келиб, унда Қуръон ўқимагани, ундан Қуръон ўрганган кишидан ҳам Қуръон эшитмаганини айтганидан кейин уни қудуқдан чиқариб олди.

Имом Ҳамза қироатни ўргатганига ҳақ олмас эди. Иссиқ ёз кунларидан бирида бир шогирди унга сув берганида, уни ичишдан бош тортган. Имом Шотибий унга “мутаварриъ” – “тақводор”, “парҳезкор” деб ишора қилган.

Шуъайб ибн Ҳарб айтади: «Мен Куфага бордим ва Суфён Саврий ва Шарик ибн Абдуллоҳлар Ҳамзанинг олдида Қуръон ўқиб ўтиришганини кўрдим. Мен ўзимча, учинчиси бўлар эканман-да, деб ўйладим». Ҳамза: «Мен мингта ҳадисни исноди билан Набийдан (алайҳиссалом) ривоят қилдим». Имом

<sup>160</sup> «Қуръон қориларнинг ахлоки» асарининг 179-бет.

Шотибий у иккиси (Суфён Саврий ва Шарик)га «имом» деб ишора қилган. Ҳамза Қуръондан дарс берганидан кейин тўрт ракат намоз ўқир эди. Пешин ва аср намозлари орасида ҳамда шом ва хуфтон орасида ҳам намоз ўқир, туннинг аксарият қисмини бедор ўтказарди. Имом Шотибий унга «сабур» – «сабр қилувчи» деб ишора қилган. Бир ривоятда: «Мен уни қачон кўрмайин, Қуръон ўқиб ўтирган бўларди», дейилган. Ривоят қилинишича, Ҳамза ҳар ойда йигирма беш ёки йигирма етти марта хатм қилар эди. Имом Шотибий у кишига «мураттил» – «тартил билан ўқувчи», деб ишора қилган<sup>161</sup>.

### **78. Янги уйланган бир киши**

Абу Убайд айтади: «Мен Шужоъ ибн Валиддан ўз исноди билан сўзлаб берганини эшитдим. Бир киши ҳузурига аёли кирганида намоз ўқишни бошлаган экан. Тонг отиб кетибди ҳамки, лекин у аёлига қиё боқмабди. Бу иши ҳақида маломат қилинганида, у киши: “Мен эр кишининг аҳли унинг ҳузурига кирганда ўқиладиган икки ракат суннат намозини ўқишга турган эдим. Лекин Қуръоннинг ажойиблигига берилиб, аёлимни ҳам унутиб қўйибман”, деган экан»<sup>162</sup>.

### **79. Сулайм ибн Анз Тужийбий**

Бакр ибн Музордан ривоят қилинади: «Сулайм ибн Анз Тужийбий Қуръонни ҳар кечада уч маротаба хатм қиларди. Ва уч марта жимоъ қилар эди. У киши вафот этганларида хотини: “Аллоҳ сизни раҳм қилсин! Раббингизни ҳам, аҳлингизни ҳам рози қилдингиз”, деди. Шунда: “Қандай қилиб?” дейишди. Хотини: “Кечаси туриб, Қуръонни ўқиб яқунларди. Сўнг аҳлига қовушиб, ғусл қиларди. Бориб, яна Қуръонни хатм қиларди. Сўнг аҳлига яқинлашиб, ғусл қиларди. Кейин бориб, яна Қуръонни хатм қиларди. Сўнг аҳлига қовушиб, ғусл қиларди ва бомдод намозига чиқиб кетарди”, деди».

### **80. Шотибий ҳақида ҳикоялар**<sup>163</sup>

Шотибий фақир киши эди, ундан шаҳридаги жоме масжидида хатиб бўлиши талаб қилинганида, хатиблар под-

<sup>161</sup> Мулла Али Корининг «Шотибия» асарига ёзган шарҳи 15-бет.

<sup>162</sup> Абу Убайд Қосим ибн Саллом. “Ҳазоилул Қуръон, 61-бет.

<sup>163</sup> Аҳмад ибн Муҳаммад Қасталоний (923 х.)нинг Имом Шотибий тўғрисидаги «Ал-фатҳул мавоҳибий» асари мухтасаридан иктибос.



шолар васфига ошиқча берилиб кетгани сабабли бу ишдан ўзини тортган. Кейин Имом Шотибий 572 санада ҳаж қилиш учун Мисрга сафарга отланди ва Искандарияга тушди. Бу ерда яшаб қолган Имом Ҳофиз Абу Тохир Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салафа Исфаҳоний ва бошқа олимлардан ҳадис эшитди <sup>164</sup>.

Абу Шомма (розияллоху анху) Имом Шотибийнинг тақвоси ҳақида хабар бериб, айтади: «Менга шайхимиз Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Саховий (розияллоху анху) айтиб беришича, Имом Шотибий ўз юрти бўлмиш Шотибани ташлаб, Миср диёрига кўчиб ўтишларига у зотдан ўз диёрида хатиб бўлишни талаб этишганида ҳаж зиёрати учун чиқиб кетгани сабаб қилиб келтирилган. У киши, имом бўлиб қолсалар, минбарларда подшоҳларни шаръан жоиз бўлмаган сифатлар билан мақташга тўғри келиб қолишидан тақво қилиб, Шотибага қайтмадилар. Қаттиқ қийинчиликка, фақирликка сабр қилдилар. Сўнг Қоҳирага келдилар. У ерда фазилатли қози у кишидан ўз мадрасасида Куръондан сабоқ беришини сўради. У киши аввалги фақирлигида қолиш шарти билан рози бўлди».

Шотибий Мисрга борганларида, қози Фозил Абдурраҳим у кишининг хурматларини бажо келтириб, ўз мадрасаларида Куръон ўқитувчи устозларга бош қилиб қўйди. У ерда қироат, луғат, наҳв ва бошқа фойдали илмлардан матонат билан сабоқ берарканлар, исмлари машҳур бўлиб, ҳар томонга ёйилди. Куръон ўқитиш бўйича раислик даражасигача етдилар. Обрўлари ошиб, дарс учун ҳар тарафдан одамлар кела бошлади. Атрофдаги инсонлар у кишидаги илм саховатидан худди ер ёмғирдан манфаат олгандек манфаатланишди.

Султон Малик Носир Салоҳуддин Юсуф ибн Айюб Байтул Мақдиси фатҳ қилгач, 589 санада у киши (Шотибий) зиёратига бориб, Рамазон рўзасини бирга тутди. Ушбу йил зиёратдан қайтаётганида хосу омга манфаат бериш учун саёҳат уловини Фозилия мадрасасига чўктирди. Вафотигача шу ерда дарс бериб қолди.

Ушбу зикр қилинган мадрасани қози Фозил 580 санада ўз ҳовлиси олдидаги гулзор йўлга барпо қилган эди. Уни

<sup>164</sup> Ўша манба.

Шофиъий ва Моликий фақиҳларининг бир гуруҳига вақф қилди. Битта катта хонасини Куръон қироати учун ажратди. У ерда имом Абул Қосим ибн Файюро (Шотибий) шу соҳадан илм берарди. Сўнг унинг шогирди Абу Абдуллох Куртубий, кейинчалик яна бошқалар қироатдан дарс ўқитдилар.

Баъзи ишончли шайхларимиз ўз устозларидан хабар беришларича, Шотибий Фозилияда субҳ намозини ўқигач, қироатдан дарс беришга ўтирар эди. Кишилар ўқиб беришга навбат олиш учун бир-бирлари билан мусобақалашишни тунда бошлаб, у зот ҳузурига етиб келишар эди. Шотибий ўз ўринларига ўтиргач, «Ким биринчи келган бўлса, ўқисин», деган сўздан бошқани гапирмас эди. Сўнг биринчи келган кишининг, кейин ундан сўнг келган кишининг дарсини тинглар эди. Бир куни унинг бир дўсти тасодифан эрта келади ва шайх ўз ўринларига ўтиргач, одатга хилоф равишда: «Ким иккинчи бўлиб келган бўлса, ўша ўқисин», дейди. Иккинчи келган киши ўқишни бошлайди. Шериғи биринчи келган бўлса ҳам, қолиб кетганидан ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини билолмай, «Шайхнинг дарсидан маҳрум бўлишимга қайси гуноҳим сабаб бўлди экан», деб ўйланиб қолади ва ўша кечаси жунуб бўлгани, қироатга иштиёқи қаттиқлигидан ғул қилишни унутгани ва уйқудан турибоқ шайх ҳузурига келганини эслайди. Шотибий бундан воқиф бўлгани учун унинг эмас, иккинчи келган кишининг ўқишига ишора қилган бўлади.

Сўнгра ҳалиги йигит мадраса ёнидаги ҳаммомга югуриб боради ва ғул қилиб, шайх ўша иккинчи киши қироатини тинглаб тугатмасиданоқ етиб келади. Кўзи ожиз шайх аввалги ҳолатида ўтирар эди. Иккинчи қори қироатини тугатиши билан у: «Ким биринчи келган бўлса, ўқисин», дейди. Йигит қироатни бошлайди. Мана бу ҳолат қориларнинг шайхларидан билганларимизнинг энг гўзал бир кўриниши бўлса, ажаб эмас. Шу пайтгача бу каби ҳолат кузатилганини билмаймиз.<sup>165</sup>

Жамолуддин Абул Ҳасан Қифтий айтади: «Шотибий Куръон ўқиб, наҳв ва луғат илмларидан ҳам таълим олди. Ёш йигитлик чоғидаёқ Куръоннинг барча қироатлари борасида

<sup>165</sup> Ибн Жазарий. “Ғоятун ниҳая фий табакотил курро”, 2/21, 22-бетлар.

мохир бўлди. Ҳали эллик ёшга етмасиданоқ атрофдаги инсонлар унга Қуръон ўқиб бериб, кўп манфаат олишди».

Жамолуддин Абул Ҳасан Қифтий яна шундай дейди: «(Шотибий) Мисрни ватан тутиб, «Амр ибн Ос» масжидида дарс беришга ўтирди. У ерда «Бану Ҳимярий» номи билан танилган қавмга куёв бўлди. Сўнг уни Фозил Абдурраҳим ибн Али Байсоний Қоҳирада қурдирган мадрасага кўчириб олиб бориб, дарвозахонанинг чап томонида унинг ўзи учун дид билан алоҳида чиройли бир хона тайёрлади. Шотибий шу ерда дарс берарди. Оиласи учун мадрасадан ташқарида алоҳида бошқа бир ҳовли ажратди. У зот (раҳматуллоҳи алайҳи) то вафотигача ана шу ерда яшади.

У зот (имом Шотибий) «Амр ибн Ос» масжидида азонни бир неча марта муаззинлардан бошқа кишилардан эшитган. Завол пайти улар саноғига етиб бўлмас эди.

Ибн Жазарий: Абул Маъолий ибн Айнул Фузалонинг «Мисбаҳ» номли китобида ушбу нарсани ўқиган эдим: «Имом Шотибий айтадилар: «Мен кетма-кет ўн кеча Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) равзаи шарифда кўриб, у зотга Қуръон ўқиб бердим. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга: “Аллоҳ сени шубҳалардан ҳимоя қилсин”, деганлар».

Бу зот ҳақида бундан ташқари яна бир қанча машҳур ривоятлар ва ҳақиқий кароматлар мавжуд.

Имом Шотибий хузурларида бир фикҳий масала туғилиб қолди. Шунда у зот бу хусусда ҳужжат айтиб, китоб келтиришни сўради ва: «Бу ҳақда фалон жойдан қидиринглар», деб, қайси бет, қайси ўрин ва қайси мавзуда келганигача айтиб бердилар. Талабалар далилларни айтилган жойдан топишгач: «Фикҳни ҳам ёдлаганмисиз?» деб сўрашди. Имом Шотибий: «Мен бир туяга юк бўладиган китобларни ёдлаганман», дедилар. «Ундай бўлса, фикҳдан дарс бермайсизми?» дейишди. У зот: «Кўрларники фақат Қуръондир», дедилар.

Куёви (қизининг эри) Абулҳасан Али ибн Шужаъ ибн Солим – у ҳам кўр бўлган, қироатни қайнотасидан олган – шундай дейди: «Бир сафар ибн Варроққа «Усулул фикҳ»ни ўқиб беришни хоҳлаган эдим, қайнотам бунни эшитиб, мени

чақиртирди. Хузурига борган эдим, қулоғимдан тутиб: «Усул» ўқимоқчимисан?» деди. Мен: «Ха» дедим. У қулоғимдан чўзиб: «Кўрнинг номатлуб иши унинг «усул» ўқишидир», деди».

Имом Шотибийнинг Аллоҳ таолога бўлган ишончи ва қалби кенглигига далолат қилувчи кароматларидан бири ҳақида шогирди Илмуддин Саховий бундай дейди: «Бир куни у зот менга: “Шайтон билан менинг ўртамизда суҳбат бўлиб ўтди. У менга: “Агар бундай қилсанг, сени ҳалок қиламан”, деган эди, мен унга: “Билганингни қил, менга барибир”, дедим”, деди».

Имом Шотибий яна шундай деди: «Йўлда кетаётганимизда, шеригим ортда қолиб кетди. Мен уловда эдим. Шунда икки номаълум шахс келиб, улардан бири мени қаттиқ ҳақорат қила бошлади. Мен «истиъоза»ни айтдим. У бир оз муддат ҳақорат қилишида давом этиб турди. Шунда иккинчиси: «Уни тарк қил, фойдаси йўқ», деди. Шу пайт шеригим ҳам етиб келиб қолди. Унга бўлган воқеани айтиб берган эдим, у ёқ-бу ёққа қараб, ҳеч кимни топмади».

Имом Шотибий дарс беришга ҳеч ҳам таҳоратсиз ўтирмас эди. Муаззин намозга азон айтса, ўрнидан туриб, ўзини тартибга келтирар, таҳоратга эҳтиёж сезса, таҳорат қилар, эҳтиёж сезмаса, шу ҳолида намоз ўқир эди. Дарс давомида тиловат саждасини ўқиса, сажда қилмас эди, шунингдек, унга ўқиб бераётган ҳам сажда қилмас эди. Устозларининг йўли шундай эди. Чунки устоз-шогирднинг ҳолати мустақил ўқувчи ҳолатидан фарқ қилади. Агар устоз-шогирдга тиловат саждаси лозим қилинса, машаққат ва муаммо келтириб чиқаради. Бир гуруҳ уламолар устозга ўқиб берилаётган пайтда тиловат саждасини тарк қилиш мумкинлигига ижмоъ қилганлар. Улар бунга Бухорий ва Муслим Зайд ибн Собитдан ривоят қилган: «Мен Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Нажм сурасини ўқиб бердим, у зот сажда қилмадилар», деган ҳадисни далил келтирадилар.

Ҳикоя қилинишича, Имом Шотибий Маккага кетаётганда йўлда бир дарахт олдидан ўтаётиб шохга тўқнаш келмаслик учун ходимининг кўрсатмаси билан бошини эгиб ўтди. Ҳаж қилиб қайтаркан, яна шу жойга етганда, ҳеч ким айтмас-да, бошини экканича илгарилади. Сабаби сўралганда, шу

ерда дарахт бўлганини айтди. Кавлаб кўришиб, ўша кесилган илдишни топишди.

Ҳикоя қилинишича, Имом Шотибийга яқин жойда ўтирган икки киши баҳслашиб кетиб, бир-бирларини туркий тилда ҳақорат қила бошлашди. Шунда Шотибийдан нима деяётганлари ҳақида сўралди. У зот улардан бирини сўроқ қилиб, ўнг тарафига ўтирғизди. Сўнг иккинчисини сўроқ қилиб, чап томонига ўтирғизди ва: «Мана буниси бундай-бундай, деган эди, униси бундай-бундай, деб жавоб қайтарди. Сўнг буниси бундай-бундай, деган эди, униси бундай-бундай жавоб қайтарди», дея бўлган воқеани охиригача туркий тилда айтиб берди. Ваҳоланки, у зот бу тилни билмас эди.

Имом Шотибий ҳақида бизга шундай ривоят етиб келган: «У: “Ким ушбу қасидамни ўқиса, албатта, Аллоҳ у билан манфаатлантиради. Чунки мен уни Аллоҳ таоланинг розилиги учунгина назмлаганман”, деган». Дарқақиқат, унинг баракаси машриқу мағрибни қамраб олган.

Имом Жазарий: «Ломиййа»<sup>166</sup> нусхаси устига битиб қўйилган қуйидаги матнни кўрганман: “Шотибийдан ривоят қилинишича, ким бу қасидани ёдласа, жаннатга киради». Ушбу ёзувни ўқиган қорилардан бири бу ҳақда сўраш учун унинг ҳузурига боради. Сўралмасидан туриб, у зотнинг кароматлари сабабли аён бўлган ҳолда: «Ҳа, ким ёдласа, жаннатга киради, ҳатто ким вафот қилса-ю, ушбу қасида уйда бўлса ҳам жаннатга киради», деган.

Ривоят қилинишича, Имом Шотибий қасидани тугатиб бўлгач, Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туш кўрганлар. Тушларида у зотнинг ҳузурларида туриб: «Эй Расулulloҳ! Мана бу қасидани қаранг», дея уни қўлларига тақдим қилганларида, (Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни муборак қўлларига олиб: «Бу муборакдир. Ким уни ёдласа, жаннатга киради», деганлар.

Ким буни ёдласа, албатта, фойда топган. Чунки назм қилувчи (Шотибий) қасидани тугатгач, китобни қўлида тутган ҳолда Каъба атрофини ўн икки минг шавт (84000 марта) тавоф қилиб, уни ўқувчи ҳақида: «Эй Еру Осмонни Яратувчи,

<sup>166</sup> Имом Шотибийнинг кироат борасида ёзган манзумалари. Барча байтлар “лом” харфи билан тугаллангани учун “ломиййа” ҳам дейилади.

яширин ва ошкора ишларни Билувчи, ушбу буюк Каъбанинг Парвардигори бўлган Аллоҳим! Буни ҳар бир ўқиган инсонга манфаатли этгин», дея дуо қилган.

Фаъсий «Макка тарихи» номли китобида Муҳаммад ибн Исмоил ибн Юсуф Халабийнинг таржимаи ҳолларида шундай дейди: «У зот бир жойда Қуръон ўқир ва бошқа бир жойда унга ўқиб берилар, сўнг уни ёзар ва шу даражада тўғри ёзардики, қайта-қайта ёзса ҳам, бирор нарса қолиб кетмас, бепарволикка йўл қўймас эди».

Имом Шотибий ризқлари тугаб, ажаллари етиб, вафот қилганда, жонлари чиқиши билан бирга кўзларидан ёш ҳам чиққан. Барча одамлар унинг дунёга умуман рағбати бўлмаганини айтиб, «Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъун» деганлар.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Аллоҳ таолонинг Раъд сураси, 41-оятини «Ернинг хароб бўлиши уламолари, солих ва шарафли кишилари вафоти билан бўлади», деб тафсир қилганлар. Мужоҳид ҳам шу гапни айтганлар.

Ибн Масъуд: «Олимнинг ўлими Ислолдаги бир ёрикдир. Уни кеча ва кундузнинг ўзгаришидан бирор нарса тўлдирмайди», деганлар.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қиладилар: «Албатта, Аллоҳ таоло илмни инсонлардан бутунлай тортиб олмайди. Лекин уламолар ўлими сабабли тортиб олади. Қачонки бирорта олим қолмаса, одамлар жоҳилларни ўзларига бош қилиб оладилар. Улардан сўрасалар, илмсиз фатво берадилар. Натижада, адашадилар ва бошқаларни ҳам адаштирадилар». Бу ҳадис саҳиҳ бўлиб, Имом Бухорий ва Муслим таҳриж қилганлар.

Шотибий ҳижрий 590 сана, жумадул охир ойининг йигирма саккизинчи, якшанба куни аср намозидан кейин 52 ёшида вафот этди ва душанба куни Султон Салоҳиддин Юсуф ибн Айюбнинг вазири, дўсти ва кўмакчиси ҳамда «Иншо» девонининг соҳиби қози Абдурраҳим ибн Али ибн Ҳасан Қозий Лахмий Асқалоний Мисрий қабрига дафн қилинди.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Хусайннинг шундай деганларини эшитдим: «Мен 580 йили ҳаж қилдим. Ўша жойда бир жамоанинг “Ким ёшлигию катталигида Аллоҳга ҳеч ҳам осий бўлмаган киши орқасида намоз ўқимоқчи бўлса, Абул Қосим Шотибийнинг орқасида намоз ўқисин”, деган гапларини эшитдим».

Тож ибн Субкий айтади: «Шотибий тақводор уламолардан ва Аллоҳнинг мухлис бандаларидан эди».

### 81. Абу Абдуллоҳ Сожий

Ибн Қоййим кўз тегувчининг кўзини ўзига қайтариш ҳақида ғаройиб воқеа айтиб берган эди: «Абу Абдуллоҳ Сожий ҳажга ёки ғазотга бўлган бир сафарида чиройли туясини миниб борар эди. Шериклари орасида «кўзи бор» киши бўлиб, нимага қарамасин, унга кўзи тегиб, талафот етар эди. Ҳамроҳлари Абу Абдуллоҳга: «Туянгни «кўз»дан эҳтиёт қил», дейишганда, «Туямга кўз тега олмайди», деганди. Бу хабар «кўзи бор» одамга етгач, у Абу Абдуллоҳнинг йўқ пайтини пойлаб, карвонининг олдига келди ва туяга тикилиб қарган эди, туя ерга думалади. Абу Абдуллоҳ келгач, унга ҳалиги одамнинг кўзи теккани ҳақида хабар берилди. Шунда у: «Уни олиб келинглар», деди. («Кўзли» одам келтирилгач, олдига ўтирди ва: «Бисмиллаҳ, ҳабиса ҳабисун ва ҳажарун ҳабисун ва шихабун қобисун – «кўзли» одамнинг кўзини ўзига ва ўзига яқин бўлган инсонига қарши қайтаргин, дея дуо қилди».)

فَارْجِعِ الْبَصَرَ هَلْ تَرَى مِنْ فُطُورٍ ﴿٢﴾ ثُمَّ ارْجِعِ الْبَصَرَ كَرَيْنٍ يَنْقَلِبْ إِلَيْكَ  
الْبَصَرُ خَائِسًا وَهُوَ حَسِيرٌ ﴿٤﴾

«Раҳмоннинг яратишида бирор тафовутни (нуқсонни) кўрмассан. Бас, кўзингизни яна (самога) қайтаргин-чи, (унда) бирор ёриқни кўрармикинсан? «Сўнгра кўзингни қайта-қайта (самога) қарат, кўзинг сенга хор ва толиққан ҳолда қайтур»,<sup>167</sup> деди. Шунда ҳалиги одамнинг кўз қорачиғи отилиб чиқди ва туя ҳеч нарса бўлмагандай, ўрнидан туриб кетди».

<sup>167</sup> Мулк сураси, 3–4-оятлар.

## 82. Абул Қосим Қушайрий

У Расулulloҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тушида кўрган: Пайғамбар (алайҳиссалом) унга: «Нега хафа кўринасан?» дебдилар. У: «Болам касал, аҳволи оғир», дебди. Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дебдилар: «Шифо оятларини ўқимадингми?

– وَيَشْفِ صُدُورَ قَوْمٍ مُّؤْمِنِينَ

«... ҳамда мўминлар қавми сийналарига шифо берадир» (Тавба сураси, 14-оят),

– وَشِفَاءٌ لِّمَا فِي الصُّدُورِ

«диллардаги нарса(ширк ва бошқа иллатлар)га шифо» (Юнус сураси, 57-оят),

– يَخْرُجُ مِنْ بَطُونِهَا شَرَابٌ مُّخْتَلِفٌ أَلْوَانُهُ فِيهِ شِفَاءٌ لِّلنَّاسِ

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

«Қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур. Албатта, бунда фикр юри-тадиган қавм учун аломат бордир» (Наҳл сураси, 69-оят),

– وَنَزَّلْنَا مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ

وَلَا يَزِيدُ الظَّالِمِينَ إِلَّا خَسَارًا

«(Биз) Қуръондан мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган (оят)ларни нозил қилурмиз. (Лекин бу оятлар) зolim (кофир)ларга фақат зиённи орттирур» (Исро сураси, 82-оят),

– وَإِذَا مَرَضْتُمْ فَهُوَ شِفَاؤُكُمْ

«Касал бўлганимда Унинг Ўзи менга шифо берур» (Шуаро сураси, 80-оят),

– قُلْ هُوَ الَّذِي ءَامَنُوا هُدًى وَشِفَاءً



«Айтинг: «(Ушбу Куръон) имон келтирган зотлар учун ҳидоят ва (дилдаги маънавий иллат учун) шифодир» (*Фуссилат сураси, 44-оят*). Шайх мана шу оятларни боласига уч маротаба ўқиган эди, Аллоҳнинг изни билан тузалиб кетди.

## ҚУРЪОН ЁДЛАГАН АЁЛЛАР ТАРИХИ

### 83. Осиё бинт Аҳмад ибн Абдуддоим

У киши муҳаддиса, қория бўлганлар. Уйлари дарс ва тиловат билан қурилган. У зотга Абу Фахр Асъад ибн Саъд, Зоҳир Сақафий, Ибн Сакийна ва Умар ибн Тоброзид ижозат берганлар. Ҳижрий 687 сана ражаб ойининг бешинчи куни вафот этдилар.

### 84. Асмо бинт Иброҳим ибн Арсоҳ

Ҳижрий 646 йилда туғилганлар. У кишининг тоғалари Қози Нуриддин ибн Сониъдир. Асмо бинт Иброҳим аёлларга Куръон таълимини бериб, илм ўргатганлар. Аллоҳга яқин бўладиган ўринларда жидду жаҳд қилганлар. Ҳижрий 708 йил 9 жумадул аввал, жума куни вафот этганлар.

### 85. Байрам бинт Аҳмад Моликий

Унинг отаси Куръон ўқир ва фақиҳлар билан учрашиб турар эди. У ёшлигидан Куръони каримни ўқишни ўрганди. Байрам бинт Аҳмад Куръонни Шамс ибн Сониъдан олган етита ривоят билан ўқир эди. У қизи Фотимага ҳаммасини, яъни ўнта қироатни ўргатди. Отаси билан Байтул Макдисга бориб, шайхларга Куръон ўқиб берди ва аёлларга ваъз қилди. У «Умда», «Арбаъийн ан-Нававия», «Аш-Шотибиятайн», «Ақида» ва бошқа кўплаб китобларни ёдлаган. «Риёзус-солиҳийн»ни қайта-қайта мутолаа қиларди.

Шунингдек, Макка, Димёт ва бошқа шаҳарларга борган. У ушбу (Димёт) шаҳар шайхи Аҳмад ибн Туриймисга турмушга чиққан.

### 86. Жамъа бинт Башшор Исфаҳония

Тўлиқ исмлари Уммул Баҳо Жамъа бинт Абу Ражо Башшор ибн Аҳмаддир. Исфаҳоннинг муаллимаси бўлган. Муҳаддис авлодларининг энг яхши, солиҳа аёлларидан. Куръон аҳлияси бўлиб, Куръондан дарс берар эди.

Сахл ибн Абдуллоҳ Ғозий ва Раис Абу Абдуллоҳ Қосим ибн Фазллардан ҳадис эшитган. Ҳадис талабида Ироқ ва Хуросонга сафар қилган кишилардан эди. Самъоний ундан учта ҳадис ёзиб олган. Тахминан ҳижрий 485 йилда туғилган.

### **87. Ҳафса бинт Сийрин**

Умму Ҳузайл Ансорий фақиҳа ва тобеъин аёлларнинг саййидаларидан ҳисобланади. Ибодат, фикҳ ва Куръон қироатида машҳур бўлган.

Иёс ибн Муовиядан ривоят қилинади: «Ҳафса бинт Сийриндан фазилатли аёлни кўрмадим. Ўн икки ёшидаёқ Куръони каримни ўқир эди». Унга: “Ҳасан ва ибн Сийринлардан ҳамми?!” дейилганда, у: “Ҳеч кимни ундан (Ҳафсадан) афзал билмайман”, деб жавоб берди».

Куръондан бирор ишқаллик туғилиб қолганда акаси Муҳаммад: «Боринглар, Ҳафсанинг қандай ўқишини сўранглар», дер эди.

Маҳдий ибн Маймун зикр қилади: «Дарҳақиқат, Ҳафса ўттиз йил ўз намозгоҳида турди. У фақат бир оз ухлаш ва ҳожат учун чиқарди. Ўғли Ҳузайл ўчоқда ёкиш учун ўтин тайёрлар ва қишда уни ёқиб, иситар, у (она) эса жойнамоз устида ўтирарди. Ўғли борлигидан қувонар эди. У аёл айтади: «(Ҳузайл) вафот этгач, Аллоҳ мени Ўзи хоҳлаганича сабр қилиш билан ризқлантирди, лекин доимий сиқиланган бўлиб қолдим. Бир куни кечаси Наҳл сурасини ўқиётиб, ушбу: «Аллоҳнинг аҳдини озгина баҳога сотиб юбормангиз. Агар билсангиз, албатта, Аллоҳ даргоҳидаги нарса (ажр-савоб) сизлар учун (дунё матоҳларидан) яхшироқдир».

**Сизларнинг ҳузурингиздаги нарсалар тугаб кетур. Аллоҳнинг даргоҳидаги нарсалар эса боқийдир. Биз албатта, сабр этганларни ўзлари қилиб ўтган гўзал (солиҳ) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз»** (95–96-оятлар)га етганимда унга мувофиқ бўлдим, натижада Аллоҳ сиқилишимни кетказди».

Яна у ривоят қилган ажойиб нарсалардан бири қуйидагича: «Ҳафса бир жория сотиб олди. Ундан: “Беканг ҳақида қандай фикрдасан?” деб сўралди. Шунда у форсча бир гап айтди, унинг маъноси: “У солиҳа аёл. Лекин катта гуноҳ қилиб

қўйибди шекилли, кечаси билан йиғлаб, намоз ўқиб чиқади», деган эди».

#### **88. Хадижа бинт Аҳмад Фаъсия**

Фос ахлидан, қория, солиҳа ва ўқимишли аёл бўлган. Аллоҳнинг Китобини, қироат ва тажвид илмини етарли даражада ёдлаган эди. Ҳарфлар махражлари билимдони, Варш, Қолун ва Маккий қироатига ўхшаш кўп қироатларда ўқувчи, ушбу ривоятлар қироати ва ҳукмларининг барча турларидан бохабар, Аллоҳнинг Китобини ўргатишни лозим тутган, ибодат ва тиловатни кўп қилган аёл. Ўзи қизиққан нарса билан машғул бўлиб, ортиқча нарсалардан йироқ турган. Қуръони каримни Имом Абу Али Ҳасан Жанбур санадлари орқали ўқиган. Шунингдек, Шайх Абдулҳафиз Фаъсий қироатни ундан ривоят қилган. Хадижа унга ҳижрий 323 йилда ижозат берган.

#### **89. Хадижа бинт Ҳорун Давкалийя**

Ҳижрий 640 йил Мағриб (Марокаш)да туғилган. Қуръони каримни еттита қироатда ўқиган ва “Шотибия”ни ёдлаган. Ўн бешта ҳужжат келтирган. Ҳижрий 695 сана муҳаррам ойининг 5-ида, душанба куни вафот этган.

#### **90. Уммул Хайр бинт Аҳмад ибн Исо**

Ибн Макинанинг қизи деб танилган. Ваҳоланки, у Қози Фозил Шихоб Аҳмад ибн Исо ибн Муҳаммаднинг қизи бўлиб, ҳижрий 810 йилдан олдин Малайзияда туғилган. Қуръонни ёдлаб, отаси Нофеъга ўқиб берган ва доимо ёддан ўқиб юрган. Ҳижрий 849 йил сафар ойида Лайя водийидаги Убло қишлоғида унинг олдига Бақоъий келади ва унга бир нарса ўқиб беради. Албатта, у котиба, қория ва фозила эди. Унга бир жамоат ижозат берган. Отаси кўзи ожиз киши бўлиб, яқинлари ичида “Чумчуқ” номи билан танилган. Уммул Хайр бинти Аҳмад ёшлигида Қоҳирага кўчиб борган. Азҳарда яшаб, Қуръонни ёдлаган ва катта машойихлар қўлида илм-фан ўрганган.

#### **91. Салмо бинт Муҳаммад ибн Жазарий**

Куныси – Уммул Хойр. Отаси «Ғоятун ниҳоя фий тобақотил курро» номли китобида унинг таржимаи ҳолини ёзган: «У менинг қизим, Аллоҳ уни манфаатли қилсин, дунё ва

охират яхшиликларига етиштирсин... У ҳижрий 813 йили Қуръон ёдлашга киришди. Тажвид муқаддимасини, наҳв муқаддимасини ёдлаб, топширди. Сўнгра яхши нашр бўлган «Алфия»ни ёдлаб, ўнта қироатда топширди. Ҳижрий 832 йили рабиул аввалнинг 12-сида ҳамма қироатларни ўз ичига олган тажвидли саҳиҳ қироатларни мукамал қилди. Бу муваффақиятларга эришишда, юксакликка кўтарилишда бирор киши унга шерик бўлмади. Аруз ва араб тилини ўрганди, форсча ва арабча шеърлар ёзди. У ўзи ҳадис ўқир, мендан эшитар ва ўзимга кўп бор ўқиб берар эди. Аллоҳ уни бахтли қилсин, дунё ва охират яхшиликларига етиштирсин».

Салмо бинт Муҳаммад ибн Жазарийнинг отасига келсак, у ўз замонасидаги қорилар шайхи ва ҳадис хофизларидандир. Дамашқда туғилиб, у ерда ўсиб улғайган. Дамашқда «Дорул Қуръон» деб номланган мадраса қурди ва Амир Темур билан бирга Мовароуннаҳрга сафар қилди. Сўнгра Шерозга кўчиб ўтиб, унинг вилоятига волий бўлди ва ўша ерда вафот этди. У Курдистон (ҳозирги Туркия)даги “Жазийра ибн Умар” деган жойга нисбат берилади. Қуръони карим илмларига оид кўпгина китоблари бор. Энг машҳурлари тажвид, қироат, Қуръон фазилатлари ва қориларнинг таржимаи ҳоллари хусусидагиларидир. Шунингдек, у кишининг чуқур маъноли зикрлар ва дуолар хусусидаги «Мустаҳкам қўрғон» ва унинг хошиясига ёзилган «Мустаҳкам қўрғоннинг калити» деб номланган китоблари одамлар орасида жуда машҳурдир. Ҳижрий 833 йилда вафот этди.

## **92. Ойша бинт Иброҳим Дамашқий**

Ойша бинт Иброҳим ибн Сиддиқ Суламийя Дамашқийя ўқимишли солиҳа аёлдир. Ҳижрий 661 йили туғилган. Қуръонни Аҳмад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Асокирдан, ҳадисни эса бошқалардан эшитган. Аёллар ундан кўп манфаат олдилар. У ҳақда куёви Ибн Касир бундай дейди: «У ибодатни кўп қилишда ва Қуръонни чиройли адо этишда беназир эди. Бу хусусда кўп кишилардан фазилатли бўлди. У дунёда зоҳида бўлиб, ундан озгина нарса қолди. Ҳижрий 741 йил жумадул аввал ойида вафот этди. Эри Хофиз Абул Ҳажжож Юсуф Миззий Шом диёрининг муҳаддиси, «Таҳзибул камал

фий асмаир рижал» ва «Тухфатул ашроф би маърифатил атроф» китоблари муаллифидир. Ушбу китоблар хусусида Ибн Тулун: «Аниқки, бундан кейинги муҳаддислар шу икки китобга боғлангандир», дейди. Ҳижрий 742 йилда вафот этди.

### **93. Ойша бинт Имрон Манубий**

Обида, солиҳа бу аёл Манубада туғилиб, отаси қарамоғида ўсди. Ота қизининг тарбиясига катта эътибор бериб, Қуръони каримни ўргатди, ҳифзини чиройли қилди. Сўнгра ўзи ибодатга зўр бериб, зоҳидликни лозим топди. У жун йигиришдан келадиған даромади эвазига кун кечирарди. Кўпгина китобларда унинг жасоратларидан ҳикоя қилинади. Ҳаёти давомида Қуръонни 1520 марта хатм қилган. У фақир-мискинларга ғамхўрлик кўрсатар, муҳтожлар эҳтиёжини қондирар эди. Ўз касбидан бирор нарса жамғармагани ҳақида гапириб: «Чўнтагимда бирор дирҳам қолиб, уни садақа қилмасам, тунги ибодатим нуқсонли бўларди!» дейди. Бу унинг яхшилиги ва раҳмдиллигига далолат қилади. Жон бераётгандаги охирги сўзлари: «**Зотан, Аллоҳ тақволи бўлганлар ва эзгу иш қилувчилар билан (ҳамиша) биргадир**» (*Наҳл сураси, 128-оят*) бўлди. 67 ёшга яқинлашганида, ҳижрий 665 йил 21 ражаб ойининг жума куни вафот этди. Жанозасига тунислик уламоларнинг кўпчилиги келишди. Тунисдаги Қаржоний равзасига дафн қилинди.

### **94. Ойша бинт Юсуф Боъуния**

Бу қобилиятли, ўқимишли, олима ва фозила аёл Абдулваҳҳоб Дамашқийнинг онаси, Боъунийнинг қизи бўлган. Шахсий сийрати ҳақидаги сўзида у: «Аллоҳ таоло мени Ўзининг Китобини ўқишим учун танлаб олди, менга уни мукаммал қилиб ёдлашни тортиқ қилди. Ваҳоланки, мен саккиз ёшда эдим», дейди. Отаси машҳур олим Юсуф ибн Аҳмад ибн Носир Боъуний Мақдисий тўрт ёшдалигида Қуддусдан Дамашққа кўчиб борган. Қизи Ойша бинт Юсуфга Қуръон, фикҳ, араб тили ва бошқа фанларни ўргатган. Юсуф ибн Аҳмад Дамашқий Шофиъий Софд вилоятига волий бўлди, сўнгра Дамашқда, ҳижрий 847 йили Шомнинг Тараблус вилоятида, кейинроқ Ҳалабда қозилик қилди. Барча соҳаларда мақтовларга сазовор бўлди. Камтар, забардаст, машҳур олим, зехни ўткир, юмшоқ муома-

лали ва олий ҳимматли инсон бўлган у зот кўп тиловат ва садақа қилар, кўпинча душанба ва пайшанба кунлари рўза тугар, кечалари туриб, таҳажжуд ўқир, кўп эҳсон қилар эди. «Одилиятус суғро», «Шомийятул жавонийя» ва «Азизийя» каби узоқ жойларга бориб, дарс берарди. Юсуф ибн Аҳмад ҳижрий 880 йилда заҳарланиш оқибатида вафот этгани ҳақида маълумотлар бор.

Кўпгина ака-ука ва опа-сингиллари билан бирга отаси тарбиясида улғайган Ойша улар билан ҳужжатлашиб, ҳаммасидан устун келарди. Қоҳирада у илмдан жуда катта насиба олди ва унга фатво ҳамда дарс беришга рухсат этилди. Ҳижрий 919 йилда Ойша Қоҳирага кириб келганида, унинг ҳамроҳи – Миср диёридаги қурилиш ишлари девони бошлиғи Абуссано Маҳмуд ибн Ожо Ҳалабий уни отасининг ҳурмати юзасидан ўз уйига туширган эди.

Ибн Ҳанбалининг айтишича, юқорида зикр этилган таржимаи ҳол соҳибаси ҳижрий 922 санада Ҳалаб шаҳрига келган. Бадр Суюфий, шогирди Шамс Сафирий ва бошқалар у киши билан парда ортида туриб учрашганлар. Сўнг Дамашққа қайтиб, у ерда ўша йили вафот этган.

Олима аёллардан бўлмиш Ойша Боъунийя Ислом тарихида қуйидаги китоблари билан шуҳрат қозонган:

– «Ал-Ишарот ал-Хофийя фи-л-Маназил ал-Алийя» («Олий даражаларга махфий ишоралар»). Бу Ҳаровийнинг «Маназил ас-Саъирин» китобини мухтасар равишда жамлаб ражаз вазнида ёзилган шеърдир.

– «Ад-дур ал-Ғоис фий баҳр ал-муъжизат ва-л-хосоис» («Мўъжиза ва хусусиятлар денгизидаги гавҳар») – Байт бошидан охиригача «ро» ҳарфида тугайдиган қасида бўлиб, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратлари ҳақидадир.

– «Салот ас-салам фий фазли ас-салот вас-салам» («Набийнинг (алайҳиссалом) фазилатлари ҳақида салоту саломлар») – Имом Саховийнинг «Ал-қовл ал-бадиъ фис-солат ъалал-Ҳабиб аш-Шафиъ» китобини ўз ичига олган назмий манзума.

– «Ал-Фатҳ ал-Ҳақий мин фатҳ ат-Талаққий».

Унинг «Ал-Фатҳ ал-Мубин фий мадҳи ал-Амин» асари «мимия (қофиялари «мим» ҳарфи билан тугайдиган) қасида бўлиб, уни худди «Кашф аззунун» каби гўзал шарҳ билан шарҳлади. Унинг аввали: الحمد لله على جواد الأفهام يعقود مدح الشفيع... деб бошланади. Шафоат қилувчи Ҳабибимизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўкка кўтариб мадҳ этувчи бу қасидани Ойша бинт Юсуф ҳижрий 922 йили Рамазон ойида ёзиб тугатган.

### 95. Фотима бинт Абдурроҳман Широт

Куняси Уммул Фатҳ. У отасида Нофеъ кироатини хатм қилди ва Кузоъийнинг «Аш-Шихоб» ва Толайтулийнинг «Мухтасар»ини (ёдлаб) айтиб берди. Шу билан бирга «Саҳиҳ Муслим», Ибн Исҳоқнинг «Сийратун Набавийя» ва «Алкомил ван Наводир» китобларини қабул қилди ва отасидан кўп нарсаларни эшитди. Али Абу Абдуллоҳ Андажарий Зоҳид ва Абу Абдуллоҳ ибн Муфаззалга Қуръонни ўқиб берди. Ундан ўрганган ўғли Абул Қосим ибн Тойласот Қуръонни Варш кироатида ўқиб берди. Ҳижрий 613 йили вафот этди.

### 96. Фотима бинт Абдуллоҳ ибн Мутаваккил ʼалаллоҳ

Илмда етарли даражада маърифатга эга, имон ва тақво билан бирга, зийрак ва фаросат соҳибаси бўлиб, Қуръони каримни Тавба сурасигача пухта ёдлаган, давомли равишда ҳафтада етти порадан ўқиб туриш одати бўлган аёл эди.

Имом Мутаваккил ʼалаллоҳ қизи Фотимани Яҳё ибн Шарофиддинга турмушга берган. Улар барча илмларни ўрганишни ҳамда муаммоли жойларни биргаликда ҳал қилишган. Ҳижрий 895–910 йиллар давомида бетобликдан азият чекиб, оқибатида ҳижрий 910 санада Санода вафот этган.

### 97. Фотима бинт Муҳаммад ибн Юсуф Дувайрутий

Бу олима, фозила аёл, Қуръони каримни, ақида, «Арбаъин ан-Нававий» ва «Шотибия»ларни, Саховийнинг «Нуния»си ва Абу Шужоънинг «Мухтасар»ини тўла ёдлаган. Қироатларни отасидан ифрод<sup>168</sup>, сўнг жам<sup>169</sup> шаклда ўтказиб олганидан

<sup>168</sup> Қуръонни ботиқдан охиригача ўн кироатда алоҳида-алоҳида ўқиш.

<sup>169</sup> Қуръонни ботиқдан охиригача ўн кироатда бир мартада ўқиш.

кейин Қоҳирага келди. Шихоб Искандарий ва Зайн Жаъфарга ўқиб берди. «Шотибия»ни мукаммал ва мустаҳкам ўрганиш билан бирга, қироатларда мохир бўлди. Ундан кўпчилик эркак ва аёллар манфаат олдилар. Унга ўқиб берган аёллар ичида Байрам бинт Аҳмад ибн Муҳаммад Дувайрутия Моликия ҳам бор.

Оталари Муҳаммад ибн Юсуф ибн Аҳмад Шамс Дайрутий ал-Мукрий бўлиб, Ибн Соиф исми билан танилган. У киши Қуръони каримни, иккита «Шотибия»ни ва бошқа асарларни ёдлаб чиққан. Етти қироат билан ифрод ва жам ҳолда ўқир эди. Ўз шаҳарларида одамларга мукрий бўлиш (устозлик қилиш) ташаббуси билан чиққанлар. У кишидан кўпчилик фойдаланган.

Имом Саховий айтадилар: «Илмда баракотли эдилар. У зотга ўқиб берган киши манфаат оларди. Тўқувчилик билан тирикчилик қилганлар. Ҳижрий 864 йилда Дайрутда вафот этганлар».

#### **98. Фойиз Куртубий қизи**

Илм ва одобда ниҳоятда машҳур бўлган. Оталари Фойиздан тафсир, луғат ва шеър илмларини ўрганган. Турмуш ўртоғи Абу Абдуллоҳ Ибн Аббордан фикҳ ва ахлоқ таълимини олган.

Қироат илмларини ўрганиш учун Абу Амр Доний олдида келганида, у киши бетобликдан вафот этди. У зотнинг шогирдлари ҳақида сўраганида, Абу Довуд Мукрий ҳақида айтишади. У (Фойиз Куртубий қизи) ҳижрий 444 сана охирларида Балнасияга келиб, Абу Довудга тажвид билан етти қироатни ўқиб берганидан сўнг ҳаж қилиб, 446 санада Миср сафарида вафот этган.

#### **99. Маймуна бинт Язид Қори**

Тўлиқ исми Маймуна бинт Абу Жаъфар Язид ибн Қоъқоъ Махзумий Маданий Қори бўлиб, қироатни отасидан ривоят қилган. Ундан ўғиллари Аҳмад ва Собит ривоят қилган.

Отаси қироат бобида машҳур шахслардан – ўн қироат имомлари сирасига кирганлардан эди. Бу улуғ инсон, Қуръонни мавлоси Абдуллоҳ ибн Йеъш ибн Абу Робиъа, Абдуллоҳ ибн Аббос ва Абу Хурайраларга (розияллоҳу анҳум) ўқиб



берган ҳамда улардан ривоят қилган. Шунингдек, Нофеъ, Сулаймон ибн Муслим, ибн Жаммоз, Ийсо ибн Вирдон, ўғиллари Исмоил ва Яъқуб ҳамда қизи Маймуналар ундан қиротни ривоят қилганлар.

Ибн Жазарий айтади: «Устоз Абу Абдуллоҳ Қассоънинг дастхатларида шуни ўқидимки, у зот ярим тунда саккиз-ўн олти ракат намоз ўқир, ҳар бир ракатда Фотиҳа сурасига ўртача узунликдаги суралардан замсура қилиб, намоздан сўнг ўзини, мусулмонларни ва унга ўқиб берган ҳамда унинг қироати билан олдин ўқигану кейин ўқийдиганларни дуо қилар экан». Маймуна Мадинада вафот этган.

### 100. Маймуна бинт Шоқула

У кишининг ўғлидан ҳикоя қилинади: «Ҳовлида ёрилган девор бор эди. Бир куни онам: “Қоғоз билан қалам олиб кел!” деди ва қоғозга нимадир ёзиб, менга берди-да: “Девордаги анави тешикка тиқиб қўй”, деди. Мен шундай қилдим. Йигирма йилдан сўнг, онам вафот қилгач, ҳалиги қоғоз ёдимга тушди. Бориб, олишим биланоқ девор қулади. Қоғозни очиб қарасам, унга:

إِنَّ اللَّهَ يُمْسِكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ أَنْ تَزُولَا

«Албатта, Аллоҳ осмонлар ва Ерни завола топишларидан ушлаб турар»<sup>170</sup> Эй Осмону ерни тутиб турувчи! Буни тутиб тургин», деб ёзилган экан.

<sup>170</sup> Фотир сураси, 41-оят.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
Кириш.....	7
<b>БИРИНЧИ БОБ</b> .....	<b>10</b>
Қуръон ёдлаш фазилатлари ҳақида олимларнинг ҳикматли сўзлари.....	10
Илмнинг аввали Қуръон ёдлаш экани, олимларнинг Қуръон ёдлаганлари хусусида .....	10
Қуръони каримнинг хусусиятларидан намуналар .....	11
Қуръон – осон ёдланадиган ва тез ёддан кўтариладиган китоб .....	13
<b>ИККИНЧИ БОБ</b> .....	<b>16</b>
Қуръони каримни кечаси таҳажжуд намозида ўқишнинг фазилати .....	16
<b>УЧИНЧИ БОБ</b> .....	<b>21</b>
Қуръони карим, унинг аҳли, уни ёдлаш, айрим сура ва аятларнинг фазилатлари.....	21
«Басмала» .....	26
Фотиҳа сураси.....	27
Бақара ва Оли Имрон суралари.....	27
Оятул курсий .....	30
Исро сураси.....	31
Каҳф сураси .....	31
Тоҳо ва Ёсин суралари .....	32
Муъминун сураси.....	32
Ёсин сураси.....	32
«Оли Ҳо, Мим» («Ҳо, Мим» суралари).....	33
Ар-Роҳман, Воҳеа, Ҳадид суралари.....	33
Мулк сураси.....	34
Баййина сураси .....	35
Ихлос сураси.....	35
Ихлос ва Муаввизатайн суралари .....	37
<b>ТҮРТИНЧИ БОБ</b> .....	<b>38</b>
Қуръон ёдлашда аҳамият бериладиган жиҳатлар.....	38
<b>БЕШИНЧИ БОБ</b> .....	<b>42</b>
Қуръони каримни ёдлашга оид қирқта қоида ва кўрсатма.....	42
<b>ОЛТИНЧИ БОБ</b> .....	<b>75</b>
Бошланғич талабалар учун Қуръони каримни уч йилдан кам муддатда ёдлашнинг амалий-таتبқий йўли .....	75
Қуръони каримни ёдлаш усуллари .....	75
<b>БИРИНЧИ НАМУНАВИЙ ДАСТУР</b> .....	<b>75</b>

<b>Биринчи босқич</b> .....	75
Қуръондан кундалик янги дарсни ёдлашда энг муътабар усул .....	75
<b>Иккинчи босқич</b> .....	78
Кундалик дарсни ёдлаш амалиёти учун энг афзал вақтлар .....	78
<b>Учинчи босқич</b> .....	80
Хатони юз марта тўғрилаб ўқиш билан дарсни топшириш .....	80
<b>Тўрттинчи босқич</b> .....	81
Ўтган дарсни тайёрлаш ва топшириш .....	81
<b>Бешинчи босқич</b> .....	82
Қуръони каримдан ёдланган жойларни такрорлаш, устозга ўқиб бериш ва меъёр режаси .....	82
<b>Олтинчи босқич</b> .....	83
Бир миқдорни белгилаб олиш йўли билан шахсий кундалик тиловат қилиш режаси .....	83
<b>Еттинчи босқич</b> .....	84
Дарс, дарсия, такрорлаш, тунги шахсий тиловат вазифаси (вирд)ни мисоллар билан амалий татбиқ қилиш .....	84
Иккита муҳим йўлланма .....	86
Биринчи намунавий-амалий дастурга илова .....	86
Ота-онанинг вазифалари .....	87
Фарзанд (шогирд)нинг вазифалари .....	90
Муаллимнинг вазифалари .....	92
<b>Дарс вақтини тўрт қисмга тақсимлаш жадвали:</b> .....	98
<b>ЕТТИНЧИ БОБ</b> .....	107
Қуръони каримни бир йилдан оз муддатда ёдлаб ниҳоясига етказган ҳофиз учун уни таркиз (жам) қилиш ва мустаҳкамлаш йўли .....	107
<b>ИККИНЧИ НАМУНАВИЙ ДАСТУР</b> .....	107
Қуръони каримни ёдлашни ниҳоялаган ҳофиз учун уни бир йилдан оз муддатда мустаҳкамлаб олиш усули .....	107
<b>Биринчи босқич</b> .....	107
<b>Иккинчи босқич</b> .....	110
Итқон, мурожаъа ва вирднинг ўн кунга тақсимланган амалий дастури (мисол тарзида) .....	110
<b>САККИЗИНЧИ БОБ</b> .....	113
Муташибих оятлар .....	113
Биринчи қисм: умумий ўхшаш оятлар .....	113
Иккинчи қисм: такрорий ўхшаш оятлар .....	117
Учинчи қисм: аломатлари бир-бирига яқин бўлган ўхшаш оятлар .....	119
Қийин бўлган ўхшаш оятлар тартибига қўшимча .....	119
Бақара сураси .....	119
Оли Имрон сураси .....	125

Нисо сураси.....	127
Моида сураси.....	130
Анъом сураси.....	132
Аъроф сураси.....	136
Анфол сураси.....	140
Тавба сураси.....	142
Юнус сураси.....	144
Худ сураси.....	146
Юсуф сураси.....	150
Раъд сураси.....	151
Иброҳим сураси.....	153
Ҳижр сураси.....	154
Наҳл сураси.....	155
Исро сураси.....	157
Қаҳф сураси.....	158
Марям сураси.....	159
Тоҳо сураси.....	160
Анбийё сураси.....	162
Ҳаж сураси.....	163
Муъминун сураси.....	164
Нур сураси.....	165
Фурқон сураси.....	166
Шуаро сураси.....	167
Намл сураси.....	168
Қасас сураси.....	170
Анкабут сураси.....	171
Рум сураси.....	173
Луқмон, Сажда суралари.....	174
Аҳзоб сураси.....	175
Сабаъ сураси.....	176
Фотир сураси.....	177
Ёсин, Соффот, Сод суралари.....	177
Зумар, Гофир, Фуссилат, Шўро, Зухруф, Духон суралари.....	179
Муҳаммад, Фатҳ, Қоф, Зориёт, Қамар, Воқеа, Мужодала, Мумтаҳана, Тағобун, Талоқ, Қалам, Муддассир, Аъло суралари.....	183
<b>ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ.....</b>	<b>186</b>
Қуръони карим ҳофизлари ҳақида қисса ва ҳикоялар.....	186
Қуръон ёдлаган аёллар тарихи.....	224

*Диний-илмий нашр*

## ҚУРЪОН ЁДЛАШ ФАЗИЛАТЛАРИ

*Мураттаблик сирлари ва ёдлаш усуллари*

*Махсус муҳаррирлар* Жалолиддин НУРИДДИНОВ,  
Одина САИДАҲМЕДОВА

*Муҳаррирлар* Шариф ХОЛМУРОД,  
Жамшид ШОДИЕВ

*Бадиий муҳаррир* Жамшид НЕЪМАТОВ

*Саҳифаловчи* Толибжон ҚОДИРОВ

*Мусаҳҳиҳа* Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2013 йил 30 сентябда берилди. Босишга 2013 йил 2  
октябда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60 x 90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Харф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 8,74. Шартли б. т.: 14,75. Адади: 2000 нусха.  
340-сон букюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Movaqouppahg” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар  
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: [m-nashr@yandex.ru](mailto:m-nashr@yandex.ru).

Тел: (8-371) 227-34-30

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳар Шайхонтохур кўчаси 86-уй.

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz), e-mail: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz), [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)